



SAHNA NUTQI FANINI RIVOJLANTIRISHDA USTOZLAR MEROSINI O'RGANISHNING DOLZARB MASALALARI

Ilmiy-amaliy seminar
materiallari to'plami

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI MADANIYAT VAZIRLIGI
O‘ZBEKISTON DAVLAT SAN’AT VA MADANIYAT INSTITUTI**

**SAHNA NUTQI FANINI RIVOJLANTIRISHDA
USTOZLAR MEROSINI O‘RGANISHNING DOLZARB
MASALALARI**

(ilmiy-amaliy seminar materiallari to‘plami)

TOSHKENT - 2024

“Sahna nutqi fanini rivojlantirishda ustozlar merosini o‘rganishning dolzarb masalalari” mavzusida ilmiy-amaliy seminar materiallari to‘plami. –Toshkent.: IMFAKTOR Pages, 2024. – 120-bet.

Muharrir:

G.Xalikulova – san’atshunoslik fanlari nomzodi, professor v.b.

Taqrizchilar:

H.Ismoilov – filologiya fanlari nomzodi, dotsent

O.Azizova – san’atshunoslik bo‘yicha falsafa doktori (PhD)

Sahifalovchi texnik xodim:

B.Jabborov – o‘qituvchi

Mazkur to‘plam 2023-2024-yil O‘zbekiston davlat san’at va madaniyat instituti Teatr san’ati fakulteti “Sahna nutqi” kafedrasida o‘tkazilgan ilmiy-amaliy seminarlar uchun tayyorlangan ma’ruzalar asosida yaratildi.

To‘plamda o‘zbek sahna nutqining tarixi, uning rivojlanishiga ulkan hissa qo‘shgan ustozlar faoliyati qalamga olindi. Shuningdek, sahna nutqining o‘ziga xos metodikasini va an’alarini davom ettirib kelayotgan professor-o‘qituvchilarning ishlari ham shogirdlar tomonidan yozilgan maqolalari asosida bayon qilindi. Sahna nutqi fanining kelajagi uchun xizmat qiladigan ushbu to‘plam kelgusida professor-o‘qituvchilarining hamda talabalarning faoliyatida, shuningdek aktyor va rejissorlar tarbiyalashda dasturilamal bo‘lib xizmat qiladi.

MUNDARIJA

<i>Kirish</i>	4
1. ХАЛИКУЛОВА Г.Э.	
<i>Ўзбек саҳна нутқининг ривожланишида атоқли режиссёр ва саҳна усталарининг роли</i>	5-14
2. ХАЛИКУЛОВА Г.Э.	
<i>Лола Хўжаева, Абдураҳим Сайфиддинов ва Автетхоним Муродоваларнинг бадиий сўз устида ишлаш усуллари ҳақида</i>	15-25
3. ДЖУМАНОВ И.М.	
<i>Санъатишунослик фанлари номзоди, доцент Иноятилла Пулатовнинг илмий-назарий, амалий педагогик фаолияти</i>	26-33
4. KADIROV R.T.	
<i>Ifodali va badiiy o'qish bo'yicha Sotimxon Inomxo'jayev metodikasi</i>	34-39
5. ДЖУЛДИҚОРАЕВА Х.Т.	
<i>Муסיқали театр актёрининг саҳнавий нутқини тарбиялашда Зухра Олимжонова тажрибаси</i>	40-46
6. ХОДЖИМАТОВА М.К.	
<i>Розия Усмонованинг ижодий ва педагогик маҳорати</i>	47-54
7. ЖУМАНОВА Д.Қ.	
<i>Ўктамхон Нурмуҳаммедованинг педагогик фаолияти ва саҳна нутқи ривожига қўшган ҳиссаси</i>	55-61
8. АҲМЕДОВА Н.Р.	
<i>Профессор Адиба Носированинг саҳна нутқи ва жонли сўзга қўшган ҳиссаси</i>	62-66
9. ЮСУПОВ Ш.Т.	
<i>Саҳна нутқининг рагон бўлишида Башорат Бобоназарованинг илмий методик изланишлари</i>	67-72
10. МАГДИЕВ Б.К.	
<i>Рамз Қодировнинг педагогик маҳорати: актёрлик маҳорати ва саҳна нутқининг уйғунлиги масаласи</i>	73-79
11. ИБРАГИМОВА У.Н.	
<i>Сўз устаси Шокир Юсупов</i>	80-84
12. НАЗАРОВА И.Б.	
<i>Сотимхон Иномхўжаев илмий ва ижодий йўлига чизгилар</i>	85-89
13. ТОҲИРОВ О.С.	
<i>Содиқжон Носировнинг шеърый матнлар устида ишлаш маҳорати</i>	90-93
14. ЖАББОРОВ Б.И.	
<i>Исоқтой Жумановнинг сценарийнавислик ва педогогик маҳорати</i>	94-101
15. САИДОВА Х.Х.	
<i>Талаба-актёрларнинг саҳнавий нутқини тарбиялашда Махсума Ходжиматованинг инновацион ёндошувлари</i>	102-107
16. ХОМИДОВ I.K.	
<i>Sahna nutqi texnikasini takomillashtirishda Go'zal Xalikulovanning izlanishlari va uni amaliyotga tadbiq etilishi</i>	108-114
17. ИБРАГИМОВА У.Н.	
<i>Мустақиллик даври ўзбек саҳна нутқи илмий-тадқиқотидаги туб бурилиш ҳақида (гўзал халикулованинг илмий тадқиқоти мисолида)</i>	115-120

KIRISH

Saltanat ahlilarining o‘rinsiz g‘ururiga xaqning xokimligi, unga qaram bo‘lgan nihoyasiz mulklar haqida fikr yuritish, da‘vo va kibrga muhtaloligiga ham uning ulug‘ligi va azamati haqida aql yugurtirish iloj bo‘la oladi.

Saodatmand odam agar olim bo‘lsa, nodonlarning so‘zlari ham uning uchun ahamiyatli bo‘ladi, baxtsiz agar johil bo‘lsa, olim so‘zini eshitishdan or qiladi. Haqiqatdan ham johillikdan badbaxtroq nima bor dunyoda? Kimki o‘zini o‘zi maqtasa – bu ahmoqlikdir; kimki o‘z so‘zini o‘zi ma‘qul ko‘rsa – bu baxtsizlikdir.

Olamdagi hamma odamlar o‘zlarini o‘zlari sevadilar; ularning so‘zlari ham o‘zlariga juda yoqimli tuyuladi. Bashar jinsida bo‘lgan bu sifat – ularning johilligiga dalolatdir, nafslari esa beixtiyor shu da‘vo bilan mashg‘uldir.

(Alisher Navoiyning “Mahbub ul-qulub” asaridan, uchinchi qism boshi.)

Qiziq, bugun ko‘pchilik odamlar o‘z yonidagi odamga “o‘zingni o‘zing sevib yasha”, deb maslaxat beradi. Va bunga ko‘pchilik odam quloq soladi. Ammo o‘zini sevib yashash nimada ko‘rinadi, bunga qaysi ota-onaning yoki ustozning qirralari namuna bo‘la oladi? Bu savol meni ko‘pdan qiynab keladi. Negaki, atrofda sodir bo‘layotgan turli ko‘zbo‘yamachilik, ikkiyuzlamachilik holatlari, sayoz fikrlaydigan yengiltabiat, bironi tan olmaydigan kishilarning ko‘pchiligi o‘zlarini o‘zlari sevib yashaydilar, o‘zgalarni tan olgisi kelmaydi. Atrofdagi voqea hodisalar bilan ishi yo‘q, bunday toifa odamlarining ko‘payishi oqibatida beparvolik kayfiyati ham kuchayib boradi. Masalani xalq uchun xizmat qiladigan san‘at va madaniyat xodimlari faoliyati tomoniga buradigan bo‘lsak, bular orasida ham mana shunday kayfiyat bormikan, degan fikr tug‘iladi. Bu savolga hech ikkilanmay, “ha bor!” deb javob berish mumkin. San‘at va madaniyat institutida-chi, institutda ham xuddi shundaylar bormi? Bu savolga ham hech ikkilanmay “ha, yetarli darajada!” deb javob beraman shaxsan men. Chunki bu narsa yosh tanlamaydi-da. Ilgarigiga nisbatan o‘qituvchilarda fidoyilik, ustozlarga bo‘lgan ehtirom, kelajak haqida bosh qotirish kabi xislatlar susayib ketgandek nazarimizda.

Biz yuqorida so‘z mulkining sultoni Mir Alisher Navoiyning shoh asarlari hisoblangan “Mahbub ul-qulub” asaridan bu haqda misol keltirdik. Bu bejiz emas. San‘at va madaniyat instituti respublikamizda yagona bo‘lganligi bois, unda o‘ziga xos aktyorlik, rejissorlik maktablari borligi, u maktabda buyuk aktyorlar, rejissorlar yetishib chiqqanligi, ular haqida san‘atshunos, teatrshunos olimlar tomonidan monografiya, maqolalar yozilganligi hech kimga sir emas. Aktyorlik mahorati, sahna nutqi, sahna harakati, raqs, xorijiy teatr tarixi, rus teatri tarixi, o‘zbek teatri tarixi, falsafa kabi muhim bo‘lgan darslarni qator olimlar, haqiqiy mutaxassislar o‘tganligi, ular bergan bilimlar esa hali-hali toshga o‘yilgan naqshday xotiralarda saqlanib qolgani aniq faktdir. Bu ustozlar o‘z ustida tinimsiz ishlaganlar, yangi-yangi asarlar o‘qib, tahlil qilganlar. Fikrlarini o‘zgalalar bilan bo‘lishganlar.

Bugungi kunda dotsent, professor ilmiy unvonlariga ega bo‘lgan pedagoglar kundan-kunga ko‘payib borishi kishini quvontiradi. Ammo keyingi faoliyati shu bilan to‘xtab qolayotganini ham ko‘rib turibmiz.

Lekin “Sahna nutqi” kafedrasida pedagoglarining bunday bo‘lishiga yo‘l qo‘ymaslik kerak. “Nima eksang, shuni o‘lasan”, degan naql bor xalqimizda. Ushbu dargoh tarixini yaxshi o‘rganmagan, bu dargoh uchun umrini, bilimini va ilmini bag‘ishlamagan, sayoz bilimlar bilan jonini ham koyitmasdan talaba bilan ishlaydigan pedagoglardan voz kechish oson. Lekin avval ularga o‘rgatish, ularga qalamni tadqiqotlarda tebratish ko‘nikmalarini shakllantirish yetakchi ustozlarning vazifasi, deb o‘ylaymiz.

Bir oz hijolatli bo‘lsa-da, adolat yuzasidan so‘zlasak, xususan, buyuk allomalarimiz, vatandoshlarimizning hayoti va ilmiy faoliyatiga qiziqish qadimdan mavjud bo‘lgan va bu meros muttasil o‘rganilib, ko‘plab asarlar yozilgan.

Qimmatbaho ushbu asarlar kitoblarda takror-takror nashr etilib kelinmoqda. O‘zbekiston teatri, rejissorlari va aktyor va aktrisalari haqida ham ulkan ishlar teatrshunos, san’atshunos olimlarimiz tomonidan o‘rganilib, monografiya va risolalarda o‘z aksini topgan. Bugungi kunga kelib san’at, madaniyat sohasini rivojlantirishga bebaho xizmatlarini ayamagan yetuk mutaxassislar davlatimiz rahbari tomonidan rag‘batlantirilmogda. Ular haqida ilmiy maqolalar yozilmogda.

Shu jihatdan, o‘zbek teatri taraqqiyotida sahna nutqining alohida o‘rni bor. Sahna nutqi orqali aktyorlar buyuk obrazlar yaratdilar, tomoshabinlar qalbidan chuqur o‘rin oldilar. Bu predmet sifatida shakllangan sahna nutqi bugunga kelib fan darajasiga yetdi. Sahna nutqi nafaqat aktyorlarga, rejissorlarga, balki madaniyat xodimlariga, jurnalistlarga, boshlovchi, diktorglarga, rahbar va pedagoglarga, xarbiylarga, mahalla, fermer xo‘jaligi faollariga, suzuvchi, quruvchi, muxandislar va boshqa tashkilot rahbarlariga yordamchi fan sifatida xizmat qilmogda. O‘zbek tilini davlat tili sifatida nufuzini oshirishga ham sahna nutqi pedagoglari ana shu sohalarda xizmat qilib kelmogdalar.

Ming afsuski, katta tajribaga ega bo‘lgan, umrini sahna nutqi taraqqiyoti uchun sarflagan sahna nutqi pedagoglarining ko‘pchiligi bugun oramizda yo‘q. Ular haqida yozilgan xotiralar, maqola, risolalar esa qo‘l bilan sanoqli. O‘zbek sahna nutqining birinchi professori, sahna nutqida talaffuz meyorlari, o‘zbek adabiy tilining takomillashtirishga bag‘ishlangan ilmiy maqolalar, monografiyalar sohibi Nazira Aliyeva, keyinchalik Rossiya sahna nutqi maktabini mukammal o‘rganib, o‘zbek sahna nutqi maktabiga o‘zining metodikalari, ilmiy ulkan izlanishlari bilan hissa qo‘shgan Lola Xo‘jayeva, badiiy o‘qish asoslarini aktyor va rejissor tarbiyalashda o‘ziga xos tizim yaratgan Sotimxon Inomxo‘jayev, XX asrda sahna nutqining ildizlarini tadqiqot qilgan, til va nutqdagi shevaga xos bo‘lgan so‘zlardan adabiy tilga o‘tishdagi aktyorlar nutqini talqin qilgan Inoyatilla Po‘latov, monolog va dialoglar ustida ishlash mahorati, aktyorlar ijrosi haqida izlanishlar olib borgan Mahkam Isroilov, talabalarni aruz vazni va g‘azal bo‘stonida sayr qildirgan Abdurahim Sayfiddinov, xalq og‘zaki ijodi, adabiy parchalarni o‘qish metodikasini qalblarga singdirgan Avtetxon Murodova, jonli so‘z borasida katta tadqiqotlarni olib borgan Adiba Nosirova, Muhammadjon Ismanov, qo‘g‘irchoq teatri aktyorlari nutqidagi nuqsonlarni tuzatishda tajribalari boy bo‘lgan Olga Suzdalseva kabi zabardast sahna nutqi ustozlari haqida qanchadan qancha ilmiy maqolalar yozish vaqti keldi. Ammo bu ishlarni amalga oshiradigan shaxlarni tayyorlash kerak. Har qanday davrda, har qanday jamiyatda uchragani kabi adolatsizliklar, kamsitilishlar, qiyinchiliklarni bartaraf qilishga intilish lozim.

O‘quvchining ajdodlar merosini bilish, mustaqil ishlay olishi, fan nazariyalarini o‘zlashtirishi, bilgan narsalarini amaliyotga qo‘llay olishi, hayot bilan bilim uyg‘unligi, kashfiyotlar qilish qobiliyatlari, yangilik yaratish qobiliyati rivojlanayotgan paytda sahna nutqining bugungi yetakchi o‘qituvchilari yoshlarga vorislik qilish kerak. Kadrlar tayyorlash milliy dasturi, Ta‘lim to‘g‘risidagi Qonun hayotga yangitdan joriy qilingan bir paytda yaratilgan metodikalarga tayanmasdan dars o‘tib bo‘lmaydi. Shunga yarasha yosh mutaxassislar ham sahna nutqi ilmiga sadoqat bilan yondashsalar ma‘qul ish bo‘lar edi.

Sevimli yozuvchimiz Tohir Malik aytganidek, “Kema yo‘lboshchisi xato qilsa kema og‘ib ketadi. Kemani to‘g‘ri boshqarsa hamma manzilga yetadi. Yoshlarni to‘g‘ri tarbiyalash kemani og‘ib ketishidan saqlaydi”.

G.E. Xalikulova



SAHNA NUTQI FANINI RIVOJLANTIRISHDA USTOZLAR MEROSINI O'RGANISHNING DOLZARB MASALALARI

(IImiy-amaliy seminar materiallari to'plami)

ХАЛИКУЛОВА Гўзал Эркиновна
*Санъатишунослик фанлари номзоди,
профессор в.б.*
<https://doi.org/10.5281/zenodo.10828764>

ЎЗБЕК САҲНА НУТҚИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА АТОҚЛИ РЕЖИССЁР ВА САҲНА УСТАЛАРИНИНГ РОЛИ

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида фаолият кўрсатаётган “Саҳна нутқи” кафедрасининг тарихи билан боғлиқ манбалар, масалалар, саҳна нутқи фанининг ривожига улкан ҳисса қўшган атоқли режиссёр ва саҳна нутқи усталари ҳақида гап боради. Миллий кадрлар тайёрлашда уларнинг саъй-ҳаракатлари, буюк хизматлари архив материаллар асосида ёритилади. Шунингдек, ўзбек саҳна нутқи мактабининг анъаналари ва шаклланиши йўлидаги машҳур санъаткорлар томонидан амалга оширилган илмий-ижодий ишлар саҳна нутқи масалалари нуқтаи назаридан таҳлил қилинади. Саҳна нутқига янги таъриф берилади. Шунингдек, “Саҳна нутқи” кафедрасининг нуфузини ошириш йўлида хулоса ва таклифлар берилади.

Калит сўзлар: саҳна нутқининг шаклланиши, Маннон Уйғур, Назира Алиева, Лола Хўжаева, архив материаллари, туб маъно, нутқий характер, темпо-ритм.

РОЛЬ ВЫДАЮЩИХСЯ РЕЖИССЕРОВ И МАСТЕРОВ СЦЕНЫ В РАЗВИТИИ УЗБЕКСКОЙ СЦЕНИЧЕСКОЙ РЕЧИ

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются источники, вопросы, связанные с историей кафедры “сценическая речь”, функционирующей в Узбекском государственном институте искусств и культуры, о выдающихся режиссерах и мастерах сценической речи, внесших огромный вклад в развитие науки сценической речи. Их усилия, их большой вклад в подготовку национальных кадров будут освещены на основе архивных материалов. Также с точки зрения вопросов сценической речи анализируются научно-творческие работы, выполненные известными художниками на пути становления и развития узбекской школы сценической речи. Сценической речи дается новое определение. Также приводятся выводы и предложения по повышению престижа кафедры “Сценическая речь”.

Ключевые слова: формирование сценической речи, Маннон Уйғур, Назира Алиева, Лола Ходжаева, архивные материалы, коренной смысл, речевая характеристика, темпо-ритм.

THE ROLE OF OUTSTANDING STAGE DIRECTORS AND MASTERS IN THE DEVELOPMENT OF UZBEK STAGE SPEECH

ANNOTATION

This article will talk about sources, issues related to the history of the “stage speech” Department operating at the State Institute of art and culture of Uzbekistan, outstanding director and masters of stage speech who made a great contribution to the development of the science of stage speech. Their efforts in the training of National Personnel, great services are illuminated on the basis of archival materials. Also, the scientific and creative work carried out by famous artists on the path of traditions and formation of the Uzbek School of stage speech is analyzed from the point of view of stage speech issues. Stage speech is given a new definition. Also, conclusions and proposals will be made on the way to increasing the prestige of the “stage speech” Department.

Keywords: the formation of stage speech, Mannon Uyghur, Nazira Alieva, Lola Hozhaeva, archival materials, indigenous meaning, speech character, tempo-rhythm.

Кириш. Бугун ҳар бир соҳада тарихни ўрганиш, таҳлил қилиш, камчиликлар устида тинимсиз бош қотириш, муаммоларнинг ечимини излаш замон талаби. Янги Ўзбекистонда янгича фикрлаш, тарихни қайта-қайта ўқиш, ўрганиш орқали билим ва кўникмаларни ошириш, келажак авлодга тушунтириш муҳим масалалардан биридир. Республикамиз театрлари учун малакали кадрлар тайёрлашда, маҳоратли режиссёр ва актёрларни тарбиялашда қарийиб 78 йиллик тарихга эга бўлган Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг, хусусан, “Театр санъати” факультетининг, унда фаолият кўрсатаётган “Саҳна нутқи” кафедрасининг тарихига назар солиш, профессор-ўқитувчиларининг бу соҳага қўшган хиссасини ўрганиш, уни ёшларга етказиш ҳам долзарб масалалардан саналади.

Материал ва методлар. Тарихдан маълумки, “Саҳна нутқи” кафедрасида фаолият кўрсатган профессор-ўқитувчилар азалдан “Актёрлик маҳорати” фани ўқитувчилари билан елкама-елка меҳнат қилиб, театрларга малакали мутахассислар тайёрлашда улкан ишларни амалга оширганлар. Улар институт ташкил этилган даврдан бошлаб актёрлик маҳорати ва саҳна нутқи фанлари битта фан сифатида ўқитилганлигига қарамай, талабаларда саҳна нутқи техникаси, талаффуз меъёрлари, адабий тилга риоя қилиш, адабий парчалар устида ишлаш бўйича дарс ўтишган. Кейинчалик Москва, Санкт-Петербург театр институтлари тажрибаларини ўрганиш натижасида институтнинг факультетлари ҳам кенгайтирилган. Шу қаторда саҳна нутқи кафедраси актёрлик маҳорати кафедрасидан ажратилган ва алоҳида предмет сифатида шакллана бошлаган. Бу 1946 йил айти театр репертуарларида “тарихий-инқилобий мавзу, собиқ иттифоқ доирасидаги халқлар дўстлиги ва байналминаллик ғояларини зўрма-зўраки улуғловчи ҳамда рус ва бошқа тилларда таржима қилинган асарлар етакчилик қилаётган” [1, Б.69] бир паллага тўғри келган.

Ўша даврда театрларга миллий кадрлар тайёрлаш, уларни маҳаллий шевачиликдан холи ўзбек тилида соф гапиришга ўргатиш борасида жуда кўп ўзбек драматургларининг ва саҳна усталарининг ўрни катта бўлган. К.Яшин, Уйғун, М.Шайхзода, Абдулла Қаҳҳор, Иззат Султон каби драматурглар, Маннон Уйғур, Етим Бобожонов, Тошхўжа Хўжаев, Музаффар Муҳаммедов, Раззоқ Ҳамроев каби режиссёрлар, Аббор Ҳидоятлов, Олим Хўжаев, Шукур Бурхонов, Сора Эшонтўраева, Лутфихон Саримсоқова, Аббос Бакиров каби кўплаб актёрлар саҳнада ижод қилиш билан бирга кўпчилиги институтда дарс беришган. Улар миллий ўзига хослик кучайтирилишига асосий куч бўлган. Ана шу санъаткорлар таъсири остида саҳна нутқи мутахассислари ҳам шаклланиб боришган.

Натижалар. Институт тарихида қозоқ, қирғиз, туркман, тожик, уйғур, корейс курслари қабул қилинганлиги ва бунда тилларни яхши ўзлаштирган ўзбек педагоглари жонбозлик кўрсатишган. Рус, қорақалпоқ курслари эса қўшни давлатлардан эмас, маҳаллий ҳудудлардан қабул қилинган.

Қорақалпоғистон Республикаси эса бевосита Ўзбекистонга қарашли суверенитет давлат бўлгани учун талабга қараб курслар қабул қилинган. Институт нафақат республикага, балки кўшни давлатлар театрларига ҳам минглаб мутахассислар тайёрлаган. Бора-бора кўшни давлатлар институтни андозаси асосида институтлар очиб, малакали кадрлар тайёрлаган. Саҳна нутқи педагоглари ҳам ана шу жараёнларга катта тажриба оширганлар. Бу борада тарихий жараёнларга таяниш муҳим.

Асосий қисм. Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти архивига кириб манбаларни қидирар эканмиз, тарихга боғлиқ ҳужжатлар жуда кам, саёз эканлигига, буйруқ ва ҳисобот кейинги йилларда умуман сақланмаганлигига гувоҳ бўламиз. Шунинг учун мавжуд манбаларга, яъни 1945-1950 йилларда сақланган буйруқларга, театршунос олимлар яратган монографияларга таянган ҳолда тадқиқот олиб бориб, баъзи маълумотларни қиёсий таҳлиллар асосида фикрни шакллантиришга ҳаракат қилдик.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин 1945 йилда ташкил этилган театр санъати институти дастлаб ўз фаолиятини Мухтор Ашрафий номидаги Ўзбекистон давлат консерваториясида бошлаган. 1947 йилда янги бинога, яъни Герман Лопатин, ҳозирги Юнус Ражабий кўчасидаги бинога кўчирилган. (Ҳозирги кунда бино бузиб ташланган.) Ўшанда институт Тошкент давлат театр санъати институти деб юритилган. Институтни ташкил этишда фидойилик кўрсатган, моддий техника таъминоти, ўқув жиҳозлари, кутубхона анжомлари танқис бўлган бир пайтда педагоглар гуруҳини шакллантира олган ва институтга раҳбарлик қилган Михаил Полиевктович Верхацкий аввало таълимни тўғри йўлга қўйиш кераклиги борасида кўп бош қотирган. У киши ўқув-тарбиявий ишларини ҳам тизимли равишда амалга оширишга ҳаракат қилган [2, Б.7-11].

Ўша пайтларда И.Радун, А.Гинзбург, М.Рубинштейн, Н.Тимофеева, И.Акбаров, С.Весклер, С.Гутманович каби педагоглар, шунингдек, Отахон театрнинг (Миллий театр) етакчи санъаткорлари Маннон Уйғур, Етим Бобожонов, Қудрат Хўжаев, Саъдихон Табибуллаевлар бўлажак актёрларга дарс берганлар. М.П.Верхацкий бошчилигидаги имзоланган ҳужжатларда институт ўз фаолиятини бошлаган дастлабки даврда “Актёрлик”, “Режиссёрлик” ҳамда “Театршунослик” факультетлари мавжуд бўлганлигидан далолат беради [3, Б.164].

Юқорида таъкидланганидек, театрга миллий кадрлар тайёрлаш қанчалик муҳим бўлган бўлса, институтга ҳам миллий миллий кадрларни жалб этиш шунчалик долзарб бўлган.

Асосий фикр саҳна нутқи ҳақида борар экан, ўзбек саҳна нутқининг асосчиси деб Маннон Уйғурни айтиш мумкин. Бунга асосли далиллар бор. Ўзбек театрининг атоқли режиссёри, саҳна нутқи устаси Маннон Уйғур юксак салоҳиятли, ўз услубига эга, миллий анъаналарни ўзлаштирган бўлиб, у Москвада режиссёрлик курсида ўқиб юрган кезларидаёқ студиячиларга (1924-27 йилларда Отахон театрнинг бир гуруҳ актёрлари Москвага ўқишга юборилган ва у ерда театр студиясида таҳсил олганлиги учун улар студиячилар дейилган.) дарс берганлиги туфайли режиссёрнинг иши фақат постановка эмас, балки унда актёрлик, педагоглик ва ташкилотчилик қобилияти мужассам бўлиши лозимлигини яхши тушунган, ўз фаолиятида шунга амал қилиб келган эди.

М.Уйғур ўзи ташкил қилган театрларда режиссёрлик вазифасини ўтар экан, институтда ҳам бўлажак актёрлар билан тил, нутқ устида кунт билан ишлаб, оғзаки ва жонли нутққа хос содда хусусиятларни сақлашга ҳаракат қилган маҳорат эгаси бўлган. Драмалардаги асосий қаҳрамонлар образларини талқин қилиш борасида ўта синчковлик билан ишлаб, актёрларга эринмасдан тушунтирган, саҳна нутқида адабий тил меъёрларига амал қилиш, нутқда аниқлик ва равонликни талаб қилган, адабий тил меъёрларига путур етказган актёрни аямаган. Драматурглардан тил масаласига алоҳида эътибор бериш лозимлигини талаб қилган. Асарлардаги асосий қаҳрамонлар образини ўзи ижро этиб, саҳна нутқи борасида қандай ишлаш кераклигини бошқаларга ўрнак қилиб кўрсатган.



*Ўзбек театрининг атоқли
режиссёри ва сахна нутқи
устаси Маннон Мажи́дович
Уйғур.*

Институтнинг биринчи битирувчилари, яъни миллий кадрлар саккиз кишини ташкил қилган. Булар: Яйра Абдуллаева, Эркили Маликбоева, Лола Бадалова, Зиқир Муҳаммаджонов, Искандар Мусабеков, Мирсоат Усмонов, Ҳикмат Исматуллаев, Марям Ориповалар эди. Улардан кейинги битирувчилар эса Ирода Алиева, Турғун Азизов, Мирҳосил Орипов, Обид Юнусов, Тўти Юсупова, Рихси Иброҳимова, Ойдин Норбоева, Пўлат Саидқосимовлар бўлишган. Уларнинг барчаси Отахон театр жамоасига бориб кўшилганлар [4, Б.355-357].

Театр жамоаси профессионал миллий кадрлар билан бойиб борар экан, Маннон Уйғур институтда ҳам театрда ҳам адабий тилга бўлган эътибор ва талабни сусайтирмаган. Маннон Уйғур анъанавий театрдаги нутқнинг профессионал сахна нутқига айланишида ўзбек театрининг намоёндаларидан бири, атоқли режиссёр, сахна нутқи устаси сифатида тарих саҳифаларидан ўрин олди.

Бу ҳақда театршунос олим Эркин Исмоилов яратган “Маннон Уйғур” номли китобида келтирилган очерклардан кенг маълумотлар олиш мумкин. Э.Исмоилов Маннон Уйғурнинг профессионал театр ташкил қилиш ташаббусларини шундай маълумотларда келтиради. “1923 йилнинг кузида Маннон Уйғур Москвага бориб, у ердаги Давлат Марказий театр санъати техникумининг режиссёрлик факультетига ўқишга кириб ўқиётган пайтларда билим юрти қошида ўзбек драма студияси очилганидан беҳад қувонади. М.Уйғур профессионал ўзбек театрини ривожлантиришга яна бир имконият туғилганини сезади ва Тошкентга келиб, студияга ўқишга кириш учун таланти ёшларни тўплади. Ўқувчиларни танлаш борасида унинг ажойиб фазилати театр санъатини севиши билан бирга кишиларни яхши билиши, уларнинг истиқболи ва талантини олдиндан кўра олиш қобилияти намоён бўлади. Уйғур М.Муҳаммедов, Я.Бобожонов, Х.Исломовлар билан бирга кўп шаҳар ва қишлоқларни, болалар уйи, интернат-мактаб ва билим юртларида бўладилар. Натижада С.Эшонтўраева, З.Хидоятова, Т.Султонова, Т.Саидазимова каби таланти ўзбек хотин-қизлари 1924-1927 йиллар мобайнида ўқитиладиган студияга қабул қилинадилар” [5, Б.75-84]. Демак, М.Уйғур миллий кадрларга, миллий тилга энг кўп қайғурган шахс бўлган.

Гап сахна нутқи кафедрасининг шаклланиши ва унинг ривожига ҳисса қўшган фидойи режиссёр ва педагоглар ҳақида борапти. Даставвал сахна нутқининг биринчи профессори, Ўзбекистон халқ артисти Назира Алиева фаолиятига қисқача тўхталсак. Н.Алиева Маннон Уйғур сабоқларидан ўсган маҳоратли актриса ва сахна нутқи педагоги ҳисобланади. Ўша даврларда Туркистондаги барча элат ва миллатлар – қозоқ, қирғиз, туркман, тожик ва ҳатто бошқирд ҳамда татар санъаткорлари ҳам Маннон Уйғурдан сабоқ, илҳом, андоза олишиб, уни устоз деб билишгани адабиётлардан маълум. 1945 йилда М.Уйғур Отахон театр иқтисодий қийинчиликларга учраганда совуқ кунларга қарамай, театр жамоаси билан Уйғун ва И.Султоннинг “Алишер Навоий” драмасини сахналаштиришга киришганида О.Хўжаев, Ш.Бурхонов, О.Жалилов, С.Эшонтўраева ва қатор актёрлар билан тил ва сахна нутқи устида жиддий ишлашга тўғри келган. Чунки бу спектакль сахна асарига масъул бўлган шахслардан ташқари тарихчи, адабиётшунослар билан ҳамкорликда ишланган спектакль саналади. Режиссёр сифатида М.Уйғур сахна безаклари, мусиқа, либослар борасида рассом Ҳ.Икромов, бастакор М.Бурхоновлар билан алоҳида ишлагани боис у сахна нутқи масаласида асосий ишларни Назира Алиевага ишониб топширган.



Саҳна нутқининг биринчи профессори Назира Алиева

Аввал Боку техникумида, сўнгра Москва театр институтида таҳсил олган ва яна Бокуга келиб, техникумда саҳна нутқидан дарс берган Н.Алиева Тошкентга уюштирилган театр гостроллари туфайли М.Уйғурнинг назарига тушиб қолади ва унинг таклифи билан Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрида фаолият олиб боради. У ўз хотираларида М.Уйғур тўғрисида шундай деб ёзган. “Устознинг зўр сўз устида ишлаш методикаси ҳозирги кундаги саҳна нутқига қараганда ифодали ўқишга яқинроқ эди, аммо сўз устида ишлаганда шунақа зукколик ва заршунослик билан ишлар эдики, у кишининг назаридан бирорта талаффуз, бирорта ибора эътиборсиз ўтмасди. У адабиёт назариясига, хусусан шеърятга жуда катта эътибор берар эди. Ўзи ҳам қатор-қатор шеърини парчалар ўқиб, фикрини исботлаб берар эди” [6, Б.43].

Уйғурни мумтоз адабиётни яхши билиши, наинки адабиёт, тарихнинг, миллий маданиятнинг билимдони бўлгани Н.Алиевани лол қолдирар эди. Актёрларнинг тоза тилини чарҳлашда асар тили билан ҳамоҳанг тарзда синчиклаб машқ қилдирар, саҳна нутқининг энг асосий масалаларидан бири тоза нутқ, сўзларнинг туб маъносини очилиши устида тинимсиз ишлаб режиссёрга кўрсатар эди. “Алишер Навоий” спектаклининг муваффақиятли чиққиши ҳам ана шундай заргарона ёндашувлар бўлган десак, муболаға бўлмайди.

М.Уйғур бошдан кечирган руҳий-маънавий азоблар, уруш давридаги қийинчиликлар туфайли 1950 йилларда оғир бетоб бўлиб қолади. Режиссёрлик, актёрлик маҳорати умуман санъатдаги тажрибаларини ёшларга ўргатиш учун театр санъати институтига вақти-вақти билан талаба ёшларга дарс бериш учун қатнаб турар, саҳна нутқи бўйича ҳам ишонган мутахассис борлигидан кўнгли тўқ бўлиб кетар эди. Чунки профессионал саҳнада профессионал нутқ адабий тилда жаранглаши кераклиги устида қайғулар эди. Лекин қаттиқ совуқдан шамоллаб, унинг соғлиғи ёмонлашиб боради ва 1955 йилда оғир хасталиқдан оламдан кўз юмади.

Ўзбек, рус, ғарб драматурглари асарларида ўзини синаб кўрган кўп қиррали образлар яратган, Н.Алиева бу жараёнда устози М.Уйғурдан жуда кўп маҳорат сирларини ўрганганлиги, ўзбек адабий тилини яхши билганлиги, унинг иш услубини ҳам ўрганиб олганлиги боис театр ва рассомлик институтида бемалол ишлади. “Саҳна нутқи” кафедраси ташкил қилинганидан сўнг 1946-1966 йиллар давомида кафедра мудирининг сифатида фаолият олиб борди. Н.Алиева кўплаб саҳна нутқи таълими бўйича илмий мақола ва рисолалар ёзиб қолдирди. “Саҳна нутқи масалалари” илмий-услубий тўпламларда қатор мақолалари чоп эттирди. (Ушбу семинар-тренингни ташкил қилишдан мақсад ҳам 1960 йилларда анъанавий тарзда “Саҳна нутқи масалалари”, “Ўзбек театри санъати масалалари” илмий-услубий тўпламларини давом эттиришдир.)

Н.Алиева ҳатто дарсдан чиққан ва ўзаро суҳбатлашиб ўтирганида ҳам тоза тилда сўзлаш кераклигини профессор-ўқитувчиларга тушунтириб борди. “Сиз ўзингиз тилни бузиб ишлатаёпсиз, қоидаларига эътибор бермаяпсиз, тилларни бир-бирига қориштириб гапиряпсиз, сиздан қайси талаба ўрناق олсин. Саҳна нутқи педагоги даставвал ўз тилига эътибор бериш керак”, деб қойиб қўйишлари кўп мақолаларда келтирилган. Н.Алиева актёрлар нутқини такомиллаштириш, ягона адабий талаффуз қонун-қоидаларига амал қилиш, нутқ товушларининг пайдо бўлиш ўринлари ва усулларини билиш бўйича кафедранинг ёш ўқитувчиларига ҳам илмий ишлари билан ўрناق бўлган. Қатор шогирдлар тарбиялаган. 1969 йилда “Ўзбекистон халқ артисти”, кейинчалик профессор унвонларига эга бўлган. Саҳна нутқи ўз шаклини ана шу тарзда ривожланиб борган.

Яна институт архивидаги манбаларга мурожаат қиламиз. Книга приказов ГИТИСА (основная) деган йиғма жилдда сахна нутқи методикасини, илмини ривожлантиришга улкан ҳиссасини қўшган забардаст педагоглардан бири Лола Хўжаевага тегишли хужжатларга дуч келдик ва баъзи маълумотларга эга бўлдик. Дастлаб, Л.Хўжаева 1940-1943 йилларда Москва театр институтида таҳсил олган, 1945-1946 йилларда Ҳамза театрида акриса бўлиб ишлаган. Қисқа муддат театрдаги фаолиятидаёқ бу ёш истеъдодли театр санъати шайдоси Маннон Уйғурнинг назарига тушади. “Оғам мени китобларни севиб ўқишимни кузатиб юрар экан. Шунинг учун бўлса керак, бир дақиқа ҳам бўш ўтиришимга йўл қўймасди. Агар озгина бўш қолганимни сезиб қолса, кўрсатгич бармоқини силкитиб, ёш болани уришгандай “китобингни ўқи, Лола!”, деб мени койиб қўяр эди. Оғам кўпинча ғарб асарлари устида ишлашда менга устоз санъаткор Шукур Бурхоновнинг сўзларига қараб туришимни буюрар эди. Шукур ака катта-катта ҳарфлар билан арабча ёзар эди. Рол кўчиришда мен уларга кўмаклашар эдим. Бу жараёнлар мени жуда чарҳлаган десам адашмаган бўламан, сабаби Шукур ака актёрнинг сахнада ўзини тутиши, овози, нутқи устида кўп насиҳатлар беради, мантикий таҳлилга жуда катта эътибор қилар эди.

Тушунмаган жойини, тилига ўтирмаётган сўзларни мағзини тўлиқ чақиб олмагунча режиссёрга тинчлик бермас эди. Шукур ака партнёрга катта ёрдам берадиган ягона актёр эди. Баъзан сахнада роль таъсирчан чиқишини истаб, режиссёрдан ташқари вазифа ҳам юклаб қўярди. Буни мен ўзим бирга роль ўйнаганимда билганман”, деб айтиб берган эди ўз хотираларида [7].

Л.Хўжаева хорижий драматик асарларни чуқур таҳлил қила олиш қобилияти, рус тилини яхши билиши институтда ишлашига сабаб бўлади. Н.Алиева билан бирга янги ташкил қилинган “Сахна нутқи” кафедрасида катта ўқитувчи лавозимида фаолият олиб борди. Истеъдодли актриса сифатида маълум муддат М.Горький номли рус драматик театрда актриса бўлиб ҳам ишлайди.

Шунча билим ва кўникмаларга эга бўлишига қарамасдан Л.Хўжаева 1952 йилда институтнинг актёрлик бўлимига ўқишга киришга аҳд қилади ва маҳоратли устозлар қўлида таҳсил олади. Чунки миллий театр санъати учун ўз устида ҳали кўп ишлаши кераклигини англайди. 1957 йилда институтни муваффақиятли тугатади. Ўқиш давомида кўп изланади, актёрликнинг сир-асрорларини янада чуқур ўрганади. Унинг интилишлари 1958 йилда А.В.Луначарский номидаги Москва давлат институтининг аспирантурасига ўқишга кириб, “Работа над орфоэпией в узбекской театральной школе” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилишига сабаб бўлади [8].

Л.Хўжаева ана шундай изланувчан, ўз касбини севадиган ва хурмат қиладиган ҳақиқий илм эгаси эди. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, у киши номзодлик диссертацияси ўзбек театрида сахналаштирилган миллий спектаклларда сахна нутқининг асосий вазифалари бўлган орфоэпия, талаффуз тозаллигини сақлаш ва унинг учун актёрларнинг қандай маҳорат билан ишлагани ҳақидаги биринчи диссертация эди. Тўғри, диссертация рус тилида ёзилган, чунки давр шунини тақозо қилган.

Л.Хўжаеванинг талабаларга сабоқ бериш услуби ўзгача эди. Актёрлик маҳоратидан ҳам, сахна нутқидан ҳам мукамал дарс бера олиш қобилиятга эга эди. Мустақил равишда рус актёрлик курсларида ҳам диплом спектаклларини сахналаштирган. Иш тажрибаларидан келиб чиқиб, нутқ маданияти, сахна нутқига оид мақолалар ва ўқув-услубий қўлланмалар яратди. “Нотиклик маҳорати”, С.Иномхўжаев билан ҳамкорликда “Бадий сўз” номли ўқув қўлланма ва қатор сахна нутқи техникасига оид илмий мақолалар ҳам ёзади. Л.Хўжаева ҳар бир даврда сахна нутқининг аҳволига баҳо бериб, ўз муносабатини ана шундай мақолаларда билдириб келади. Л.Хўжаева ишга ўта масъулият билан ёндашар, сахна нутқи техникасини, унинг бадий қисмини актёрлик маҳоратининг ажралмас қисми сифатида қарар эди. Талабаларга ҳар бир мавзунини дафтарига ёздирар, танланган асарлар мажмуасини эса алоҳида дафтарда акс эттиришга ўргатар эди. Дарс бериш жараёнида бирор лаҳза тинч ўтирмас эди. Унинг кучли овози, таъсирчан нутқи талабаларнинг диққатли бўлишига ундар эди. Сўзларни қиёмага етказиб гапиришга ундар, овозни пастки регистрда ишлашга ўргатар эди.

Унинг билими, забардаст овози ва равон нутқи жуда кўп давраларда нутқ сўзлаганида ҳам тингловчиларнинг эътиборини ўзига жалб қилиб турар эди. Моҳир педагогнинг топширган ҳар битта имтиҳони алоҳида бир томоша, спектаклдай ўтар эди. Имтиҳон дастурига алоҳида эътибор берар, унинг композицион қурилишида бирорта нуқсон сезилмас эди.

1980-90 йилларда нафақат институтда, балки Ўзбекистон давлат консерваториясида, Давлат ва жамият қурилиш академиясида паралел равишда “раҳбарнинг нутқ маданияти, нотиклик маҳорати” фанидан дарс берди. Маҳаллалардаги учрашув ва байрам тадбирларида тил қудрати, санъатнинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни мавзуларида нутқ сўзлаб, тарғибот ишларини олиб борди. Л.Хўжаева умрининг сўнгги йилларигача институтнинг сахна нутқи кафедрасида профессор лавозимида фаолият олиб бориб, фаннинг такомиллашишига катта ҳисса қўшди. Театрларда ишлаётган шогирдларининг ижодига ҳам бефарқ бўлмай мунтазам насиҳат қилиб турар эди. Ўзбек, рус тилларини мукамал билгани боис театр режиссёрлари ҳам у кишини кўп йўқлаб келар эди. Улар билан асар сюжети, ғояси борасида сўзлашар, сахнадаги мавжуд камчиликлар бобида ўта куйинчаклик билан фикрларини баён қилар эди. Йўл қўйилган камчиликларни ўз вақтида тузатиш кераклигини уқтирар эди.

Л.Хўжаева сахна нутқи кафедрасида узоқ муддат мудир лавозимида ишлаб, кўп ёшларни тарбиялаб, ўзбек сахна нутқи мактабини асраб авайлашга ва уни давом эттиришга ундаб келди. Институтга қабул қилинган қирғиз, туркман, тожик, уйғур курсларига дарс берадиган истеъдодли ўқитувчиларни педагогика институти, консерватория ва театрлардан олиб келиб тарбиялади. Уларни иш билан таъминлади. Сахна нутқини янада ривожланишига катта ҳисса қўшди. Ўқув ишлари бўйича проректор бўлиб ишлаган кезларини санъатшунос олиб Ҳамидулла Икромов шундай эслайди. “Лола Хўжаева проректор бўлиб ишлаган пайтда ўқув жараёнлари анча жонланган. Таълим сифатида ҳам ижобий ўзгаришлар бўлган. У киши ўқув дастурларини яхши тушунар, рус ва ўзбек тилларини яхши билгани учун ҳар икки тилда ҳужжатларнинг моҳиятини кафедраларга тез етказар эди. Лола опа коридордан ўтганида забардаст овози, муомала маданияти, кийиниш маданияти, ўзбекона соч турмаклашию, латофати кишини ўзига тортар эди” [9].

Шулар қаторида сахна нутқи кафедрасида малакали кадрлар тайёрлашда профессор А.Сайфиддинов, фан номзодлари С.Иномхўжаев, И.Пўлатов, малакали педагоглар А.Муродова, З.Олимжонова, Р.Усмонова, М.Исмонов, М.Исроилов, А.Носирова, О.Суздальцеваларнинг Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон театр санъати мактаблари очилгунга қанчадан-қанча актёр, режиссёрларни тарбияладилар. Я.Абдуллаева, И.Алиева, Н.Раҳимов, Ҳ.Умаров, Э.Маликбоева, Р.Иброҳимова, Ҳ.Нурматов, Т.Тожиёв, С.Норбоева каби маҳоратли актёрлар фақатгина нутқининг гўзаллиги билан улкан ютуқларга эришмадилар, балки улар адабиётни севганлари ва кўп ўқиганлари учун ҳам, сахнадаги нутқи ўта кучли, жарангдор, жозибали бўлган.

Сахна нутқи масалаларини ўрганишда иккита йўналиш бор. Бири сахна нутқи методикаси, иккинчиси сахна нутқини илмий тадқиқ қилиш. Сахна нутқи профессор-ўқитувчилари ҳар иккала йўналишда илмий-методик ишларини олиб боришлари мумкин. Методикада курслар учун ишлаб чиқилган ўқув дастурлари бўйича олиб борилган иш натижасида эришилган ёки яратилган янги методик ишлар қаламга олинади. Ҳар бир иш синчиклаб тушунтириб ўтилади. Сахна нутқини илмий тадқиқ қилишда манбаларга таянмасдан, қиёсий таҳлил қилмасдан, актёрлар ижросига тўғри баҳо бермасдан умумий гапириш ярамайди. Ҳар бир фикр асосланиб, фанга янгилик олиб кирилади ва бу соҳани ривожлантиришга ҳисса қўшади.

Театр санъати ҳар бир даврда томошабиннинг маънавий баркамоллигига ўз ҳиссасини қўшиб келган. Яхши спектакллар билан уларнинг дунёқарашини оширишга хизмат қилган. Масалан, иккинчи жаҳон урушидан кейин янги ҳаёт барпо этиш йўлида бошидан оғир кунларни кечириётган халқимизга куч-қувват ва илҳом беришда театр санъатининг ўрни жуда муҳим эди.

Театрда етакчи режиссёр Етим Бобожонов Абдулла Қаҳҳорнинг “Шоҳи сўзана” (“Янги ер”) номли комедиясини театрнинг етакчи санъаткорлари Зайнаб Садриева, Замира Ҳидоятова ва театрга эндигина қадам қўйган ёш актёрлар билан сахнага олиб чиққан. Маҳоратли актёрлар театрда кетма-кет сахналаштирилган ўзбек драматургларининг янги асарларида роллар ўйнаб, халққа тез таниганлар. “Шарқ тонгги” (Н.Сафаров асари режиссёрлар Т.Хўжаев, Ш.Қаюмов), “Ҳикмат” (Ш.Туйғун асари, режиссёр Т.Хўжаев) ва рус классик асарларидан “Мешчанлар” (М.Горький асари, режиссёрлар А.Гинзбург, Ш.Қаюмов), “Ревизор” (Н.Гоголь асари, режиссёрлар А.Гинзбург, Ш.Қаюмов), “Момақалдирок” (А.Островский асари, режиссёр А.Гинзбург), “Ваня тоға” (А.Чехов асари, режиссёр И.Радун) каби спектаклларда ҳам қойилмақом образлар яратдилар.

Албатта, кўпгина тадқиқотларда ана шу актёрларнинг яратган образлари ҳақида маълумотлар берилди, аммо сахна нутқи борасидаги изланишлари, эришган ютуқлари умуман тилга олинмади. Чунки сахна нутқи масалалари актёрларнинг ижроси нуктаи назардан ўрганилмаган. Сахна нутқи алоҳида таъриф ҳам берилмаган эди. Шунинг ўзи бу борада ҳали кўп ишлашни, изланишни тақазо қилади.

Сахна нутқи оғзаки нутқнинг алоҳида турига кириди. Сахна нутқида ижро этилаётган драматургик турга тегишли бўлган асарнинг тилига путур етказмаган ҳолда томошабинлар учун умуман тушунарли бўлган тилда сўзлашга интилиш мавжуд бўлади. Сахна нутқининг умуман тушанарли бўлишини таъминлайдиган асосий омил бу – адабий тилда сўзлашдир. Сахна нутқида адабий талаффуз кишилар ўртасида адабий тилда сўзлашиш маданиятини кучайтишига сабаб бўлади. Бугун сахна нутқи ана шундай таъриф берсак бўлади.

Тадқиқотнинг методикаси институтда сахна нутқи дарслари жуда чуқур ўқитилганлигини, айниқса, ижрода сўзнинг туб моҳиятига аҳамият бериш, адабий тил қоидаларига қатъий риоя қилиш масалаларида педагоглар кунт билан ишлай олишларини билиш ҳамдир. М.Уйғур, Н.Алиева, Л.Хўжаеваларнинг актёрлар, режиссёрлар билан ишлаш услуби институтда ҳам, театрда ҳам анъана сифатида катта роль ўйнаган. Театрнинг етакчи актёрлари институтни битирган ёшларга бефарқ бўлмай, уларнинг камчиликларини баргараф қилиб, ҳар бирининг ижро маҳоратини индивидуал назорат қилишган.

Ҳулоса. Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг мақсади жаҳон стандартларига мос рақобатбардош кадрларни етиштириш, миллий театр мактабининг тарғиб этиш ва миллий санъаткорларни тарбиялашдир. Бугунги кунда бакалавр таълим йўналиши ва магистратура мутахассисликларида таҳсил олаётган талабалар “Сахна нутқи” фанини амалий томонларини ўзлаштиради, аммо мустақил равишда илмий адабиётларни ва мақолаларни кам ўқиши оқибатида бирёқлама кадрлар бўлиб етишмоқдалар. Сахна нутқи намоёндалари ва усталарининг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги билим ва кўникмалари саёз. Шу нуктаи назардан мустақиллик берган олий неъмат – театр санъатини ривожлантиришга қаратилган Президент қарорлари, фармонлари, янги даврда Янги Ўзбекистон куриш даврида бу ислохотларнинг кучайтирилиши, яратилган шароитлардан унумли фойдаланиш, театр санъатининг асосий воситаси бўлган сахна нутқи илмини чуқур ўрганиш, тадқиқотлар қўламини кенгайтириш зарур. Бу изланишлар методик жиҳатдан ҳам, актёрлар ижросини тизимли ўрганишда ҳам даврлаштиришда ҳам муҳимлигини унутмаслик керак. Сахна нутқи масалаларида фанга кўр-кўрона ёндашувларга чек қўйиш, устозлар илмий-ижодий меросини абадийлаштириш йўлида уларнинг услубларини қўллаш, шу йўлда янгиликлар яратиш муҳим. Албатта, бугун сахна нутқининг жонкуяр профессор-ўқитувчилари улкан ютуқларни қўлга киритмоқдалар, “Устоз-шогирд” анаъаналарини давом эттириш, эришилган методик натижаларни ўзаро таҳлил қилиш, яратилган янгиликларни муҳокама қилиш масалаларида анча илғор. Аммо тарих саҳифаларига миҳлаб қўйиладиган фикрлар, мақолалар, муаммолар ечимига қаратилган тадқиқотлар кам. Театр санъатининг тамал тошини қўйган устоз санъаткорларнинг ва издошларининг театр санъати ривожига қўшган заҳматли ва сермахсул хизматлари билан бугунги кун авлоди албатта ғурурланади. Аммо бу ҳақдаги монографияларнинг камлиги жуда ачинарли ҳол.

Бунинг сабаби, кейинги пайтларда баҳс-мунозараларга бой илмий анжуманларнинг сусайиб кетгани, илмий семинарларнинг камлиги дейиш мумкин. Ўйлаймизки, семинар-тренинг ана шу камчиликларни бартараф қилишда ва кейинги ишларни ривожланишида туртки вазифасини ўтайди.

ИҚТИБОСЛАР

1. Қодиров М. XX аср ўзбек театри тарихини даврлаштириш ва қайта ўрганиш муаммоси / Истиқлол ва миллий театр (Тўплам). –Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2002.
2. Книга Приказов ГИТИСа (основные) за 1949 г. св №5.
3. Турсунов Т. Саҳна ва замон. Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2007.
4. Ўша манба.
5. Қаранг. Исмоилов Э. Маннон Уйғур. –Тошкент: Бадиий адабиёт, 1965.
6. Алиева Н. Санъат – менинг ҳаётим. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985.
7. Лола Хўжаева билан бўлган суҳбат ва эсдаликлардан. 2003 йил 24 май.
8. Книга Приказов ГИТИСа (основные) за 1949г. св №5
9. Ҳамидулла Икромов билан бўлган суҳбатдан. 2011 йил 6 март.
Кўшимча фойдаланилган манбалар:
10. Ғофуров Т. Санъат олийгоҳи дарғалари. –Тошкент: “Мусика”, 2012.
11. Буйруқлар. ЎзДСМИ архив фонди 1991-2014 йй., ФН360, N299, N250, N272, N299
12. Шокиров Ў. Ўзбек санъаткорлари. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2010.
13. Олий таълим. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. Тошкент: “Tafakkur – Во’stoni”, 2013.



SAHNA NUTQI FANINI RIVOJLANTIRISHDA USTOZLAR MEROSINI O'RGANISHNING DOLZARB MASALALARI

(Ilmiy-amaliy seminar materiallari to'plami)

ХАЛИКУЛОВА Гўзал Эркиновна
*Санъатишунослик фанлари номзоди,
профессор в.б.*
<https://doi.org/10.5281/zenodo.10836448>

ЛОЛА ХЎЖАЕВА, АБДУРАХИМ САЙФИДДИНОВ ВА АВТЕТХОНИМ МУРОДОВАЛАРНИНГ БАДИИЙ СЎЗ УСТИДА ИШЛАШ УСУЛЛАРИ ҲАҚИДА

АННОТАЦИЯ

Театр санъати халқни тарбияловчи қудратли воситадир. Бадий сўз эса театрнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Ушбу мақолада бадий сўз ва унинг ижрочилик санъатига айланишида улкан мактаб яратган устозлар Лола Хўжаева, Абдурахим Сайфиддинов, Автетхон Муродовалар ҳақида фикр юритилади. Ушбу устозларнинг бўлажак актёрлар, режиссёрлар билан ишлашдаги сўзга ўта талабчанлиги, ҳар бир сўзнинг ифодаси устида соатлаб ишлаганлари ёрқин хотираларга асосланиб ёзилди. Ушбу маълумотлар ҳеч бир китобда келтирилмаганлиги боис ўқувчиларга қизиқ ва ўз навбатида керакли манбаа ҳамдир.

Калит сўзлар: бадий сўз, сахна нутқи, ўзбек адабий тили, театр санъати, актёр, режиссёр, сахна педагоги, ривоят, шева, драматик асар, ижро маҳорати.

О МЕТОДАХ РАБОТЫ НАД ХУДОЖЕСТВЕННЫМ СЛОВОМ ЛОЛЫ ХОДЖАЕВОЙ, АБДУРАХИМА САЙФИДДИНОВА И АВТЕТХАНИМА МУРОДОВОЙ

АННОТАЦИЯ

Театральное искусство-мощный инструмент воспитания народа, а художественное слово является неотъемлемой частью театра. В данной статье речь пойдет о мастерах Лоле Ходжаевой, Абдурахиме Сайфиддинове, Автетхане Мурадовой, которые создали огромную школу в направлении художественного слова и его превращения в исполнительское искусство. Чрезвычайная требовательность этих наставников к слову в работе с будущими актерами, режиссерами, часовая работа над выражением каждого слова были написаны на основе ярких воспоминаний. Поскольку эта информация не представлена ни в одной книге, она интересна читателям и, в свою очередь, является необходимым ресурсом.

Ключевые слова: художественное слово, сценическая речь, узбекский литературный язык, театральное искусство, актер, режиссер, сценический педагог, повествование, диалект, драматическое произведение. исполнительское мастерство.

ON THE METHODS OF WORKING ON THE ARTISTIC WORD OF LOLA KHODJAEVA, ABDURAKHIM SAIFIDDINOV AND AVTETKHANIM MURODOVA

ANNOTATION

Theatrical art is a powerful tool for educating the people, and the artistic word is an integral part of the theater. This article will focus on the masters Lola Khodjaeva, Abdurakhim Saifiddinov, Avtetkhan Muradova, who created a huge school in the direction of artistic expression and its transformation into performing art. The extreme demands of these mentors on the word in working with future actors, directors, and hour-long work on the expression of each word were written on the basis of vivid memories. Since this information is not presented in any book, it is interesting to readers and, in turn, is a necessary resource.

Keywords: artistic word, stage speech, uzbek literary language, theatrical art, actor, director, stage teacher, narration, dialect, dramatic work. performing skills.

Кириси. Умрини сўз кадри, ўзбек тилининг обрўсини кўтаришга бағишлаган, курсларда ҳар бир талабасининг нутқида сўзнинг жилоларини кўриб қувонган, бунга эришгунича қанча машаққатларни босиб ўтган сахна нутқи фидойилари санъатшунослик фанлари номзоди, профессор, Эл-юрт ҳурмати ордени соҳиби Лола Хўжаева, профессор Абдурахим Сайфиддинов, катта ўқитувчи Автетхон Муродоваларнинг бадий сўз устида ишлаш маҳорати, методик ёндашувлари ҳақида тадқиқотлар олиб бориш долзарб масалалардан биридир. Бугунги кунда “Сахна нутқи” кафедрасида қатор ёшлар фаолият юритмоқда. Улар замон талабига жавоб берадиган актёрлар, режиссёрлар тайёрлашдек масъулиятли ишга бел боғлаган экан, аввало ушбу фаннинг тараққий этишига улкан ҳисса қўшган, ўзбек театрлари учун малакали актёр ва режиссёрлар тайёрлаган сахна нутқи мутахассисларининг ҳаёти ва ижодини, методик изланишларини яхши билмоғи зарур.

Халқнинг назарига тушган улуғ актёрлар театр мактабини чуқур эгаллаш билан бирга сахна нутқи таълимини пухта ўзлаштирганлар ва ўз устида муттасил ишлаб, тажрибаларини оширганлар. Касбига турли иккиланишлар билан эмас, аниқ мақсадлар билан эга бўлганлар. Бунда уларга албатта устозларнинг берган сабоқлари муҳим ўрин тутди. Уларнинг ижодий фаолиятида устозларнинг институтда берган таълими таянч бўлади. Шунинг учун сахна нутқи педагоглари бўлажак артистларнинг табиатида ўзининг ижодий қонунлар борлигини яхши билиши, уларнинг халқ учун ижод қиладиган шахслар бўлиб етишишида тинимсиз изланиши зарурлигини англаши керак.

Бугунги кунда театр ижодкори бўлишни истаб келган ёшлар орасидан табиат инъом этган ягона ижодий қобилият мавжудлини сезган ҳолда танлаш ва ўқитиш мураккаб жараёнларни талаб қилмоқда. Яъни, таълим билан тарбияни уйғун ҳолда олиб бориш, китоб мутолаа қилиш қоидаларини ўргатиш, тасаввурни уйғотиш, тафаккурни кенгайтириш, пунктуацион қоидаларни ўзлаштириш кўникмаларини ҳосил қилиш, нутқини тузатиш каби улкан вазифаларни бажаришга тўғри келмоқда. Педагогнинг бундай кўп вазифаларни зиммасига олишнинг сабаби ҳозирги талабаларнинг аксарияти ўта саёз билимга эга. Аммо ҳали тажрибага эга бўлмаган ёш педагогларга бундай вазифаларни бажариш анча қийинчилик туғдириши табиий. Буни оддий насихат қилиш билан амалга ошириб бўлмайди. Бунда талабаларнинг фанни ўрганишга илк қадам қўйган кунидан бошлаб, фақат ва фақатгина тўғри матн танлаш орқали, бадий ўқиш учун ҳам тўғри асар танлаш керак бўлади. Сахна нутқи бўйича амалга ошириладиган техник машқларнинг натижаси сифатида бадий матндан фойдаланиш, кейинчалик ифодали ўқиш, бадий ўқиш, бадий сўз ижрочилигига эришишга қаратилади.

Театр шундай даргоҳки, у барча одамларнинг қалбини мангу ишлатиб туради. Театр инсон руҳиятини тасвириб беради, ундаги эстетик туйғуларни шакллантиради, ҳаётга тайёрлайди. Уни албатта сахнадаги актёр амалга оширади. Шундай экан, сахна нутқи педагогларининг илмий, маънавий, методик услубларини ўрганиш энг долзарб масалалардан саналади.

Шу сабабдан Лола Хўжаева, Абдурахим Сайфиддинов, Автетхоним Муродова каби сахна нутқи мутахассисларининг актёрлар ва режиссёрлар билан бадий сўз устида кунт билан ишлаганларини хотиралар орқали ёзишга аҳд қилдик.

Асосий қисм. Ижрочилик санъатида бадий сўз барча миллат ва элатга мансуб бўлганидек ўзбек халқининг ҳам маданий анъаналаридан биридир, деб таъриф берган эди бадий сўз тарихини тадқиқот қилган олим С.Иномхўжаев [1, Б.51].

Бадий сўз санъати халқимизнинг энг сеvimли маданий меросидир. Бадий сўз намуналари нутқнинг гўзал ва таъсирчан кучи орқали халқимиз қалбидан тезроқ ўрин олади. Ажойиб эртақлардан, мақол-у масаллардан то мукамал романларгача бўлган адабиёт намуналарини фақат актёрларгина ўз ўрнида ўқиб ёки ижро қилиб тингловчи-томошабинга етказилади.

Хўжаева Лола Агзамовна (1922-2007) номини тилга олганда, ўзингизни сахна нутқи оламида тетик ҳис қиласиз, қалбингизда фахр ҳисси тўлқинланиб кетади. Забардаст ва гумбурлаган овозини эшитгандай бўласиз. Зеро, Лола Хўжаева сахна нутқи методикасини баланд чўққиларга олиб чиққан, бадий сўз қудратини актёрлар нутқида муваффақиятли кўрсата олган, сахна нутқи техникасини мукамал ўзлаштирган, уни такомиллаштиришга ўз ҳиссасини қўшган, кўп миллатли курсларда ўзига хос бетакрор ижодий ишлар мажмуасини ярата олган сахна нутқи педагоги эди.



ўзига хос бетакрор ижодий ишлар мажмуасини ярата олган сахна нутқи педагоги эди.

Бу машхур педагог ҳақида хотиралар ёзишга киришар эканман, беихтиёр беғубор талабалик пайтим ва у кишини илк бор Н.Островский номидаги Тошкент театр ва рассомчилик институтининг учинчи қавати коридорида кўрганим эсимга келди.

Сочлари ўзбеккона турмакланган, ёқасида нафис майда гуллар турли рангли мулина (ип) билан тўқилган оқ кофта, сидирға қора матодан тикилган бежирим юбка, устидан сиёҳранг қўлда тўқилган, икки ёни ажойиб гуллар солинган жемфер кийиб олган, қўлида жигар ранг портфель кўтариб салобат билан юриб кетаётган бир аёл қаршимдан келар эди. Мен коридорнинг четроғига ўтиб салом бердим. У аёл кўзимга қараб, табассум қилди ва баланд овозда алик олди. Мен бундай салобатни кўриб хангу-манг бўлиб қолдим. Чунки мен бу аёлни телевизорда интервью берганини кўрган эдим. Наҳотки, мен телевизорда чиққан ўқитувчилар орасидаман, деб ғурурланиб кетганман ўшанда.

1989 йил иккинчи курсда эдим. Санкт-Петербургда ўтказиладиган Вл.Яхонтов номидаги Бутуниттифоқ бадий ўқиш конкурсига иштирок этиш учун эълон берилди. Менга сахна нутқи фанидан сабоқ берган биринчи ўқитувчим Автетхоним Муродова ўша даврнинг етук шоираси Замира Эгамбердиеванинг газетада чоп этилган “Шоирларга хат” номли шеърий асарини ёдлаш учун берди. Ўзбек аёлларининг азоб-уқубатлари, пахта хокимлиги даврдаги турмуш кийинчиликлари туфайли эзилаётган ёш келинчакларнинг дард-у хасратлари, даврнинг шавфқатсиз шароитлари туфайли жизғанақ бўлиб ўзини ўзи ёқиб ташлаётган ёш аёлларнинг тақдири битилган бу асарни ўқиб жуда таъсирландим. Бу бадий шеърий асар мен учун ҳажм жиҳатидан жуда катта, ишлаш ҳам оғир эди.

Шунга қарамай матнни тўрт кунда тайёр қилдик. Автетхон опам мени бир лаҳза ҳам тиндирмаган эди ўшанда. Ижро тайёр бўлгач, хаёлимда мустаҳкам ўрин эгаллаган Лола Агзамовнанинг олдига олиб кирди. Мен асарни ижро қила бошладим. Асар қаҳрамони Раънонинг азоблари, қийинчиликларини ижро қилар эканман, кўзларимдан ихтиёрсиз ёш чиқиб кетди. Чунки асар муаллифи дардларини ичига ютиб, юраги остида уриб турган яна бир юрак билан атлас кўрпалар билан бирга жизғанак бўлаётган Раънога шоир сифатида қайта-қайта саволлар бериб азобланади,

“Раъно, қандай дардлар ётар, қалбингнинг қатларида,

Таърифингга сўз топилмас, шоирнинг қалбларида”, дея фарёд солади. Ёш келинчак Раънонинг эрталабдан кечгача лой кечиб далага бориши, куни бўйи унинг нозик бели эгатларга эгилиб ишлаши, ишдан келиб қозон-ўчоқ, мол-ҳол билан олишиши, ўтин ўрнига тезак ёқиб овқат пишириши-ю, кир-чир ювиб ухламасдан юмуш билан банд бўлишидан ачинади.

Кўзимдаги ёш билан ижрони тугатдим. “Қани кел-чи, ўтир”, деди менга Лола Агзамовна. Мен сочимни битта қилиб ўриб, олдимга тушириб олган эдим. Сочимга сиёҳранг бинафшагул тўғноғич тақиб олган эдим. У киши дарров сочимга қаради, “вой бўй, заколканг бунча чиройли, сочинг ҳам тартибли ўрилибди”, деб мени мактаб қўйди. Мен бироз кулгандай бўлдим. “Мана, кулар экансан-ку! Асаринг ўта жиддий, аммо жиддий жанрни янада жиддий ўқисанг томошабинни сенга раҳми келиб қолади. Сен томошабинга Раънонинг дардини тушунтир. Матнни олгинчи қани”, деб дафтаримни сўради. Мен дафтаримдаги матнни очдим ва тушунмай қараб қолдим. У киши кўлига ўзининг чиройли ручкасини олди-да матн устига белгилар чизиб, ёза бошлади. “Шошилмайман”, “эслаяпман”, “кўряпман”, “тушуняпман” деган сўзларни ёза бошлади. “Бир хилликдан қочиш керак, бадий ижрода ижрочи бўлаётган воқеага ўз муносабатни томошабинга ҳам билдириб туриши керак. Мана бу ерда кичик пауза, мана бу ерда психологик пауза қўямиз. Бу ерда чуқур ўйлайсанг, фикрлайсан”, деб тушунтириб кетди [2].

Биз чамаси бир ярим соат ишладик. Автетхон опа ҳам менинг ёнимда Лола опанинг сўзларини диққат билан тинглаб, керакли фикрларни ёзиб олди. У кишига миннатдорчилик билдириб чиқиб кетдик ва яна ишладик. Орадан беш кун ўтди. Биз Санкт-Петербургга учиб кетдим. Конкурса муваффақиятли иштирок этиб, ўн бешта давлат орасида фахрий ёрлик, мактов хатлари билан қайтиб келдик.

Кейинги йил Автетхон устозим билан конкурсада иштирок этиш учун жуда қаттиқ тайёргарлик кўрдик. Бу сафар Омон Матжоннинг “Алла” номли ривоятини тайёрладик. Жуда катта ва ибратли асар, конкурс талабига ҳам жавоб беради.

Автетхон опа яна Лола Хўжаеванинг олдига олиб борди. Лола опа бу сафар ҳам эринмасдан, кўлига қалам олиб, психологик пауза, люфт паузаларигача чизиб ишни мустаҳкамлаб берди. Тезисимизни ҳам рус тилига таржима қилиб берди. Менга оқ йўл тилади. Анъанавий ушбу конкурснинг 21-сида иштирок этиш насиб қилиб, бу сафар шарафли 3-ўринни эгаллаб қайтдим. Ўша-ўша Лола Хўжаеванинг менга меҳри уйғониб, ҳар кўрганида “лаурият қизимиз” деб ёнидаги одамларга мактаб ўтиб кетар эди. Бундан руҳланмай бўладими.

Лола Хўжаева бадий сўзнинг нодир жиҳатлари ҳали ҳеч қайси олим томонидан ўрганилмаганда халқ артистлари, республикамиз санъаткорлари ижодига бағишлаб тадқиқот олиб борди. Санъатшунослик фанлари кандидати бўлганидан кейин монография, очерклар ёзиб нашр эттирди. Бу ҳақда қуруқ ахборотлар билан чекланаётган ўқувчи энди ҳақиқий назариялардан ҳам баҳраманд бўлиши.

Абдурахим Сайфиддинов (1930-1994) ҳақида маълумотлар жуда жуда кам. Кўплаб театр ижодкорларига актёрлик маҳорати, сахна нутқидан таълим берган. Абдурахим Сайфиддиновни кўпчилик Раҳим акам деб аташар эди. Мен домлани 3-курсдалигимдан таниганман. А.Муродова курсимиз билан ғазалларни ишлаётган пайтлари эди. Ўша пайтларда А.Сайфиддинов ҳамма курслар учун сахна нутқи фанининг маъруза қисмини ўтиб берар эди.

Биз ҳам институтнинг 54-аудиториясига йиғилдик, Автетхон опа ҳам бизнинг каторимизда ўқувчилардай кўлига қалам, дафтар олиб ёзишга шайланиб, ҳаммамизга ўртак бўлиб ўтириб олди. Бир маҳал аудиторияга гавдали, елкалари кенг, сочи жингалак, оқ кўйлак, қора шим, кўкимтир галстук тақиб олган бир домла кириб келди. Ҳаммамиз ўрнимизда турдик. “Ўтиринглар”, деди бизларга илиқ табассум билан. Домла кўлига бўрни олиб доскага мавзу ёза бошлади.



Лола опанинг талабалар билан ишлаш жараёнидан.

Домланинг қўллари ҳам катта-катта кўринди менга. Ҳамма жим ёзаяпти. Пашша учса сезилади. “Аруз вазни” деган ёзув пайдо бўлди доскада. Домла аруз вазнини тушунтириб дарс ўта бошлади. Ора-орада арузга оид терминларни биздан сўраб кўяр эди. Радиф нима? Байт нима? Ғазал ўқиганмисизлар? Ғазалнинг сўзларни тушунасизми? Муҳаммас деб нимага айтилади? ва ҳақозо шунга ўхшаш саволлар билан бизга мурожаат қилар эди. Ҳамманинг нафаси ичига тушиб кетгандек. Автетхон опа ҳижолатда. Мен буларни мактабдан яхши билганим учун домланинг саволларига кўл кўтариб дона-дона қилиб жавоб бердим.

Дарс тугаганидан сўнг, “сен қиз тузуксан”, деб қўйди. Мен ич-ичимдан суюниб кетдим. Ўзимча ўртоқларимнинг олдида обрўйим ошиб кетгандай бўлди.

1992 йил 4-курсда домла бизга “Бадий сўз”дан дарс бера бошлади. Менга Ҳамид Олимжоннинг “Муқанна” драмасидаги Гулойим образини таклиф қилди. Мен бу асарни ўқимаганман, тасаввур ҳам қилолмадим. Асарни кутубхонадан олиб ўқиб чиқдим. Гулойимнинг монологини, Баттол билан бўладиган диалогини домла билан мазза қилиб ишладик. Бадий сўз устида ишлашда А.Сафиддиновда ажойиб бир хусусият бор эди. Агар ижрода авторнинг биронта сўзига путур етказсангиз шундай қаттиқ танбеҳ берар эдики, иккинчи марта ўзингиздан сўз кўшмасликни ўйлаб, дарсга яхшироқ тайёрланиб келар эдингиз. У киши сахнада жиддий ишламаган талабани жуда ёмон кўрар эди. Шундай пайтларда домланинг кўзидаги меҳр дарров қаҳрга айланиб кетар эди.

1992-1993 йилларда кафедрада ассистент-ўқитувчи лавозимида ишлаб юрган кезларимда домланинг ёнида ўтириб, дарсда айтилган гапларини ёзиб олар эдим. Ана шу дафтарларимнинг бирида ёзилганлардан келтирмоқчиман. “Арузда ёзилган асарларни шунчаки ўқиб бўлмайди. Қаллангизга буни қуйиб олинг. Арузни ниҳоятда қийин вазнлигига қарамай, шоирнинг фикрларини ўрганишга ҳаракат қилинг. Битта ғазални ўрганиш учун унинг таҳлилини билишингиз ҳам керак. Луғатларга мурожаат қилишингиз шарт. Ижрода эса сахна нутқи техникасини мукамал ўзлаштирган бўлишингиз, сўзларнинг туб маъносини англашингиз зарур. Бўлмаса ижрони эпламайсиз. Чунки ижрода овоздаги мусиқийлик, товушларнинг тебранишлари орқали шоирнинг туйғуларини, илгари сурган ғоясини етказиб беришингиз муҳим масала. Минг афсуски, ҳозирги кунда маънавиятимизни тарбияловчи восита бўлган радиода ўқиладиган ғазаллар мутлақо талабга жавоб бермайди. Ғазал актёрнинг ижросида сўз ва куй уйғунлашиб кетади. Шеър, куй ва ижро бирлашади. Баъзи ижроларда шундай холлар бўладики, фикр, дард бошқа ёқда, сўзлар бошқа ёқда юради. Бундай ҳолат актёрнинг ғазал ўқишни билмаслигидан далолат беради” [3].


Муродова Автетхоним Мусаевна (1927 йил 11 ноябрь – 2011 йил 26 ноябрь) менга сўз сеҳрини илк бор ўргатган устозим. Кўпчилик у кишини Офтоб ойим деб аташар эди. Ҳақиқий ўзбек аёли, истараси иссиқ, юзидан нур ёғилиб турар эди. Курсда 27 нафар талаба эдик, устоз ҳаммамизга бирдек меҳрибон онадек эди.

1988 йил, Автетхон Мусаевна илк бор аудиторияга дарсимизга кириб келар экан, бирдан менга бошқача қаради, биров тикилиб ҳам қолди. Мен ҳайрон бўлдим. Саҳнага чиқиб олиб, “Бу дарс саҳнада тўғри гапиришни ўргатади, ҳамма бугундан бошлаб шевада гапиришни йиғиштиради”, деб унли товушларни ўргата бошлади. Менга бу дарс ғалати туюлган. Тавба шунақаям дарс бўладими. Шевада ҳеч ким гапирмайдику, нега устоз унақа деяпти, деб ҳайрон бўлганман. Кейин билсам жуда кўпчилик курсдашларим шевада гапирар экан. Кейинги дарсга Автетхон опа Ўзбекистон халқ артисти Марям Ихтиёрова билан кириб келди. Жуда чиройли суҳбатга қурилган дарс бўлди. Марям Ихтиёрова ҳам менга қизиқиб қарайверди. Ўша дарсда ҳамма билган шеърини ўқиб берди. Устоз ҳамманинг нутқида шева борлигини айтди. Мени кўрсатиб, “Битта мана бу қизнинг нутқи тоза экан”, деди. Дарс тугагач, улар мени олдиларига чақиришди. Қаерликсан, оилангда санъаткор борми? деб саволлар беришди. Мен Тошкент вилояти, Пискент туманиданлигимни, оиламизда санъаткорлар йўқлигини айтдим. Автетхон опа “Марям опангни ҳам мен ўқитганман, сени кеча кўриб худди Марямнинг ёшлигини кўргандек бўлдим. Тавба, шунақаям ўхшайсанми-а?”

Марям, эртага дарсимга кел, ўзингнинг ёшлигингни кўриб кетасан, деб телефон қилиб чақирдим опангни”, деб кулди. Мен ҳижолатдаман, индамай кулиб туравердим. Марям опа менга омад тилаб, устоз билан кучоқлашиб ҳайрлашди-да, кетди.

Саҳна нутқиға меҳрим ўша кундан ошган, десам муболаға бўлмайди. Автетхон опа биз билан дарс ўтаётганида Туркменистондан, Қорақалпоғистондан, Ғулжадан, вилоят театрларидан жуда кўп шогирдлари келар эди. Улар устозга “эже”, “анам”, “онам” деб мурожаат қилишар эди. Устоз уларга гоҳ туркманча, гоҳ қорақалпоқча, гоҳ уйғурча гапириб кетса, биз ҳайрон бўлиб ўтирар эдик. Улардан саҳна нутқидан ишлаган парчаларини, ғазалларини сўраб саҳнага чиқариб айттирар эди. Биз томоша қилиб ҳавас қилиб ўтирар эдик.

Баъзан улар битириб кетганига кўп йил бўлишига қарамай сўзларни ифодалашда бирор жойида адашмасдан ижро қилиб берар эди. Ижрода кўзларидан ёш чиқиб кетар эди. Биз бундан таъсирланар эдик. Касбга меҳримиз ошар, шеърларимизни, адабий парчаларимизни ўқишга қизиқишимиз кучайиб кетар эди. Бу ишни устоз бизларни соҳага қизиқсин учун атайлаб қилар экан. Шеър, адабий парча, масал, монологларни ишлашда ҳар бир сўзнинг ижросига синчковлик билан ёндашар эди. “Автет опа тил ва нутқ борасидаги камчиликларни бартараф қилмасдан туриб, адабий асарларга қўл урмас эди.



Нутқий камчиликлар устида доимий ишлаган, касбга меҳр қўйган талабаларга кучли адабий асарларни тавсия қилар, воқеаларни сўзлаб берар, бу орқали дарсга эътиборсиз, китоб ўқишга сабри чидамайдиган ёшларни ҳам қизиқтириб кўядиган” [4. Б.28] ажойиб хислатлари бор эди. Умуман олганда тилга олаётган учта устознинг мени институтда ўқитувчи бўлиб қолишимда асосий ролни ўйнаган эди.

Устозларнинг бадий сўз устида талабалар билан ишлаш методикаси.

Ҳар учала устозлар ёнида юрар эканман, уларнинг ён дафтарларида ҳар кунлик режа борлигини гувоҳи бўлганман. Лола Хўжаеванинг ҳар кунлик режаси бўлар эди. Дарсни муқаддас санаб, шунча тажрибаси борлигига қарамай доимо дарсга тайёрланиб келар, аудиторияга керакли материаллар билан қуролланиб кирар эди.

Саҳна нутқи кафедрасига ишга келган кунимдан бошлаб Л.Хўжаеванинг дарсларига кира бошлаганман. 1992 йил институтга илк маротаба корейс курси қабул қилинган, Лола Хўжаева ўша корейс курси билан бирга драма ва кино актёрлиги рус курсига ҳам дарс берар эди. Асосий юклама соатим Лола Хўжаеванинг курсларидан берилди.

Саҳна нутқининг техник томонини яхши ўзлаштирмасдан бадий сўз ижро эта олмасликни, ўйнаган роль ҳам тузук чиқмаслигини дастлабки қадамларданок талабаларга тушунтирар эди. Талабаларга дарс ўтиш жараёнида ёнидаги ёрдамчи ўқитувчини ҳам саҳнада ишлашга ундар, керак бўлса машқларни ўзи саҳнага чиқиб кўрсатиб берар эди. Орада бирорта бадий асарнинг энг таъсирли жойларидан мисоллар келтириб, талабаларни келажакда образ яратишга бўлган муҳаббатини ошириб ҳам кўяр эди.

“Ижрочи бадий сўз мулкидан баҳраманд бўлиш ва ундан тингловчи-томошабинни баҳраманд этиш учун энг аввал ижрочилик санъатининг этикасига тўла-тўқис амал қилиши керак. Бу ахлоқий тизимни мунтазам ўрганиб бориш, ижодий имкониятларини чиниқтириш ва такомиллаштириш, муайян ютуқ босқичида қотиб қолмаслик, тинимсиз янгилик сари интилишни тақозо этади” [5, Б.110]. Лола опа кундалик ва луғат дафтари тутиш зарурлигини тушунтирган ва бу педагогни ҳар томонлама шаклланишига ёрдам беришини уқтирган эди. “Биласанми, луғат тутиш бу соҳадаги ҳамма ўқитувчиларга зарур нарсас. Бадий китобларни кўп ўқиш керак, тушунмаган сўзларни дарров луғат дафтарида кўчириб, изоҳли луғат орқали ўша сўзнинг маъносини ҳам ёзиб кўйишинг керак. Соҳага оид терминларнинг ҳам маъносини ёзишинг лозим”, [6] деб таъкидларди.

Саҳна нутқига оид ўқув адабиётларининг аксарияти рус тилида бўлгани учун русча терминларнинг таржимасини излаб ёзиб келишни вазифа қилиб берар эди. Мен рус тилидаги терминларни алоҳида, унинг таржималарини, ўзбек тилидагиларни эса изоҳини эринмасдан ёзиб чиқар эдим. Корейс курсида корейс тилини биладиган ўқитувчи олиб келишни раҳбариятга айтиб бу ишни амалга оширган.

Русий забон корейс талабаларига корейсча сўзлашишни ҳам машқлар орқали ўргатганига қойил қолганман. “Луғат тафаккурни кенгайтиради, сўз бойлигини оширади, ўқитувчи ўзининг тилини чархлаб боради, чиройли ва гўзал сўзлашга ўргатади. Актёрлик маҳорати, саҳна нутқи терминларини ҳам йиғишинг керак, унга аниқ изоҳ бериб ёзиб бориш лозим”, [7] деб қатор мисоллар келтирар эди. Гуруҳли дарсларда талабаларга ҳар доим машқлар матнини, гуруҳ иши учун олинган адабий парчаларнинг матнини эринмай ёздирар эди. Ҳар доим актёр ёки режиссёр сўз билан кўр-кўрона ишлаб бўлмаслигини тушунтирар эди. Бадий сўз ижросига талабани босқичма-босқич олиб борар эди. Машқларнинг ҳаммаси комплекс тарзда олиб борилар эди. Айниқса, “Цзянь-Фэй” деб номланган йог динамик машқ услубларидан оқилона фойдаланар, машқларнинг якуни албатта драматургия қонунларига амал қилинган этюд шаклида намойиш қилинар эди. Бу ҳақиқатдан устознинг дарс ўтиш санъати эди.

Тик туриб бир ҳилда машқлар бажаришга доимо қарши чиқар эди. “Талаба ҳаракатда фикрласин, шунда машқдан кўзланган мақсад ва вазифа ўз ўрнида бажарилади, талабанинг органикаси тайёр бўлмасдан машқни бажариб ҳам бўлмайди, бадий сўзга ҳам ўтиб бўлмайди. Арқончадан сакраб, санамаларни айтишда ҳам нафасни тартибга солиш керак. Мен тайёргарликсиз қандай сифатли нутққа эга бўламан, деган гаплар сизнинг ички овозингиз бўлсин!”, [8] деган гапларни доимо такрорлар эди.

Талабаларни обдон тилини, нутқини чаҳрлаб бадий асар танлаш жараёнида албатта гуруҳ учун катта асарларга қўл урар эди. Муסיқали драма курсида бирга ишлаганимизда Лола опадан катта методикани ўргандим десам муболаға бўлмайди. 1-курсда Қуддус Муҳаммадийнинг 1966 йилларда ёзилган “Кўнғизбой билан Сичқонбой” эртагини, 2-курсда эса Шароф Рашидовнинг 1956-1959 йилларда ёзилган “Кашмир кўшиғи (Икки дил достони)” қиссаси танлаб олинди. Матн ҳаммага етарли, тиниш белгиларга бой, муаллиф ва персонажлар номидан гапириладиган матнлар тўла асар.

Лола Хўжаева бутун эмоцияларини ишга солиб дарс ўтар экан, шеърларни пафос билан пастки овозда урғуларни ўз ўрнига қўйиб ўқир, бу билан аудиторияни сеҳрлаб қўяр эди:

*Бу он бошқа, жуда узоқ бир Ватанда,
Яшар экан Мудан отлиқ бир созанда.
Нашъу намо чашмаси у, шодликка ёр,
Фарзу ҳунар топган / ундан шон ифтиҳор.
Учган каби ҳудди оҳанг-куй тордан,
Йўлда чиқар дарак излаб / дилдордан.
Жавлона даврига отилди Комде//
Тўхтади, / камондек бўкилди Комде//
Оламга дов солиб, чарақлаб кетди,
Ноз ўти яшиндек ярақлаб кетди, //
Белини қиличдек букиб ногаҳон
Юзлаб шайдоларни айлади бежсон
Қошларини учириб қисганида кўз
Оҳуға туларди / сахро, / дала, / бўз.*

Бу асар театр сахналарида кўп марта қўйилгани, киносценарийлар ёзилиб кино олингани, асардаги ҳинд халқининг озод кураши бош мавзу бўлганини эринмасдан тушунтирар эди. Бу гўзал сатрларни Лола опанинг олдида оддий ўқиш, бутун вужуди, овоз, нафас ишламаслиги сўзларнинг ифодаси аниқ етиб келмаслиги мутлақо мумкин эмас.

Шеърый асарларни бадийий ўқишда асосий омилларга эътибор берилишини ўша кундалигимда ёзган сатрларимдан келтираман: “Мен асар танлашда қуйидаги омилларга аҳамият қаратишинларни талаб қиламан. Курс учун асар танлаганда *энг аввало* талабаларнинг имкониятини биринчи курсдаёқ очиб олиш ва ўшанга қараб асар танлаб олиш керак. Ҳар қандай одамда дард бўлади, талабада ўша дард пайдо бўлмаса у санъаткор бўла олмайди.

Иккинчидан, ўқиган асар қайсидир маънода ўқувчининг ўзига таъсир қилсин, “менга бу асар қаттиқ таъсир қилди”, деган хулосаси бўлсин.

Учинчидан, олинган асарда воқелик бўлиши керак, табиат манзараларининг ичида яшаётган қахрамон воқеани сўз хатти-ҳаракати орқали ўзгартирсин, у шунчаки гапирмасин.

Тўртинчидан, воқеанинг ичида яшасин, темпо-ритмни ҳис қилсин.

Бешинчидан, мақсадни аниқласин, мақсад феъл сўз туркуми билан аниқланишини билсин, масалан, *киноя қиялман, айблаялман, нафратланиялман, хурсанд бўлялман, ҳимоя қиялман* ва ҳақозо мақсадли сўзлар етакчи ҳаракати бўлсин.

Олтинчидан, мантиқий таҳлил қилиш керак, масалан, *асарни ўқидим, тушундим, шаҳар қуришовда экан. Шаҳар атрофи сув босган, ўликлар билан тўла*, каби туб маънога эга тасаввур қила олсин. Мантиқни очиб берувчи сўз ва жумлаларни бўрттириб гапирсин.

Еттинчидан, асарни овоз чиқариб қайта-қайта ўқиш керак, бўлаётган манзарани ички нигоҳ билан кўра бошлаш, бу туфайли тасаввурлар пайдо бўлишини бажариши зарур [9].

“Тил ва талаффуз, янада кенгроқ маънода олинганда сахна нутқига оид бўлган қатор нуқсонлар энг аввал қуйидаги сифатлар билан характерланади. Бу биринчи навбатта шевачиликка оиддир. Унли товушлар сахна нутқидаги шевачилик асос-асосини ташкил этади. Умуман театрлараро ва айрим театрдаги актёрлар талаффузи ўртасидаги тафовут энг аввал унли товушлар билан боғлиқ. Ўзбек тилида мавжуд бўлган олти унли турли вилоят ва турли актёрлар орасида қатор шевалар орасидаги нутқ тушунмовчилиги ва хилма-хиллигини вужудга келтирувчи энг асосий сабабдир. Бу санъатшуносларнинг тахмини эмас, балки диалектолог тилшунослар томонидан ҳам исбот этилган, тўла илмий асосга эга бўлган ходисадир”, деб ёзган экан Лола Хўжаева 1966 йил Ўзбекистон маданияти газетасида [10, Б.3].

Унли товушлардаги тафовут Андижон ва Хоразм вилоятларида талаффуз ўрнини, яъни товуш туғилдиган жойни алмаштириш билан, Наманган ва Қаршида унлиларнинг ўринсиз қисқариши – емирилиши билан, Бухорода ва Самарқандда унлиларнинг тожиклашиши билан, қарийиб ҳамма вилоятларда уларнинг мантиқсиз ўрни алмашуви билан характерланишини, турли жойларда ундош товушларнинг ҳам турлича тафовут билан талаффуз этиш ҳоллари кўринишини, улардан энг оммалашиб кетган жиддий хато “х-ҳ” ва “ф-в” ундошлари фарқини – дифференциясини билмаслик билан боғлиқлигини ҳам шу мақолада долзар масалалар қаторида баралла айтган [11, Б.3].

А.Сайфиддинов, А.Муродовалар олдида ассистент ўқитувчи бўлиб ишлаган кезларимда бу икки педагогнинг ҳамкорлигидаги ижодий ва ижобий натижаларни кўриб хайрон қолардим. Адабий асардан олинган парчаларда диалог ва муаллиф нутқидаги монологик тасвирларни ижро этишида бирорта бўш жой бўлмаслигига эътибор берар эди.

Ҳазални ижро этиш жараёнини эринмасдан маҳорат билан ишлай оладиган бу педагогларлар Алишер Навоийнинг таваллуд кунига бағишланган илмий ва ижодий анжуманларда талабаларни ҳазал ўқишга мажбур қилар эдилар. Бунинг учун тинимсиз меҳнат қилишимни талаб қилар эди. Ҳазал – мураккаб ва анча қийин жанр. Ҳазалнависдан оз сўзда кўп маъно бериш, фикр дурдоналарини бадиий ташбеҳ садафлари ичида тақдим этишни талаб этувчи жанр. Яна шуни айтиш керакки, аруз адабиётнинг, умуман санъатнинг ҳамма турлари каби талант ва маҳорат, теран хаёл ва эҳтирос талаб этади. Дарҳақиқат шундай. Актёрга аруз вазнида ижро этиш йўллариини ўргатишда аввало бармоқ вазнидаги асарларни ўргатиш асосий шартлардан биридир. Шеърни таҳлил қилиш, унинг ғоясини аниқлаш, интонацион усуллари, қоидалари, қофияланиш тартиби кабиларни ўрганмасдан туриб, ҳазал ижрочилиги ҳақида ўйлаш мумкин ҳам эмас. Аруз оламига олиб кириш учун турли услуб ва воситалардан фойдаланишга, уларни қизиқтириш йўллариини топишга тўғри келади. А.Сайфиддинов, А.Муродовалар талабалар билан аруз вазни устида ишлаганда ўта зукколик билан ёндашар эди. Талаба ижро учун танлаган ҳазалидаги сўзнинг мазмунини луғатлардан қидириб топиб, ёзиб, шарҳлаб келмагунча уни эшитмас эди. Луғатдан фойдаланиб, битта байтни таҳлил қила олган талабани кўкка кўтариб мақтар эди.

Ҳазал танлангандан кейин ижрога қадар амалга ошириладиган ишлар қуйидаги босқичда олиб борилади. Бу менинг тажрибаларимда ҳалигача яхши натижаларни қўлга киритиб келмоқдамиз. Ҳазал устида ишлашда А.Сайфиддиновнинг методикаси қуйидагича:

Биринчи босқич - ҳазалдаги сўзлар таҳлил қилинади. Бунда луғат ёрдамида сўзларнинг луғавий маъноси кунт билан ўрганилади. Ўқувчининг сўз бойлиги ошади ва гап нима ҳақида эканлигини тушунади.

Иккинчи босқичда ижрочининг ҳолатига таъсир кучини ошириш мақсадида сўзлар маъно жиҳатдан икки қисмга ажратилади. Биринчи қисмга ижобий, иккинчи қисмга салбий маънодаги сўзлар киради. Бу сўзларни ижодкор тилида “персонажлар” деб атаса ҳам бўлади. Бу бевосита актёрнинг ҳолатга киришида ва кечинмаларни тўғри ифодалашда асқотади.

Учинчи босқичда маъноси аниқлаб чиқилган сўзлар асосида ҳазалнинг ҳар бир байти шарҳлаб чиқилади. Бунда талаба байтларда илгари сурилган ғояни англашга ва бу билан воқеаларни кетма-кетликда ривожлантиришга, воқеаларга бўлган муносабатни кучайтиришга ўрганади.

Тўртинчи босқичда ҳазалнинг рукни аниқланади. Аруз вазнида ёзилган шеърларнинг актёр томонидан тўғри ёки нотўғри ўқилиши биринчи навбатда рукнларнинг тўғри белгиланишига боғлиқ бўлади. Зеро, рукн арузнинг асосий тиргаги ҳисобланади.

Бешинчи босқичда ҳазалда айтмоқчи бўлган фикрларни ҳолатга кириб, рукнлар билан ўқиш жараёни кечади. Бунда ўқувчи муаллифнинг айтмоқчи бўлган асосий мақсадини топади, ўзлаштиради.

Олтинчи босқичда ўқувчи байтма байт ўқиб, қувваи ҳофиза – хотирага жойлайди. Мана шу босқичларни талаба олти ой давомида босиб ўтади. Ўқитувчи билан яқка тартибда ишлаб, билим ва кўникмаларини ошириб боради. Битта ҳазалнинг ишлаш технологиясини яхши билган талаба келажакда ҳар қандай аруз вазнида ёзилган асар устида бемалол ишлай олади.

Ғазал устида ишлаш хотирани мустаҳкамлайди. Дунёқараши, сўз бойлиги, фикрлаш доираси ортиб боради. Айниқса, унинг хатолари педагог томонидан тузатилса, унинг янада изланишлари ошиб бораверади. Ҳайратланидиган жойи шундаки, актёр улғайган сари ўрганган ғазалининг маънолари, ижродаги томошабинга етказиш усуллари ҳам такомиллашади. Ғазалда ифода этилган ғоя нутқдаги оҳангларда ўзгача жаранглайди ва давр муҳити пайдо бўлади. Ғазал ижрочининг қалбига муҳрланиб қолса, унинг яна ғазал ўқигиси ва ундаги ғояларни чуқурроқ англагиси келаверади [12, Б.116-117].

Автетхоним Муродова бадиий сўз устида ишлашни ёши улуг бўлса ҳам А.Сайфиддиновнинг ёнидан бир лаҳза ҳам узоқлашмай ўрганишдан тўхтамади. Унинг ўзбек адабиётида муҳим ўринни эгаллаган буюк асарлари устида севиб ишлаши талабалар қалмини миллий руҳда тарбияланишига хизмат қилган.

Араб алифбосини пухта билган, мумтоз асарларни араб тилида ўқиб мукаммал билимга эга бўлган устоз кирил алифбосида хато қилиб қўймаслик учун тинимсиз меҳнат қиларди. Талабалар билан асар қиёмига етмагунча босқичма-босқич ишлайверар эди. Психологияда онг усти, онг ости деган терминлар бор. Сўзда нутқнинг таъсири бўлмаса тингловчи-томошабиннинг бу қулоғидан кириб у қулоғидан чиқиб кетаверади. Агар сўзнинг туб маъноси, образлар нутқи, асар ғоясини аниқлаб матн устида мутгассил ишласа онг остига таъсир қилади. Айниқса, асарни ўқиб, тушунганини қайта ҳикоялаш босқичидан қайта-қайта ўтказар эди. Кейин асар тилига қайтарар эди. Бу иш ўқувчи учун жуда мураккаб, аммо бутун умр эсда қоладиган услуб. Чунки ижрочининг ўзи бунга пухта тайёрланган, устоз билан кўп ишлаган ва ўзида ҳам сўзлар онг остига жойлашиб қолгани учун эркин ижро қилади. Автетхон опа мана шу ёндашуви билан ҳурмат эътиборга лойиқ эди. Алишер Навоий ҳақида ривоятлар, ўзбек мумтоз шоирларнинг ғазаллари, Миркарим Осимнинг “Аждодлар мероси”, Мирзақалон Исмоилийнинг “Фарғона тонг отгунча”, Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар”, “Меҳробдан чаён”, “Тошпўлат тажанг нима дейди”, “Шарвон хола”, Чингиз Айтматовнинг “Момо Ер” каби кўплаб асарлардан адабий парчаларни талабанинг ўзига мос қилиб танлаб берар эди.

Аммо у киши китобларни кўп ўқиб изланган, қатор китобларни танлаб олиб келган талабаларни қўллаб-қувватлар эди. “Асар воқеалари бир оқимда кетмайди, бунда ҳаракат, тўқнашув, кураш, мағлубият ёки ғалаб бўлади”, деб кўп такрорлар эди.

Хулоса. Табаррук учала инсон умрини саҳна нутқи педагогикасига, бадиий сўз ижрочилиги бобида талабалар қалбига беназир асарларда илгари сурилган одамийлик, миллийлик, ватанпарварлик каби эзгу туйғуларни сингдирдилар. Лола Хўжаева умри давомида бадиий сўз билан ишлашда саҳна нутқи илмига таяниб ишлади. Саҳна нутқи, нутқ маданияти ҳақида жуда кўп долзарб муаммолар ечимига қаратилган илмий мақолалар яратди. “Овоз ва унинг тарбияси”, “Ҳаётбахш сўз – саҳнамиз дурдонаси” 1966, “Нутқ маданиятига оид кузатишлар” 1979, “Нотиклик санъати”, каби мақолалар яратди. А.Сайфиддинов 1966 йилда ёзилган “Оғзаки нутқнинг ифода воситалари” мақоласи, “Адабий асар ва ижрочилик маҳорати” китоби илмий мерос сифатида хизмат қилиб келмоқда. А.Муродованинг сўз устида ишлаши, киноларда яратган образлари ҳақида ўнлаб, ҳатто ундан ҳам кўп очерк, мақолалар ёзилди. Устознинг ўндан ортиқ методик ишлари қўлёзма сифатида қолиб кетди. Араб алифбосида ёзилган қўлёзмаларини мутахассисларга ўқитиб, баъзиларини ёзиб олдим. Аммо жуда кўп қўлёзмаларини тушунмаганим учун ёритишга ожиз қолди. Устознинг қўлёзмаларини кўп мутахассисларга кўрсатдим. Аммо араб ёзувида ёзилган қўлёзмаларни ўқий олмади.

Устозларнинг руҳлари шод бўлсин.

ИҚТИБОСЛАР

1. Иномхўжаев С. Ўзбек бадий сўз санъати тарихидан //Ўзбек саҳна нутқи масалалари (мақолалар тўплами). –Тошкент: “Фан”, 1996.
2. 1989 йил Лола Хўжаева билан бўлган илк бор учрашувлар эслаб баён қилинди. (Х.Г).
3. 1992 йил Абдурахим Сайфиддинов кўсларда ўтган дарс жараёнида дафтарга ёзиб олганлардан келтирилди.
4. Холиқулова Г. Миллийликни қалбларга сингдирган устоз //Театр, 2017 йил №5.
5. С.Иномхўжаев, Л.Хўжаева. Бадий сўз санъати. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972.
6. Ушбу сўзлар 1992 йил Лола Хўжаеванинг дарс ўтиш жараёнини кузатиб, айтган гаплари ёзиган дафтардан келтирилди.
7. Ўша манбадан олинди.
8. Ўша манбадан олинди.
9. 1993 йил Лола Хўжаева туттирган кундалиқдан олинди.
10. Хўжаева Л. Ҳаётбахш сўз – саҳнамииз дурдонаси //Ўзбекистон маданияти, 1966 йил, 8 январь №3(11032).
11. Ўша манба.
12. Қаранг: Г.Холиқулова. Саҳна асарларидаги қаҳрамон характери талқин қилишда замонавий коммуникатив технологиялардан фойдаланиш услубияти. –Тошкент: Fan va texnologiyalar, 2015.



SAHNA NUTQI FANINI RIVOJLANTIRISHDA USTOZLAR MEROSINI O'RGANISHNING DOLZARB MASALALARI

(Ilmiy-amaliy seminar materiallari to'plami)

ДЖУМАНОВ Исоқтой Муҳаммедович

*Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар
мураббийси, доцент*

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10836481>

САНЪАТШУНОСЛИК ФАНЛАРИ НОМЗОДИ, ДОЦЕНТ ИНОЯТИЛЛА ПУЛАТОВНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ, АМАЛИЙ ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТИ

АНОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Тошкент театр ва рассомлик санъати институти “Театршунослик” ва “Саҳна нутқи” кафедрасида фаолият кўрсатган, санъатшунослик фанлари номзоди, доцент Иноятилла Пулатовнинг илмий педагогик фаолияти, ибратли ташкилотчилик фазилатлари, миллий театр санъатининг донишманд, жонкуяр тадқиқотчиси сифатида амалга оширган кенг камровли илмий-ижодий, педагогик ишлари ёритилган.

Калит сўзлар: сўз, тараққиёт, жараён, маъно, теран, ҳаётбахш истиқбол, тараққиёт, тизим, ечим, калб, онг, яратиш, максад, ташаббус, шижоат, ғоя, тилсим, ҳикмат, қудрат, ифода.

НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКИЙ, ПЕДОГОГИЧЕСКИЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ КАНДИДАТА ИСКУССТВОВЕДЕНИЯ, ДОЦЕНТА ИНОЯТИЛЛА ПУЛАТОВОЙ

АННОТАЦИЯ

В данной статье описывается научная педагогическая деятельность Кандидата театроведческих наук, доцента кафедры “Театроведение” и “Сценическая речь” Ташкентского театрално-художественного института Иноятиллы Пулатовой и его образцового организаторского качества, увлеченность научно-творческой педагогической работе, глубокого познания национальным театральным искусством.

Ключевые слова: слово, прогресс, процесс, смысл, глубина, жизнеутверждающее, изобилие, система, решение, душа, разум, творение, цель, инициатива, амбиция, идея, талисман, универсальность, долг, верность, мудрость, сила, выражение.

CANDIDATE OF ARTS, SCIENTIFIC-THEORETICAL OF DOSENT INOYATILLA PULATOV, DRAWINGS ON PRACTICAL PEDAGOGICAL ACTIVITY

ANNOTATION

This article will focus on the work of the leading pedagogue of the Department of “Theater Studies” and “speech of Sakhna” of the Tashkent Institute of theater and art, “candidate of theatrical Sciences”, significant scientific pedagogical activity of dosent Inoyatilla Steelov, Teran mushokhada, instructive organizational qualities, wise, passionate researcher of the art of the National Theater.

Keywords: |word, progress, process, meaning, sweat, life-giving heat-Bol, development system, solution, heart, mind, creation, Goal, initiative, courage, idea, talisman, universal, duty, loyalty, wisdom, power, expression.

Кирриш. Сўз санъати ҳаёт ва унинг тараққиёт жараёнларида муҳим, маҳобатли қатламларини қамраб олувчи, ҳаракатлантирувчи, теран ва юксак вазифалари билан устивор ўрин эгаллайди. Янги Ўзбекистоннинг ҳаётбахш истиқболли тараққиёт тизимлари ҳамда унинг улуғвор мақсад муддаоларини халқимиз қалбига ва онгига сингдирувчи вазифаларга дахлдор. Учинчи ренесансни яратиш мақсади билан яшаётган ёшларимизда ташаббус, шижоат ва жонбозлик кўрсатишга ундайдиган, комил инсон бўлиш ғояларини инсон онги, қалби, фикр-гуйғуларига сингдиришдай эзгу амаллар сари ундовчи тилсим. Умумбашарий прогрессив ғояларни тарғиб қилиш, ижтимоий фикр, ижтимоий онг билан ҳамоҳанг бўлишга хисса қўшиш каби юксак инсоний бурчга садоқатни мустаҳкамлашда эзгу мақсадлар йўлининг маёғи.

Бу ўринда сўз санъати ўзининг бор ҳикмати ва қудрати билан намоён бўладиган театр, кино, радио ва телевидение, эстрада санъатининг бутун ижодий жараёнларини қамраб олувчи мулоқот, мунозара ва мушоҳаданинг зиёбахш таъсирчан воситаларининг етакчиси бўлиб келмоқда. Комил инсон тарбиясида нутқий ифода ва унинг маънавий-тарбиявий тизимларини ишлаб чиқиш, эзгу мақсадга эришиш, буни ҳаётга, айниқса ёшлар орасида кенг тарғиб ва тадбиқ қилиш, қанчалар долзарблигини англаш қийин эмас.

“Саҳна нутқи” кафедраси профессор-ўқитувчилар томонидан нутқий ифода маҳорати йўлида тарбияланаётган талабаларнинг нутқидаги нафас, овоз, талаффуз мукамаллиги баробарида, фикрлаш қобилиятининг табиийлиги, эркинлиги, фаоллиги тизимлари устида иш олиб бориш бежиз эмас.

Професионал актёрлар тарбиясида ишлаб чиқилган ва кенг тадбиқ қилиниб, бажарилаётган ҳар бир машқ талабанинг тўлақонли фикрлаши, нутқидаги равонлик, таъсирчанлик, овоз жаранги, талаффузидаги мукамалликка чуқур эътибор қаратилиши лозим. Бу ўз ўрнида яққа ва умум машғулотларда ҳар бир талабанинг ўзига хос ва мос янги ёндашувлар сари изланиш, жонли сўз билан уйғун, янги ҳаракатли пластик машқлар ишлаб чиқиш баробарида уни қунт билан ўзлаштириш, нутқ маҳоратини шакллантириш, ўстириш, талаффузни чиниқтириш, унинг софлигига эришиш вазифалари азалий ва абадий эътиборни талаб қилади. Бу борада Иноятилла Пулатов: “Сўз – тафаккур ҳазинасининг кўзгуси бўлиб, саҳнада актёр учун фақат фикрни ифодалаш воситасигина бўлиб қолмай, балки қаҳрамоннинг дунёсини фаол ифодаладиган асосий омил ҳамдир” [1, Б.3] – дейди ўзининг “Саҳна нутқи” ўқув қўлланмасида.

Устоз саҳнавий сўз ифодавийлиги ва таъсирчанлигида, баркамолликка эришишда ҳар бир ёш ижодкор шахс мунтазам, жиддий ва чуқур ўз нутқининг мукамаллиги учун интилиши кераклигини уқтириш, талаб қилишда бардавом бўлиш муҳим омилларимиздан бири эканлигини англаш ва англатишга чуқур эътибор қаратардилар. Зеро, ҳаёт инсон фаолияти, жамиятнинг тараққий этиши билимга, тараққиёт қонунларига боғлиқ экан, буларнинг аксарияти сўз орқали англанади ва англатилади.

И.Пўлатов “Ҳаётдаги тасаввурни биз ўзимиз учун ҳақиқатга айлантириб олишимиз керак. Кўпинча ана шу ўйлаб топилган борлиқ, табиатан бизга ётдек туюлади, бироқ у бизнинг шахсий кўз ва тасаввур аъзоларимизнинг маҳсули бўлгани учун, ролимизнинг ўйлаб топилган ҳаёти, айрим қисм ва элементлари билан бизга яқиндир” [1, Б.13] – дейди ва К.С.Станиславскийнинг “Бизни ички кўз билан кўришларимизнинг “кинолента” сига бу қадар катта ва алоҳида аҳамият беришимизнинг боиси шундаки, фақат шуларнинг ўзигина роль учун тавсия этилган ҳолатини вужудга келтиради” [2, Б. 443-444] – деган сўзларини иқтибос қилиб келтиради.

Фикрлаш, сўз ҳазинасини бойитиш, турли мавзулар, воқеалар, тафсилотлар, тасвирлар билан инсон нутқининг имкониятлари очилиб, такомиллаштирилиб бориш асосига эришишда, устозларимиз шакллантирган ва кейинги авлод профессор-ўқитувчиларининг изланиш ва ҳаракатлари билан такомиллаштирилаётган “Саҳна нутқи” фани ва унинг ривожланиш тамойиллари устида фикр юритар эканмиз, билвосита Назира Алиева, Лола Хўжаева, Абдурахим Сайфуддинов, Сотимхон Иномхўжаев, Иноятилла Пўлатов, Маҳкам Исроилов, Розия Усмонова, Зуҳра Олимжонова, Ольга Суздальцева, Ирина Гринберг, Аҳмаджон Тўлаганов, Муҳаммаджон Исмонов, Зинел Абдулҳакимов, Содикжон Носиров, Адиба Носирова, Келдивой Узоков, Ўктам Нурмухаммедова, Виктор Ратушний, Башорат Бобоназарова, Афтет Муродова каби саҳна нутқи педагогикасида ўзига хос мустаҳкам тажрибага эга, қатор дарслик ва ўқув қўлланмалар яратган устозларнинг услубий йўллари ва тажрибалари ҳақида таҳлилий-қиёсий фикр юритиш зарурлигини ҳис қиламиз.



Иноятилла Пўлатов

Асосий қисм. Санъатшунослик фанлари номзоди, доцент Иноятилла Пўлатовнинг илмий педагогик фаолиятида олим ва моҳир педагог устоз табиатидаги энг ибратли фазилатларни ўзига сингдирган ва унга бир умр садоқат билан хизмат қилган инсон сифатида гавдаланади. Миллий ўзбек саҳна нутқининг театр, кино, радио, телевидение санъатидаги барча назарий, амалий жараёнларига синчков кузатувчанлик, чуқур таҳлилий мулоҳаза ва муносабат, тасаввур маҳорати, ўткир хотира, ижодий жараён ва истеъдодни рағбатлантирувчи салоҳиятга эга эдилар. Бадиий адабиёт, тасвирий санъат, театр, кино, мусиқа санъатининг сўз санъатида илмий-ижодий фаолиятининг мукамаллик мезонларига эришишига олиб борувчи восита сифатида кўрардилар.

Дунёнинг бор сеҳри, жозибаси, ранг-баранглиги, бетакрорлигини кўра олиш, ҳис қила олиш салоҳияти шахснинг истеъдод даражасини белгиловчи муҳим омиллардан бири эканлигини англаб, ёш ижодкорларда нутқ маҳоратини ўстириш учун унинг тасаввур олами, идрок қила олиши, кузатувчанлиги, диққатини ифодалаш маҳорати устида ишлашга алоҳида эътибор қаратардилар.

Бу йўналишда вазифалар, шарт-шароитлар, хатти-ҳаракатлар асосига қурилган машқлар талабанинг мукамал фикри, ички хатти-ҳаракат ва сўз санъатида ўзининг ижобий-ижодий таъсирини кўрсатишини, ўқув машғулотлари жараёни ҳамда уни ўзлаштиришга жиддий эътибор қаратардилар. Ўзлаштирилган кўникмаларнинг самараларини белгиловчи ижодий имтиҳонларда ҳар бир талабанинг нафас меъёрини тўғри ушлаб туриши, сарфлаши, ишчи овози жарангида соф адабий талаффуз, товушларнинг орфоэпик меъёри, сўзнинг ҳаракатлилиги, яъни ижрочининг сўз орқали ўзи ва эшитувчиларда тасаввур ва фикр уйғота олиш маҳорати ҳақида чуқур таҳлилий муносабат билдирардилар.

Ўз фикр-мушоҳадаси, аниқ ва фаол муносабати шаклланган ижодкор ижрочиларни тайёрлаш жараёни, нутқ техникасининг тўлақонли тарбияси билан боғлиқ эканлиги баробарида нутқ ўстиришнинг йўлга қўйилиши, юксак малакали мутахассислар етиштириш вазифасини амалга оширувчи омиллардан бири эканлигини таъкидлаб, талабаларнинг тасаввур ва талаффузи, мантиқий изчиллик, диққат, муносабат жиҳатларини такомиллаштириш учун ҳам ижодий ҳамда ҳаётий изчилликка эътибор зарурлигини уқтирдилар.



Илмий семинарда маъруза ўқияпти

Бу нафақат актёрлар, режиссёрлар балки барча суҳандонлар, нотиклар, сўз усталари ҳам ўзлаштириши ва ўз фаолиятига тадбиқ қилиши лозим бўлган ёндашувдир. Инсоннинг тасаввур ва тафаккури, тил бойлиги, ахборот даражасининг кенгайиши, муносабатининг аниқлиги, сўз хатти-ҳаракатининг узлуксизлиги учун имкониятларни кенгайтириш муҳимлиги борасида фикр билдирардилар. Бўлғуси актёр учун тезкор ва дадил фикрлаш, мантиқ, хотира имкониятларининг кенгайиши, тасаввур ва сўз таъсирчанлигига эришиш, ҳар бир сўздаги теран туб маънони чуқур англаши ва ҳис қилиши албатта партнёрига, томошабинга, англата олишга эришиши, унга сўзсиз амал қилиши, ижодкорона ёндашиши зарур. Инсониятга ақли, дили ва тили билан мулоқотда бўлувчи ижодкор актёрлар, режиссёрлар, сўз усталари, нотик ва суҳандонларнинг сўзлаш санъатини шакллантириш ва ижодий камол топтириш йўллари излаб топиш беназир устозни безовта қилувчи доимий муддаолардан бири эди.

Иноятилла Пўлатов “Театршунослик” ва “Саҳна нутқи” фанлари йўналишида фаол ва ҳалол фаолият кўрсатган устозларимиздан бири сифатида ўзининг серқирра илмий-педагогик фаолияти, камтар, самимий, инсонийликда ибрат бўла оладиган фазилатлари билан биз ҳамкасбларига доимо ибрат кўрсата олган пок инсон сифатида гавдаланади.

Ҳамкасб ва устозлари Мамажон Раҳмонов, Назира Алиева, Нина Тимофеева, Лола Хўжаева, Тошпўлат Турсунов, Муҳсин Қодиров, Тешавой Баяндиев, Александр Рибник, Сотимбой Турсунбоев, Тохир Исломов, Тамара Сильменштейн, Гулшаҳноз Раҳмонова, Жўра Тешабоев, Фрунзе Жўраев, Лёля Гершберг, Иқром Раҳимжонов, Турсунбой Исроилов, Абдурахим Сайфуддинов, Ҳамидулла Иқромов, Баҳодир Назаров, Улуғбек Зуфаров, Маҳкам Исроилов, Сотимхон Иномхўжаев, Содикжон Носиров каби зукко, илмли олим ҳамда санъат таълимининг етакчи профессор-ўқитувчилари даврасида чуқур билими, илмий-ижодий мушоҳадаси, теран фикр ва асосли қиёсий хулосалари билан эътибор қозонган эдилар.

Ўта камтар ва мулоимлиги сабаб ҳар қандай зиддиятли ҳолатлар, баҳс-мунозараларда оқилона ва одилона хулосалари билан устунлигини кўрсата олардилар. “Саҳна нутқи” кафедрасининг етакчи профессор-устозлари даврасида Лола Хўжаева, Абдурахим Сайфуддинов, Сотимхон Иномхўжаев, Маҳкам Исроилов, Иноятилла Пўлатовлар томонидан ижро этилган монологлар, шеърлар, ариялардан намуналарни мароқ билан эшитардик.

Абдурахим Сайфуддинов ижросида Ўзбекистон радиосининг олтин фондига кирган туркум бадий ўқишлари, ҳамкасблари даврасида ижро этган А.Н.Островскийнинг “Камбағаллик айб эмас” драмасидан ижро этган Названов монологи, Нозим Ҳикматнинг “Унитилган одам” драмасидан ижро этган монологлари, Иноятилла Пўлатовнинг В.Шекспир “Гамлет” фожеасидан ижро этган Гамлет монологи, М.Исроиловнинг мусикали драмалардан ижро этган ариялари, монологларининг таъсирчан маҳобати, ифодали жарангини соғиниб эслаймиз.

И.Пўлатов ўзбек адабий тилининг мукамал даражада талаффузи, унинг софлигига эришишда чуқур эътибор, жонкуярлик билан ҳисса қўшган М.Уйғур, Я.Бобожонов, Н.Алиева ҳамда халқимиз эъзози ва эҳтиромига сазовор бўлган атоқли актёрларимизнинг хизматларига алоҳида ва чуқур таҳлилий ёндашиб, унинг илмий-назарий ва амалий, ижодий асоларини ёритган “Саҳна нутқи” ўқув қўлланмасида етти ўлчаб бир кесган шундай мазмун, маъноли фикрларни билдиради: “Актёрнинг муайян бир сиймодаги



Хамкасблари билан кафедрада

нутқини таҳлил қилиш учун бизнингча транскрипция белгилари қўлланган мақсадини ифодалашда ожизлик қилади.

Актёр нутқидаги оҳангни транскрипцион белгилар билан тўла ифодалаб бўлмаслигининг асосий сабаблари куйидагича:

1. Нутқда умумийлик ва шахсий хусусиятлар қўшилган бўлиб, бунда актёрнинг ўзига хос талаффузидаги фарклантирувчи хусусиятларини очиб бериш мушкуллашади ва у умумий тил бирлигига қараб тортиб кетади.

2. Эҳтиросли оҳангнинг муҳим хусусиятларидан мусиқийликни (оҳангнинг жаранги ва товланиши), тембрини (товушнинг сифати), суръатни тўла ифодалаб бўлмайди.

3. Актёрнинг борлиқ ва воқеага муносабати (унда тутган ўрни, мақсади, интилиши, ҳолати, руҳий кечинмаси) очилмай қолади.

4. Сўз оҳангига эга бўлган товушлар ўзининг зарурий аксини топа олмайди.

5. Биз учун актёр талаффузидаги умумий тил бирлиги учун характерли белгилар эмас, балки муайян шароитдаги эҳтиросли нутқининг инъикоси зарурдир” – дейди [1, Б.51]. Бу фикрларни биз санъатшунос олим Абалкиннинг “Диалог с актёром” асарида М.Улянов, Р.Плят, И.Смоктунувский каби актёрлар билан бўлган суҳбатидан олинган муносабатларида ҳам кўрамыз.

Иноятилла Пўлатов А.Н.Островский номидаги Тошкент театр рассомлик санъати институтида Нина Ивановна Тимофеева раҳбарлигидаги “Драма ва кино актёрлиги” гуруҳини битириб, Самарқанд вилояти драма театрида ўз ижодий фаолитини бошлаганлар. Бу ҳақда сўраганимизда камтарликлари сабабми, чуқурлашишиб тафсилотга берилишни истамасдилар. Устоз талабалик даврини ёдга олганларида актёрлик маҳорати дарсида масъулият ҳиссининг эпкинни ва кучли ҳаяжони сабаб у яратаётган образ талқинида, бот-бот такрорлашларига қарамай ижро қилаётган монологининг ички ҳолатига бўйсинмаганидан кейин устози Нина Тимофеева ёш Иноятилла Пўлатовни табуретка устига чиқиб айтишини буюрганлари ва натижада монолог устози кутган даражада ички хатти-харакат, мақсад, муносабат уйғунлигида туғилганини гапириб берардилар.

Иноятилла Пўлатов ўтказган назарий-амалий машғулотларда талабаларни миллий, инсоний эътиқод, улардаги маънавий тарбиясига ҳам жонкуярлик билан ёндашиб, ўзбек саҳна нутқи мактабининг назарий ва амалий асосларининг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшган беназир олим, моҳир педагог, забардаст ижодкор, пок инсон сифатида ўзбек театр санъатида ёрқин из қолдирган.

Юксак ижро маҳорати намояндалари бўлган Аброр Хидоятлов, Шукур Бурхонов, Олим Хўжаев, Саъдихон Табибуллаев, Эмин Турдиев, Сора Эшонтўраева, Қудрат Хўжаев, Наби Раҳимов, Ҳикмат Латипов, Обид Жалилов, Зайнаб Садриева, Раззоқ Ҳамраев, Ҳамза Умаров Замира Хидоятлова, Яйра Абдуллаева каби кўплаб сахна санъатининг забардаст намояндалари ижодий фаолиятдан ибратли таҳлилий мушоҳадалари билан фаол ёритишдан чарчамасдилар. Ўз ўрнида бу катта илмга ва “Сахна нутқи” ўқув қўлланмасининг яратилишига асос бўлди.

У санъатшунослик фанлари доктори Тошпўлат Турсунов раҳбалигида театршунос ва нутқ мутаххасиси сифатида илмий тадқиқот олиб борган олим, Озарбайжоннинг Боку шаҳрида санъатшунослик фани бўйича номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилганлар.

“Сахна нутқи” кафедрасига етакчилик қилган даврда синов ва имтиҳонларда доимо ҳар бир талабанинг ўзига хос индивидуал хусусиятларини эътиборга олишга даъват этардилар. Кўрсатилган ҳар бир ижодий имтиҳон кўрикларидида талабалар ўзлаштирган амалий-ижодий кўникмаларнинг бетақдор, янгича ижодий изланишлар, турли топилмалар, фанга янгича ёндашишларга жуда эътиборли эдилар. Бу муносабат профессор Лола Хўжаева, Сотимхон Иномхўжаев, Зухра Олимжонова, Розия Усмонова, Ольга Суздальцеваларнинг синчков таҳлилларида ҳам акс этган.

Ўз ўрнида ҳар бир гуруҳ талабаларининг индивидуал имкониятларини сахна, кино, радио, телевидение, дубляж санъатининг ўта талабчан мезонлари асосида ижодий изланиш ва ёндашишлар, янги-янги топилмалар билан мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришга эътибор қаратардилар. Унинг театршунослик фани бўйича қизиқишлари санъатшунослик фанлари доктори, профессор Мамажон Раҳмонов, Тошпўлат Турсунов, Муҳсин Қодиров, фан номзодлари Сотимбой Турсунбоев, Тохир Исломов каби педагог олимлар сафида кўплаб илмий мақолалар ҳамда сўз санъатига бўлган қизиқиши туфайли Ўзбекистон халқ артисти Назира Алиева каби устозлар ёнида фаолият кўрсатиб, улардаги салоҳият, билим, тажрибани ўрганиб “Сахна нутқи” ўқув қўлланмасини яратиб нашрдан чиқарган.

Шогирдлари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Меҳриддин Раҳматов, Фотима Режаметова, Тамара Маҳкамбоева, Баҳодир Маҳкамбоев ва бошқа шогирдларининг бугунги кунда театр, кино ва дубляж санъатидаги ўрни, нуфузи нутқий ибратларида устози И.Пўлатовнинг педагогик фаолияти самараларини ҳис қиламиз.

Устознинг қатор шогирдлари томошабинлар меҳри ва ҳурматини қозонган етук ижодкорлар сафида театр, кино, радио ва телевидениеда ижод қилишмоқда.

Методикаси. Ёш ижодкорлар тарбиясида ишлаб чиқилган ва кенг тадбиқ қилинаётган ишларида талабанинг тўлақонли фикрлаши, нутқдаги равонлик, таъсирчанлик, овоз жаранги, талаффузидаги мукамалликка чуқур эътибор қаратилиши билан ажралиб турардилар. Устоз биз педагоглар томонидан тақдим қилинган ижодий кўрикларда нутқий техник ва сўз устида ишлаш жараёнларида доимий янгилик, ифодавий бетақдорлик, ижодий изланишлар асосида иш олиб боришга даъват қилардилар.

Нафас, овоз, талаффуз ва ифодавий таъсирчанликка йўнатирилган жонли сўз билан уйғун янги ҳаракатли пластик машқлар ишлаб чиқиш ҳамда уни қунт билан ўзлаштириш, нутқ маҳоратини шакллантириш, ўстириш, талаффузни чиниқтириш, унинг софлигига эришиш, машқларини ўзлаштириш ва мукамаллаштириш оқибатида томошабинлар тушунадиган, ҳис қиладиган тилда унинг бурро, аниқ, равон ва таъсирчан нутқда сўз қудрати ва ҳикматига эришишни сўрардилар.

Ҳар бир шахс мунтазам жиддий ва чуқур ўз нутқининг таъсирчанлиги, жозибаси, сеҳри, қудрати, мукамаллиги учун интилиши керак дердилар ва бунинг исботи сифатида Аброр Хидоятлов, Шукур Бурхонов, Олим Хўжаев ижро этган Гамлет, Алишер Навоий, Шох Эдип образларидаги нутқий қудрат, ундаги фикр, тафаккур ва ҳикмат таъсирчанлигини мисол қилиб ўзлари ҳам Гамлет монологларидан ижро қилиб берардилар биз бу фикр, ҳис туйғу муносабат билан йўғрилган монологларини чуқур ҳаяжон билан эшитганмиз.

Кафедрамиз ўқитувчилари албатта бу ибратли ижро намуналарини талабаларга етказишга интиларди. Зеро ҳаёт, инсон фаолияти, жамиятнинг тараққий этиши билимга, тараққиёт қонунларига боғлиқ экан буларнинг аксарияти сўз орқали англанади ва англантилади.

А.Сайфуддинов ўзининг “Адабий асар ва ижрочилик маҳорати” монографиясида “Ўзбек сахна нутқи педагогикасида содир бўлаётган камчиликлардан ҳам адабий асарлар тексти устида ишлаш жараёнида талабаларга асар ҳақида мавжуд тушунчаларни курук баён қилишдир.

Ўқитувчи томонидан бериладиган бу тайёр билим формал характерда бўлиб, профессионал тарбия кучига эга эмас. Чунки у талабаларнинг активлигини ошириш, фантазиясини кўзгаш ўрнига уларни пассивлик томон йўналтиради. Дастлабки, суҳбат ва қайта ҳикоялаш усуллари у ёки, бу материалнинг ижодий ўзлаштирилишига замин тайёрлайди, ўқувчини бадиий асарга формал, схематик ёндашишдан асрайди. Унинг ўз таассуротлари ва ҳаётий тажрибаларини адабий асарда баён этилган ҳодисалар билан таққослаш имконияти кенгайган сари адабий асарни ўзлаштиришга бўлган иштиёқи ҳам ўсиб, кучайиб боради” – дейди [3, Б.15].

Хулоса. Ижодий ижро жараёнларида инновацион ифода тизимларига эришиш йўлида фикрлаш, сўз хазинасини бойитиш, турли мавзулар, воқеалар, тафсилотлар, тасвирлар билан инсон нутқининг имкониятлари очилиб такомиллаштирилиб бориш асосида, устозларимиз қолдирган ўзбек сахна нутқи мактабининг ўзига хос тамойиллари, анъаналари, турли изланиш ва ёндашувларини бугунги кунда машғулотлар, турли бошқотирмалар, топқирлик синовлари ва турли машқлар билан тез-тез тўлдирилиб турилиши, кузатувчанлик, тасаввур маҳорати ва ўткир хотира, ижодий жараён ва истеъдодни бойитувчи манбалар сари етаклашимиз лозимлигини ҳис этамиз.

Бу ўз ўрнида бугунги кунда биздан айрим тавсиялар ва уни мустаҳкамловчи матнлар, тез айтишлар, мураккаблаштирилган бирикмалар устида ишлаш талабалардан синчков диққат, ноқулай вазиятларда изчиллик билан ишлаш, нутқ техникасини мустаҳкамлашга эришишни талаб қилади.

Маҳоратли педагог, раҳбар, театршунос олим И.Пўлатовнинг методикасининг ўзига хослиги ҳақидаги қанчадан қанча илиқ фикрлар айтиш мумкин. Аммо устоз тўғрисидаги маълумотлар камлиги туфайли таассуротларда муҳрланиб қолган энг муҳим хислатларини ва у киши билан бўлган воқеаларни ҳаёлдан ўтказиб ёзишга ҳаракат қилинди.

Шу билан бирга устознинг ёзган номзодлик диссертацияси асосида яратилган монографияси ва сафдошлари томонидан ёзилган ўқув қўлланмалардан манбалар олинди. Бу ҳам мақолини ёритишдаги асосий методик ёндошув дейиш мумкин.

Бугунги кунда баҳсли ва долзарб бўлган ранг-баранг ва мураккаблаштирилган бирикмалар, матнлар, тез айтишлар устида ишлаш ва уларни ўзлаштириш билан самарали натижаларга эришаётганлари, мураккаблаштирилган товушли бирикмалар, жаҳон драматургиясида яратилган сахна асарларидаги турфа атамалар талаффузи устида такрор-такрор ишлаш ва ўзлаштириш, талабалар гуруҳини қамраб олувчи воқеали тез айтишлар тузиш ва улар устида изчил ишлашни тақозо этади.

Комил инсон тарбиясида нутқий ифода ва унинг маънавий-тарбиявий тизимларини ишлаб чиқиш ва ҳаётга тадбиқ қилишдай эзгу мақсадга эришиш ҳамда уни ёшлар орасида кенг тарғиб ва тадбиқ қилиш, қанчалар долзарблигини англаш қийин эмас. Биз тарбиялаётган талабаларнинг нутқидаги нафас, овоз, талаффуз мукамаллиги баробарида, фикрлаш қобилияти табиийлиги, эркинлиги, фаоллигига эътибор қаратилиши йўлида катта тажрибага эга устозларимизнинг ёрқин ва ибратли йўли бизга ибрат намуналарини тақдим этади.

ИҚТИБОСЛАР

1. Пўлатов И. Саҳна нутқи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994.
2. Станиславский К.С. Собрание сочинений в восьми томах, том 3, –М., из «Искусство», 1955.
3. Сайфуддинов А. Адабий асар ва ижрочилик маҳорати. – Тошкент: “Фан” нашриёти, 1980.
4. Промтова И.Ю. Искусство сценической речи. Выпуск-3 –М., Издательство ГИТИС, 2022.
5. Алиева Н. Саъат менинг ҳаётим. (Қайта ишлаб, нашрга тайёрловчи) –Тошкент: 2019
6. Расулова А. Саҳна нутқи. –Тошкент: Муסיқа нашриёти, 2009.



SAHNA NUTQI FANINI RIVOJLANTIRISHDA USTOZLAR MEROSINI O'RGANISHNING DOLZARB MASALALARI

(Ilmiy-amaliy seminar materiallari to'plami)

KADIROV Ramz Turabovich

*O'zbekiston davlat san'at va madaniyat instituti
professori*

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10836508>

IFODALI VA BADIY O'QISH BO'YICHA SOTIMXON INOMXO'JAYEV METODIKASI

ANNOTATSIYA

Maqola “Sahna nutqi” fanining rivojida muhim ahamiyat kasb etgan “Ifodali o‘qish asoslari”, “Badiiy o‘qish asoslari” kabi asarlar muallifi, san’atshunoslik fanlari nomzodi, Sotimxon Inomxo‘jayevning soha pedagogikasida qoldirgan ilmiy merosi va dars o‘tishdagi o‘ziga xos metodikasiga bag‘ishlanadi. Asosan, bugungi yosh tadqiqotchilar uchun fanni o‘rganishda muhim manba hisoblangan asarlarning ahamiyati haqida so‘z boradi va metodikaga oid, talaba-aktyorlar uchun foydali ma’lumotlar hamda nutq ustida ishlash borasida qimmatli tavsiyalar keltiriladi.

Kalit so‘zlar: ifodali o‘qish, badiiy o‘qish, badiiy so‘z, aktyorlik mahorati, sahna nutqi, metodika, xatti-harakat, so‘z, talaffuz.

МЕТОДИКА САТИМХОНА ИНАМХОДЖАЕВА ПО ВЫРАЗИТЕЛЬНОМУ И ХУДОЖЕСТВЕННОМУ ЧТЕНИЮ

АННОТАЦИЯ

Статья представляет собой научное наследие Сатимхона Инамходжаева, кандидата искусствоведения, автора таких трудов, как «Основы выразительного чтения», «Основы художественного чтения», получивших значение в развитии науки «Сценическая речь». А его вклад в область педагогики посвящен собственной методологии. В основном говорится о значении произведений, которые сегодня считаются важным ресурсом для современных молодых исследователей в познании науки, даются полезные сведения о методологии, ценные рекомендации по работе над речью для студентов-актеров.

Ключевые слова: выразительное чтение, художественное чтение, художественное слова, актерское мастерство, сценическая речь, методика, действие, слова, произношение.

SOTIMKHAN INOMKHOJAYEV'S METHODOLOGY FOR EXPRESSIVE AND ARTISTIC READING

ANNOTATION

The article is the scientific legacy of Sotimkhan Inomkhoyev, candidate of arts studies, the author of such Fundamental works as "Expressive reading" and "Artistic reading", which gained importance in the development of the science of "Stage speech", and his contribution to the field of pedagogy, is devoted to its own methodology. Mainly, it talks about the importance of the works, which are considered an important resource for today's young researchers in learning the science, and gives useful information about the methodology, for students-actors valuable recommendations for working on the speech.

Key words: expressive reading, artistic reading, artistic word, acting skill, stage speech, behavior, word, pronunciation.

Kirish. Sahna nutqining fan sifatida tarkib topishi va rivojlanishida avvalo buyuk rejissor va aktyorlarimizning faoliyati, so'ng fundamental tadqiqotlarning xizmati beqiyos. Ular asosida fanning tarixi, nazariyasi, metodikasi va amaliyotiga bag'ishlangan monografiya, darslik va o'quv qo'llanmalar, xrestomatiyalar yaratildi. Rejissor Mannon Uyg'urning tajribasi, professor Nazira Aliyevaning tashabbusi, professor Lola Xo'jayevaning yondashuvlari evaziga o'zbek sahna nutqi maktabi an'analari shakllandi, sohadagi yangi tadqiqotlarga yo'l ochildi, ta'lim tizimiga mos fan dasturi tayyorlashga ehtiyoj tug'ildi. Bu jarayonda san'atshunoslik fanlari nomzodlari Inoyatilla Po'latov va Sotimxon Inomxo'jayevlarning izlanishlarini alohida ta'kidlash zarur. I. Po'latov 1969-yili "O'zbek sahna nutqining shakllanish va rivojlanish masalalari" mavzusida nomzodlik dissertatsiyasini himoya qilgan bo'lib, o'zining ilmiy ishida fanni yaxlit tadqiq qilgan. Sotimxon Inomxo'jayev esa nazariy-metodologik jihatdan fan uchun qimmatli 1973-yili "Badiiy o'qish asoslari", 1978-yili A. Zunnunov bilan hammualliflikda "Ifodali o'qish asoslari", 1982-yili "Notiqlik san'ati asoslari" kabi asarlar yozib qoldirdi [1].

Bugungi kun o'zbek sahna nutqi maktabida ham S. Inomxo'jayevning ilmiy merosidan pedagoglarimiz dars jarayonlarida keng foydalanadi.

Asosiy qism. S. Inomxo'jayev A. Zunnunov bilan hammualliflikda yozgan "Ifodali o'qish" kitobida o'qish san'ati turlarini tasniflaydi. Emotsional ta'sir etish pedagogik metodikasi – bu jonli so'z ijrochiligi san'ati metodikasidir. Uning o'z tematikasi va vazifalari bo'lib, turli ko'rinishga, ularning har biri o'ziga xos xususiyatlarga egadir.

1. Metodik o'qish – ajratib, urg'ulab o'qish.
2. Mantiqiy o'qish – mazmunga qarab o'qish.
3. Adabiy o'qish – grammatik va poetik qoidalar asosida o'qish.
4. Ifodali o'qish – tushunarli va ta'sirchan o'qish.
5. Badiiy o'qish – asarning ruhiga tamoman kirishish.

Ifodali o'qish san'ati ham ijrochilik xarakteriga egadir. U ham ijrochi, ham she'rxon deb ataladi. Ifodali o'qish san'ati – badiiy so'z ijrochiligining boshlang'ich asosi. Ifodali o'qish san'ati asosan she'rxonlikdan iborat bo'libgina qolmay, adabiyotning barcha turlarini qamrab olgan ijro yo'lidir. Ifodali o'qish san'ati – badiiy asarni o'qish va ijro etish orqali egallanadi. Ifodali o'qishda talaba-aktyor biror parchani yoki asarni o'qishdan oldin unda ifodalangan shart-sharoitni, muhitni aniqlab oladi va tinglovchida shu muhit haqida tasavvur uyg'otishga intiladi. Podsho saroyi, o'rmon, sinfxona. Turli sharoitda ijro turlicha bo'ladi.

Badiiy o'qish – emotsional ta'sirchan, estetik barkamol, badiiy yetuk jonli so'z san'atidir. So'z san'atida badiiy o'qiy olish darajasiga yetish uchun anchagina texnik, mantiqiy va emotsional asoslarni o'zlashtirish lozim.

"Sahna nutqi" pedagoglari fanni o'qitish uslublari sifatida S. Inomxo'jayevning "Ifodali o'qish asoslari" va "Badiiy o'qish asoslari" kabi asarlaridan hanuzgacha foydalanishining o'ziga xos sabablari bor.

“Ifodali o‘qish asoslari” o‘zbek adabiy tilining qonun-qoidalari asosida, ya’ni grammatik, leksik va fonetik xususiyatlari, tinish belgilari, gap qurilishi va so‘z mohiyatini o‘rganishga qaratilgan. “Badiiy o‘qish asoslari” esa ijrochilik bilan bevosita bog‘liq bo‘lib, mantiqiy fikrlash, tizimli ifodalash, sodda qilib aytganda, Stanislavskiy ta’kidlaganidek ko‘rish, eshitish, hid bilish, ta’m bilish, sezish kabi muhim jihatlar orqali so‘z xatti-harakatini o‘rgatishga qaratilgan.

Metodikasi. Tadqiqotchi S.Inomxo‘jayev artikulyatsion mashqlar nutq tovushlari, ya’ni (diksiya)ning aniq talaffuzi ta’minlanishi uchun muhim o‘rin tutushini ta’kidlab, bu mashqlar muntazam qaytarilib turishi lozimligini aytadi. Muhimi, artikulyatsion mashqlarda hech qachon zo‘rama zo‘rakilik, ortiqcha kuchanish, chiranishga yo‘l qo‘ymaslik, aksincha, mo‘tadillik, erkinlikni ta’minlab, mashqlarni eng oddiy, soddasidan murakkablari tomon muntazamlikda o‘zlashtirish, nutq organlarini chiniqtirish, o‘rgatish yo‘li bilan borish kerakligini, aks holda mashqlar zarar keltirishi ham mumkinligini yozadi. Mashqlar qo‘llash davri, miqdori, uslubi talaba-aktyorning individual imkoniyatlariga bog‘liq. Tabiiy nuqsonsiz talaba-aktyorlar uchun esa bu odmigina takrorlash, mavjud bilimdan xabardor bo‘lib, talaffuz organlarini mustahkamlab olish sifatida yengilgina o‘tib ketiladi deydi olim. Bu mehnat kamchiligi bor talaba-aktyorlardan kelib chiqib, xatto bir necha yillar davom etishi mumkinligi ta’kidlanadi.



*San‘atshunoslik fanlari nomzodi
Sotimxon Inomxo‘jayev*

Masalan: talaba-aktyorda R undoshni Y yoki L, S undoshni SH shaklida talaffuz etish yoki tish orasidan gapirish, F, V tovushlarini to‘liq va aniq talaffuzi yetishmovchiligida tadqiqotchi S.Inomxo‘jayev yuqori va pastki lablarni “yalash”, “tarash” mashqlarida lablarni navbatma navbat tishlar oralig‘idan siqib chiqarib, tishlar bilan lablarni “tarash” va lablar mushaklarida mo‘tadillik, erkinlik paydo bo‘lishiga erishish mashqlarini taklif etadi. Til bilan “yalash” tilni lablar ustiga chiqarib, lablarning quruq qismini xo‘llagandek aylantirilishi lablar asab tolalariga ijobiy ta’sir ko‘rsatishini aytadi. U lab, til, jag‘ mashqlari ketma ketliklarini oddiylikdan murakkabga qarab taklif kiritadi.

A. Lab mashqlari

1. Yuqori lab mashqi;
2. Pastki lab mashqi;
3. Birinchi va ikkinchi mashqlar navbatma navbat bajariladi;
4. Umumiy mashq (kavshash);
5. Yuqori labni “tarash” mashqi;
6. Pastki labni “tarash” mashqi;
7. Ikkala mashq navbatma navbat bajariladi;
8. Lablarni “cho‘chchaytirish” mashqi;
9. Lablarni “aylantirish” mashqi.

B. Til mashqlari

1. Tilni chiqarish va tortish mashqi;
2. Lablarni til uchi bilan “yalash” mashqi;
3. Yuzlarni til bilan “turtish” mashqi;
4. Tilni tishlar atrofida aylantirish mashqi;

V. Jag‘ mashqlari uchun eng sodda ammo hayotiy jarayonda uchraydigan holatlarni misol tarzida taklif etadi

1. Esnash mashqi;
2. Jag‘ni oldinga harakat qilish mashqi;
3. Jag‘ni ikki yonga harakat qilish mashqi;
4. Kavsh qaytarish mashqi.

Bu talaba-aktyorning o'z hayot tarziga sinchkovlik bilan nazar solishga o'rgatuvchi mashqlar sirasiga kiradi. Chunki tadqiqotchi yuqoridagi mashqlarni ko'zgu oldida bajarilishi o'ta muhimligini, aks holda mashqlar noto'g'ri, ortiqcha, bo'rttirishlar bilan bajarilayotganini sezmay qolishi mumkinligini ta'kidlab, mashqlarni ortiqcha kuch sarflamasdan, qomatni ko'tarib, ko'krak qafasini yozib, to'g'ri, erkin holda turish yoki o'tirish lozimligini uqtiradi.



Xamkasblari bilan

Talaba-aktyor sahna nutqi texnikasi bilan institutda ikki yil muntazam ustoz nazoratida yakka ish tartibiga asoslangan jadval asosida shug'ullanib, o'ziga yarasha, mehnatiga mos natijaga erishadi. Ba'zan viloyatdan kelgan talabalarda uchraydigan talaffuz meyorlari buzilishi hollariga ko'z yumishga to'g'ri keladi. Talaba-aktyor qiz yoki yigit o'ta ko'rkam, jozibali, sahnaga chiqqanining o'zida hali gapirmayoq kuzatuvchilarda yoqimli, sahnaga mos ekan degan tuyg'uni uyg'otadi.

Qo'shiq kuylash mahorati bilan "qoyil, bo'lar ekanku" deb xursand ham bo'lamiz. Ammo gapirish yoki to'rt qator she'r o'qishga kelganda she'va, lahja, mahalliy nutq, tovushlar poyma-poyligi, kelishiklar o'rinsizligi, noo'rin ishlatilishi hollariga duch keladi. Ayniqsa, Surxondaryo, Qashqadaryo, Samarqand viloyat maktablarini tugatganlar orasida ba'zan i tovushi o'rniga e, e tovushi o'rniga esa i tovushini ishlatish holatlari uchraydi.



Institut tadbirlaridan lavxa

O va o' tovushlarining noto'g'ri talaffuzi va yoki eng ko'p uchraydigan holat s-z-l-r tovushlarini chala yoki buzib talaffuz etish holatlari asosan nutq texnikasining diksiya va orfoepiya qismlari zimmasiga tushadigan ishlar turkumidandir. Bularni tuzatish, bartaraf etish uchun tovushlar ustida ishlaganda fonetika, filologiya, lingvistika, grammatika, orfografika, logopediya, orfoepiya kabi yo'nalishlarni anglash, tushunish, bilish, ko'nikma va malaka hosil qilish talaba-aktyorda beixtiyoriy, ya'ni o'ylab o'tirmay tabiiy, to'g'ri talaffuz etish mahoratini yaratadi. Aslida shu mahorat darajasi talaba-aktyorning davlat kirish imtixonlarida saralanadi. Ijro mahorati bor deb topilgan nutq egalarini ularga sahna nutqi maktabining sirlarini egallashda imkoniyati bor deb topilsa institutga qabul qilish uchun yuqori ball bilan baholanadi. Bu jarayonlarni teran anglagan S.Inomxo'jayev metodikaga jiddiy e'tibor qaratgan.

Dikson mashqlar – nutq tovushlaridagi nuqsonlarni bartaraf etish, talaffuzni aniq va yorqinlashtirish maqsadida uyushtirilgan ishlarga aytiladi. Masalan:

1. I-E-A-O-O'-U-I unililarni aniq, ravshan va adabiy talaffuz etish.
2. Har bir unli tovushni navbatma-navbat urg'u bilan aytish.
3. Unililarni kombinatsion talaffuz etish.

S.Inomxo‘jayev unli-undosh tovushlar ko‘p uchraydigan tez aytishlar, she‘riy-nasriy matnlar mashqlarini berib, ularni muntazamlikda olib borishni samarali deb bilgan. Bu yo‘lda quyidagilarni muhim hisoblagan:

1. Ovoz mashqlari doimo nafas bilan bog‘lab olib boriladi.

2. Natijaga erishish uchun, tana ayniqsa bo‘yin-bosh, tomoq-burun mushaklari, erkin, ozod, sokin holatda bo‘lishi kerak.

3. Butun tana erkin, mushaklarda siqqlik qolishiga yo‘l qo‘ymaslik zarur.

Pichirlab to‘liq ovoz, yarim ovoz, aks-sado tarzida bajarilishi tadqiqotchi S.Inomxo‘jayev tomonidan o‘ta mufassal ishlangan va shu kungacha asos vazifasini o‘tab kelmoqda.

Metodika mohiyatini adabiy tilni badiiy tilga, ya‘ni kitobiy-yozma nutqni hayotiy-sahna nutqiga aylantirish jarayonlarida ularning eshitalishi, yetib borishi, tushunarli bo‘lishi, ayniqsa ta‘sirchan bo‘lib, partnyor va tomoshabinni o‘z fikriga ishonтира olish yo‘llari va undagi ovozning o‘rni, intonatsiyasi haqidagi qimmatli uslublar tashkil etadi.

O‘g‘il yoki qiz talaba-aktyorga erkakcha gapirish vazifa bo‘lib, bu orqali chiyillab, ming‘illab, burun ostida gapirish, ochiq-yoyiq, shang‘illagan, yoqimsiz ovozlarda tarbiyalanadi. To‘g‘ri, talabaning o‘ziga yoki yon-atrofidagilarga erishroq, notabiiydek tuyuladi. Ammo shunday bo‘lsagina u mashqni vazifasini to‘g‘ri anglaydi, tushunadi va qo‘llay boshlaydi. Aks holda, u oddiy va hamma kabi gapirib, sahna nutqini chetlab o‘tadi. Bu mashq umrbod bajariladi. Shunda talaba o‘z ovozi bilan tabiiy do‘rillash, yoqimli bariton, bas paydo bo‘layotganini sezadi, ya‘ni “nar” ovoz shakllanadi.

Talaba-aktyor o‘z ona tili qoidalarini sahnaviy ijro pallasida sof saqlay bilishi zarur. Aks holda, go‘zal ijro, aniq, puxta, ishonchli poydevordan mahrumligi sezilib, to‘laqonli ijro, obraz yaratishda oqsoqlik, ishonchsizlik paydo qilib, avval miyada fikrlar chalkashi, so‘ng nutqda tutilish, to‘xtash, aniqlay olmay dudug‘lanish kabi hollar yuzaga kelib, talaba-aktyor nega?, nima uchun?, nima istab? bu matnlarni aytayotganini anglab yetolmay qoladi va bu tushunmay ijro qilishdek “sohtalik”ni, yuzakilikni paydo qilishi bilan xavfli bo‘ladi.

Xulosa va taklif. Sahna nutqi fanining taraqqiyotida Sotimxon Inomxo‘jayev kabi olimlarning ilmiy merosi, qoldirgan metodikasi qimmatli bo‘lib, sohaning kelajakdagi istiqbolini ta‘minlaydi. Ularni o‘rganish orqali anglash mumkinki, har bir unli va undoshlar o‘z o‘rni va bajaruvchi vazifasiga ko‘ra to‘g‘ri talaffuzda eshitalishining nazariy bilimlarini chuqur egallash zaruriyati ko‘rinmoqda. Ehtimol, tabiiy talaffuz jarayonida bu muammo tug‘dirmas. Ammo diletant ijro va san‘atning darajalarini farqlash bu talaba-aktyorning intellektini shakllantiradi va uni haqiqiy ziyoli, komil shaxs bo‘lib, to‘g‘ri shakllanishiga asos bo‘ladi.

Texnik mashqlar – adabiy matnlarda o‘z o‘rnini topishi va talaba-aktyor bu bilimni ijro jarayonida qo‘llay olish ko‘nikmasiga mustahkam, puxtaroq erishmog‘ini ta‘minlovchi amaliy jarayon. Bu jarayon ustoz-shogird an‘anasi, yakkama-yakka ishlash jarayonidagina samarali bo‘lishi ravshandir.

Ovozni tomoshabinga yo‘naltirib gapirish – bu tomoshabin qarshisiga kelib olib sahna oldida unga qarab ma‘ruza o‘qish emas, tasavvur qiling. Siz Hamlet rolida Laert bilan jang sahnasidasiz. Kurash hayot-mamot masalasi, qo‘lda qilich, sakraysiz, yugurasiz, qilgaysiz, qochasiz, bostirib borasiz, himoyalanasiz. Qilichlar to‘qnashib Laert ro‘parasida gapirasiz. Mana ovozning turlanishi, shu holatlarning barchasini o‘ziga xos ohang, intonatsiyasi, rang-baranglikda ovozni egilishi, o‘ynoqiligi holatlarni ishonarli baholash ishlarini bajarib, yana tomoshabinni unutishga haqqimiz yo‘q. Chunki bu ishlarni men aktyor o‘z partnyorim bilan tomoshabin uchun ishlayapman. Shunda sahnadagi aktyor sahnaga yon taraf yoki orqasi bilan turibdimi farqi yo‘q, uni ovozi sahnada tomoshabin zalining bosh qatoriga yetib borishi shart. Buning uchun ovozni parvozi, dona-dona holda va uzilmagan holda ishlatilish malakasi kerak bo‘ladi. Katta ustozlar ovozingni yo‘naltir emas, “ovozingni ot” sahnaga orqa qilib tursang ham. So‘zlarni o‘ng yoki chap tarafda tomoshabinga “ot” deb tushuntirishgan. Demak, ovozning mayinligi, yoqimlilik, uning baquvvatligi, erkak nar ovozlari og‘izni to‘liq gapirishni, “otish”ni bilishga zaruriyat tug‘diradi.

IQTIBOSLAR

1. S.Inomxo‘jayev. Badiiy o‘qish asoslari. – Toshkent: O‘qituvchi, 1973.
2. S.Inomxo‘jayev. A.Zunnunov. Ifodali o‘qish asoslari. – Toshkent: O‘qituvchi, 1978.
3. S.Inomxo‘jayev. Notiqlik san’ati asoslari. – Toshkent: O‘qituvchi, 1982.



SAHNA NUTQI FANINI RIVOJLANTIRISHDA USTOZLAR MEROSINI O'RGANISHNING DOLZARB MASALALARI

(Ilmiy-amaliy seminar materiallari to'plami)

ДЖУЛДИҚОРАЕВА Хатира Тастемировна
*Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
профессори в.б*
<https://doi.org/10.5281/zenodo.10836554>

МУСИҚАЛИ ТЕАТР АКТЁРИНИНГ САҲНАВИЙ НУТҚИНИ ТАРБИЯЛАШДА ЗУҲРА ОЛИМЖОНОВА ТАЖРИБАСИ

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада “Саҳна нутқи” кафедрасида фаолият олиб борган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, доцент Зухра Олимжонованинг илмий-ижодий ва педагогик фаолиятига тўхталиб ўтилади. З.Олимжонованинг мусиқали театр актёрларини тарбиялашдаги илмий-методик тажрибаси, амалий кўрсатмалари мақола мазмунини ташкил этади.

Калит сўзлар: нутқ, овоз, таълим, мусиқали театр, талаба, нутқ техникаси, сўз устида ишлаш, куй, ария, педагог.

ОПЫТ ЗУХРЫ ОЛИМЖОНОВОЙ В ВОСПИТАНИИ СЦЕНИЧЕСКОЙ РЕЧИ АКТЕРОВ МУЗЫКАЛЬНОГО ТЕАТРА

АННОТАЦИЯ

В данной статье речь идет о научно-творческой и педагогической деятельности Зухры Олимджоновой, заслуженного наставника молодежи Узбекистана, работавшей на кафедре «Сценическая речь». Научно-методический опыт З. Олимджоновой в воспитании актеров музыкального театра и практические указания составляют содержание статьи.

Ключевые слова: речь, голос, образование, музыкальный театр, ученик, техника речи, работа над словом, мелодия, ария, педагог.

THE EXPERIENCE OF ZUHRA OLIMJONOVA IN EDUCATING STAGE SPEECH OF MUSICAL THEATER ACTORS

ANNOTATION

This article is about the scientific, creative and pedagogical activities of Zukhra Olimdzhonova, an honored trainer of youth of Uzbekistan, who worked at the department of “Stage Speech”. The scientific and methodological experience of Z. Olimzhonova in the education of musical theater actors, practical instructions form the content of the article.

Keywords: speech, voice, education, musical theater, student, speech technique, word work, melody, aria, teacher.

Кириш. Театр санъатининг асоси актёрлик маҳорати ва режиссура бўладиган бўлса, унинг ўнг қаноти, асос таянчи сахна нутқи ҳисобланади. Актёрнинг асосий иш қуроли бу сўздир. Актёрнинг нутқидан чиққан ҳар бир сўз жарангдор, таъсирчан ва албатта мазмунан бой бўлиши катта устозлар томонидан бот-бот айтиб келинган. Театр ўзига хос сахнавий овозни талаб қилади. Айниқса мусиқали театрларда овоз ва нутққа алоҳида диққат қаратилади. Драматик ва сатирик театрларга нисбатан мусиқали театрда нутқ бироз мураккаб методикаларни ўзлаштириш орқали шакллантирилади. Мусиқали театрда нутқни тўғри шакллантириш ва мусиқий нутқни ҳосил қилишда катта тажрибага эга бўлган устозлардан билим олиш зарур. Негаки, бўлғуси мусиқали театр актёрлари мусиқадан сўзга, сўздан мусиқага ўтишдаги нозик жиҳатларни малакали устозлар кўмагида ўрганади. Мусиқали театр актёрлиги гуруҳларида сахна нутқининг ўқитилиши ва ўзлаштирилишида амалий кўмак берган устозларидан бири Зухра Олимжоновадир.

Зухра Олимжорова мусиқали театр актёрларининг сахнавий нутқини тарбиялашда узоқ йиллик тажрибага эга бўлган устоздир. Зухра Олимжорова маҳорат сирларини А.Н.Островский номидаги Тошкент давлат театр ва рассомчилик институтида устозларидан ўрганган бўлса, М.Т.Тошмухаммедов номидаги Қашқадарё вилояти мусиқали театрида иш фаолиятини мустақил равишда бошлаб, театр сахнасида турли ролларни ижро этиш орқали амалий тажрибасини мустаҳкамлаб борди. 1960 йили “Сахна нутқи” кафедрасига ўқитувчи бўлиб ишга кириши Зухра Олимжонованинг илмий ва педагогик соҳадаги изланишларига сабаб бўлди. Театр сирларини талабаларга ўргатиш асносида мусиқа ва сўздаги уйғунлик борасидаги қарашларини илмий-назарий асослаш орқали педагогик маҳоратини ошириб борди.

1964 йили институт қошида мусиқали драма театри актёрлиги бўлими иш бошлайди ва шу гуруҳларда амалий тажрибага эга бўлган устозлар сахна нутқидан дарс беради. З.Олимжонованинг мусиқали театрдаги тажрибаси амалда қўл келиб, бўлғуси мусиқали театр актёрлари нутқи устида ишлаш унга топширилади. З.Олимжорова бу вазифани тўла-тўқис оқлади. Эллик йиллик меҳнат тажрибаси давомида элимиз суйган қанчадан-қанча санъаткорларни тарбиялаб, уларга сахна нутқидан сабоқ бериб келди. Фақат Зухра Олимжоровагина узоқ йиллик меҳнат тажрибаси давомида фақат битта йўналишда меҳнат қилган устозлардан биридир. У фақатгина мусиқали театр актёрлиги йўналишларида дарс берган ягона устоздир. Негаки, бошқа устозлар бир қанча йўналишларда сахна нутқидан талабаларга сабоқ берган, турли гуруҳларда фаолият олиб борган бўлса, биргина Зухра Олимжорова битта йўналишда, яъни мусиқали театр актёрларини тарбиялашда тиним билмай меҳнат қилди.



Зухра Олимжорова

Энг муҳими у ҳар доим ўз касбига виждонан ва астойдил ёндашиб ишлади. З.Олимжонованинг маҳорати шундаки, у устозларидан ўрганган ҳар бир жиҳатни амалиётга тадбиқ қилди. Хусусан, Ш.Мағзумовадан олижаноблик, камтарлик, сахийлик, сахнага чиққанда, роль ўйнаётганда ўзидан келиб чиқишни, ҳар бир ижро меъёрда бўлиши лозимлигини, Л.Хўжаевадан сахна нутқи техникаси устида ишлаш йўлларини, сўз устида ишлаш сирларини, Н.Алиевадан эса ижрода миллийликни, сахна нутқи меъёрларини ўрганди. Умуман олганда сахна нутқи бўйича мутахассисга нимаики зарур бўлса, барча жиҳатларни ўзида мужассамлашга ҳаракат қилди.

Методикаси. З.Олимжорова мусиқали театр актёрларига сахна нутқини ўргатишда ўзига хос мактаб яратган педагогдир. Мусиқали театр актёрлиги гуруҳларида бир қанча педагоглар сахна нутқидан сабоқ берган, лекин ҳеч қайси бири З.Олимжоровадек мусиқали театр актёрларини ўқитишда алоҳида ёндашув қилмаган.

Устознинг “Муסיқали театр актёрларини тарбиялаш драма актёрини тарбиялашдан фаркли ўларок, муסיқани тушуниш, ундан фойдаланиш, драматик сўз ва сахна ҳаракатини бажара олишидан ташқари яна профессионал куйлаш салоҳияти ҳам талаб қилинади. Шунинг учун муסיқали театр актёрларини ўқитишда сўз, куй, жисмоний, психологик ҳаракатларни уйғунлаштириб олиб бориш керак.

Бинобарин, муסיқали театр санъати бўлимларида нутқ устида ишлаганда сўздан ашулага ўтишда ва аксинча, ашуладан нутққа ўтишда табиийликка эришишни сўзнинг ва куйнинг оҳангини бир-бирдан ажратмай, бир-бирига узвий боғлаб боришини назарда тутиш керак”, [1] деган фикрларидан шуни англаш мумкинки, муסיқали театр актёрларига таълим беришда ўзига хослик керак.

З.Олимжонова муסיқали театрда сахна нутқи ўқитилиши юзасидан илмий изланишлар олиб бориб, Республика матбуотларида илмий маъруза ва мақолалар билан қатнашиб келган. Меҳнат фаолияти давомида орттирган тажрибаларини умумлаштириб, ўқув қўлланмалар чоп этганки, бу бўлғуси театр актёрлари учун дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда [2].

Талабалар ва шу йўналишларда дарс берадиган ёш ўқитувчилар учун З.Олимжонова ва А.Тўлаганов ҳаммуаллифлигида яратилган “Сахна нутқи” ўқув қўлланмаси айнан муסיқали театр актёрлиги гуруҳларида сахна нутқи ўқитилиши бўйича асосий йўриқнома бўлиб хизмат қилмоқда. Мен шу ўринда З.Олимжонованинг эътибордан четда қолиб кетаётган, тўғрироғи талабалар қўлига етиб бормаётган битта китобига диққат қаратишни айтиб ўтмоқчи эдим. З.Олимжонова томонидан 2007 йили бор йўғи икки нусхада чоп этилган “Сахна нутқи” хрестоматияси муסיқали театр актёрлари учун ноёб адабиётдир.

Менинг назаримда талабаларнинг айримларигина бу китобнинг мавжудлигини билади, агар муסיқали театр актёрлари бу китобда сахна нутқидан олиб чиқадиган репертуарлар тўпламини ва энг муҳими адабий монтаж қилиниб, ижрога тайёр қилиб берилган асарлар жамланганлигини билишса, бу китоб аллақачон талаш бўлган бўларди. Ушбу хрестоматияда жамланган репертуарлар деярли муסיқали театр актёрлари учун асосий манбадир. Негаки, хрестоматияга жамланган асарлар адабий монтаж қилиниб, ижро учун тайёр ҳолда тақдим қилинган.

Педагог талаба вақтини унумли сарфлаши учун хрестоматияда асарларни осон ва қулай қилиб монтаж қилган ва бу билан талабага қулайлик яратиб берган. “Матнларни монтаж қилишдан кўзлаган асосий мақсад, ижрода яхлитликни таъминлашдир. Чунки асардаги матнлар муаллиф услубидан келиб чиқиб ишланади. Шу билан бирга талабанинг ижросида унинг сўз маҳоратини ўзлаштириш масаласи кўзланади. Шундай экан, биринчидан талабага воқеалар кетма-кетлигини ижро этишда қулайлик туғдирилади ва иккинчидан томошабинга асосий ғоя, мақсад ва айтмоқчи бўлган фикрни тўла-тўқис етказиб бериш, унинг дунёқарашига таъсир ўтказиш мўлжалланади”, [3] деган сўзларидан шуни англаш мумкинки, талаба ушбу хрестоматияда жамланган асарларнинг барчаси адабий монтаж асосида сахнага тайёрланганлиги ва педагог мустақил ижод қилувчи ижодкорларга асосий йўлланма берганлигининг гувоҳи бўламиз.



*Ўзбекистон давлат санъат институти ҳовлиси.
2007 йил 3 сентябрь. Янги ўқув йилининг
бошланиши муносабати билан тадбир. Хатира
Джулдиқораяева ва Зухра Олимжонова.*

Бу хрестоматияни кўлингизга олар экансиз, унда асотир ва ривоятлар, шеърӣй ва насрий асарлардан парчалар, мусикали парчалар, мусикали ва драматик монологлар ва диалоглар, мусикали композицияларлардан намуналарга кўзингиз тушади. Кафедрадаги ёш ўқитувчилар ҳам бу материаллардан фойдаланиши ва талабаларга йўлланма бериши, адабиётларни тавсия қилишида асосий манбаа бўлиб хизмат қилади.

Мусикали театр актёрлиги гуруҳларида адабий асарлар устида ишлаганда мусикий уйғунлик бўлиши, сўздан мусикага ўтганда нималарга аҳамият қаратилишини Зухра Олимжонованинг ушбу сўзларидан ҳам англаб олиш мумкин: “мусикали адабий парчаларни ишлаганда (ижро этганда) олинган асарлар, матнлар, воқеаларидан келиб чиқиб мусика кўшилади. Сўз ва мусика бир-бирини тўлдириши, яъни сўздан мусикага, мусикадан сўзга ўтиш жараёнида ижрода фикр мантиқдан узилиб ажралиб қолмаслиги шарт.



А.Н.Островский номидаги Тошкент театр ва рассомлик институти ҳовлиси. Зухра Олимжанова ва Аҳмаджон Тўлаганов билан. 2.09.1999 йил

Мусикий монологларда ҳам, сўз билан мусика (яъни айтиладиган ариялар) занжир-кўприк узлуксиз фикр орқали ижро этилиши талаб қилинади. Танланган асарларни ижро этганда, сўздаги хатти-ҳаракат, тасаввур, муомала, муносабат, ички фикр, сўз тагидаги фикрни аниқлаш, олий мақсад, етакчи – хатти-ҳаракат, ғоя каби сахна нутқи элементлари сингдирилади. Ушбу ўқув кўлланма (хрестоматия)нинг актёрнинг сўзга бўлган эътиборини мустаҳкамлайди. Унинг ҳис-туйғусини тарбиялайди”, [4] – дейди.

Афсуски, бу китоб кам нусхада бўлганлиги сабабли кутубхона фондида махсус сақланиб келинмоқда. Мен шу ўринда кафедра ва раҳбариятимиз бу китобни қайта нашрга беришини ва асл китобхонлар кўлига етиб боришини сўраб қолган бўлардим.

З.Олимжорова ҳақиқатдан мусикали театр актёрларини тарбиялашда бир қанча устозларга устозлик қилган педагогдир. Жумладан, кафедранинг доцентлари Рамз Қодиров, Шокир Юсупов, Баходир Магдиев, Умида Ибрагимовалар мусикали театр актёрларига сахна нутқидан сабоқ беришда З.Олимжонованинг методикасига таянади. Мен ҳам З.Олимжонованинг ҳамкасби, шогирди сифатида устоздан сабоқ олдим. Тўғри, З.Олимжоровага ўхшаб гуруҳларда халқона куй-кўшиқларни маромига етказиб ишлай олмагандирман, лекин улардан овоз устида ишлашда гекзаметрдан фойдаланишни, мусикий техник машқлар орқали талабаларнинг нутқини тозалаш, овозларини йўналтиришни ўргандим.

Мен ўз иш фаолиятимда Л.Хўжаевдан овоз йўналтиришни, З.Олимжоровадан эса сўз ва мусика уйғунлиги бўйича амалий кўрсатмаларни ўзлаштирдим. Шу боис ҳам бу иккала устозни педагогик фаолиятимнинг таянчлари деб биламан ва қадрлайман. Чунки Л.Хўжаева ва З.Олимжоровалар нутқнинг равон ва оҳангдор бўлишида унли товушлар ва орфоэпияга ниҳоятда катта аҳамият қаратгани менинг ҳам иш фаолиятимда ўз аксини кўрсатмоқда. Айниқса, З.Олимжорова мусикий техник машқларда унли товуш талаффузига алоҳида диққат қаратарди ва улар устида мукамал иш олиб боришни талаб қилганлари ҳали ҳамон эсимда.

“Муסיқали техник машқларни ишлаганда, фақат муסיқани ижро этиш эмас, сахна нутки фанидаги, нутқ унсурларини бажара олиш керак, яъни фикрлай олиш, мақсадни, матнни муסיқа оҳангида айтиш, тасаввур, муносабат, туб маънони очиш орқали ифода этиш керак”, [5] – деган фикридан ҳам шуни англаш мумкинки, устоз муסיқали театр актёрларини тарбиялашда муסיқа ва куй ёрдамчи восита эканлигини кўрсатиб ўтган. З.Олимжонова методикасида халқ кўшиқлари, лапарлари асосий ўринни тутуди, айнан халқона услуб орқали талабаларнинг нутки соф ва равон чиқиши таъминланса, иккинчи томондан муסיқий эшитиш лаёқати ва талабаларнинг фаоллиги намоён бўлади. Негаки халқ кўшиқлар ва лапарлари ижроси пассив жарангламайди, у қалбларга жўшқинлик, юқори кайфият бағишлайдики, шу билан бирга талабаларнинг қизиқувчанлигини ошади. Бу эса педагогнинг талаба билан ишлашда қандай репертуарларни танлашдаги амалий тажрибасидан бир мисолдир.

Бўлғуси актёр, айниқса муסיқали театр актёрининг эшитиш лаёқати кучли бўлиши керак. Эшитиш, эшита билиш актёрнинг юксак салоҳиятидан далолатдир. Эшитиш нафақат актёрлик маҳоратида балки сахна нуткида ҳам жуда муҳимдир. Ҳатто сўзсиз, психологик паузаларда ҳам талабалар бир-бирини эшитиши ва хис қилиши лозимлиги талаб қилинади. Чунки сукутда ҳам актёр гапириши ва буни хис қила олиши ўта муҳимдир. Лаёқатли ва диққати бор бўлган талабагина сукут ва паузаларда кечаётган хис-туйғуларни англаб етади. Шу боис эшитиш лаёқатини бир томонлама тушунмасдан, унинг нозик жиҳатларини англаш лозимлигини устоз Зухра Олимжонова бот-бот такрорлаб келган. “Эшитиш лаёқатини аниқлаш ва унинг имконияти, фазилатлари, камчиликларини белгилаш санъаткор ва талабалар фаолиятида катта аҳамиятга эга.

Ижодкор актёрлик санъати сўз, нутқ, нутқий муомала билан чамбарчас боғлиқдир. Нутқнинг энг нозик жилолари маъно ва сўз тагида ётган туб маъноларгача фарқлай билмаган, англай олмаган, эшита билмаган талаба жуда кўп тўсиқларга дуч келади”, [6] деб муסיқали театр актёрлари билан сахна нутки устида ишлаганда албатта муסיқий материаллар фикрнинг тўлақонли очилишига хизмат қилишини таъкидлаб ўтади. Негаки, муסיқали театрда намойиш этиладиган спектаклларда нутқ ва муסיқа уйғунлиги бирламчи ҳисобланади. Актёрлар сўздан муסיқага, мусиқадан сўзга ўтганида нутқда қийинчиликларга учрамаслиги учун талабалик йилларидан бошлаб сахна нутки дарс машғулотларида сўз ва муסיқа уйғунлигини техник машқлар орқали ўзлаштириб бориши талаб қилинади.

Ўқишни тамомлаб театрга борганида режиссёр томонидан берган вазифаларни тўлақонли ўзлаштириши, композитор ва дирежёрнинг кўрсатмаларини аниқ ва равон етказиб беришда ҳеч қандай муаммоларга учрамаслиги учун талабалик йилларидан бошлаб, сўз ва муסיқа уйғунлигига эришиши зарур дейлади: “... бўлажак актёрлар сўздан куйга ёки куйдан сўзга ўтишидаги фикрий ва бадийий узвийликни йўқотмасликларига эътибор қаратишлари лозим. Сўз ёки мусиқадан бирортаси кучсиз ижро этилса, сўздан куйга, куйдан сўзга ўтишда органик ҳолат бузилади. Ҳатти-ҳаракат изчиллиги йўқолади. Сунъийлик ва юзакилик пайдо бўлади, натижада бадийий уйғунлик вужудга келмайди. Уйғунликка эришиш даражаси аввало, актёр ижро маҳоратига бориб тақалади” [7] – деган танбеҳона сўзларидан ҳам билиш мумкинки, муסיқали театр актёри учун муסיқа қанчалик муҳим бўлса, сўз ҳам худди шундай аҳамият касб этади.

Хулоса. З.Олимжонова катта тажрибага эга бўлган етакчи мураббийлардан бири, “Сахна нутқи” кафедрасидаги ёш ўқитувчиларнинг энг яқин маслаҳатгўйи бўлган. Тажрибали ўқитувчи сифатида бўлажак муסיқали театр санъати соҳасини эгаллаётган мутахассисларга сифатли сабоқ берди. Дарс машғулотларини юқори савияда ўтказиш ҳамда талабалар ва ёш мутахассисларга методик кўрсатмалар беришдан асло чарчамади. Ёш ўқитувчиларга, хусусан менга ҳам доимо керакли маслаҳатларни бериб келган. Устоз бугун муборак 86 ёшни қаршилаган, анча кексайиб қолган бўлишига қарамай, кафедранинг ва устозларнинг ёрқин хотирлаб туради. З.Олимжонова маҳоратли педагог, ўз касбининг жонкуяр фидокори, энг муҳими муסיқали театр актёрларини ўқитишда методик мактаб яратган буюк устоздир. Устознинг минглаб шогирдлари бугун катта театр сахналарида, телевидение ва радиода ўз чиқишлари билан томошабинлар олқишларига сазовор бўлмоқда.

Ҳар йили қайсидир шогирлари албатта кафедрага келиб, устози З.Олимжоновани сўраб, эслаб кетади, айримлари ҳатто уйларига ҳам бориб, устозидан дуо олиб, ўз миннатдорлигини ифода қилиб кетишади. Қачонги шогирдлар устозларини эслаб, ҳурмат қилиб хотирлар экан, устозларнинг номи барҳаёт бўлаверади.

ИҚТИБОСЛАР

1. Алимжанова З.Ю. Тўлаганов А. Саҳна нутқи. –Тошкент: “Фан” нашриёти, 2005. Б-70
2. Ўша манбаа.
3. Алимджонова З. Саҳна нутқи. Хрестоматия. –Тошкент: ЎзДСИ, 2007. Б-8
4. Ўша манбаага қаранг. 7-8 Б
5. Ўша манбаага қаранг. Б-248
6. Санъат таълими. / Йилнома. IV жилд. – Т.: 2009. Б-230
7. Санъат таълими. / Йилнома. V жилд. – Т.: 2010. Б-73



SAHNA NUTQI FANINI RIVOJLANTIRISHDA USTOZLAR MEROSINI O'RGANISHNING DOLZARB MASALALARI

(Ilmiy-amaliy seminar materiallari to'plami)

ХОДЖИМАТОВА Махсума Кучкаровна

*Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
доценти*

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10836649>

РОЗИЯ УСМОНОВАНИНГ ИЖОДИЙ ВА ПЕДАГОГИК МАҲОРАТИ

АННОТАЦИЯ

Мақолада ўзбек сахна нутқи мактабининг жонкуяри, миллий санъатимиз ривожига катта ҳисса қўшиб келаётган театр ва кино актёрларининг устози, Розия Усмонованинг катта ҳаёт ва ижод йўли, театр санъати таълимига қўшган муносиб улуши ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: санъат, театр, телевидение, сахна, драма, иқтидор, тақлид, репертуар, персонаж, характер, темпо-ритм, нутқ.

ТВОРЧЕСКОЕ И ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО РОЗИИ УСМОНОВОЙ

АННОТАЦИЯ

В статье говорится о большом жизненном и творческом пути Розии Усмановой, мастера узбекской школы сценической речи, педагога актеров театра и кино, внесших большой вклад в развитие нашего национального искусства, и ее достойном вкладе в обучении театральному искусству.

Ключевые слова: искусство, театр, телевидение, сцена, драматургия, талант, олицетворение, репертуар, характер, , темпо-ритм, речь.

ROZIYA USMONOVA'S CREATIVE AND PEDAGOGICAL SKILL

ANNOTATION

The article talks about the great life and creative path of Roziya Usmanova, the lover of the Uzbek school of stage speech, the teacher of theater and film actors who have been making a great contribution to the development of our national art, and her worthy contribution to the education of theater art.

Keywords: art, theater, television, stage, drama, talent, impersonation, repertoire, character, character, tempo, speech.

Кириш. Юртимизда санъат ва маданият равнақига қаратилаётган юксак эътибор, турли ижод масканлари ҳамда санъат мактабларининг қурилиши ёш авлодни ҳар томонлама етук ва санъат руҳида тарбиялашда катта аҳамиятга эга. Устоз-шогирдлик анъаналарини мустаҳкамлаш борасида таниқли санъат усталари ва адабиёт намояндаларининг иштирок этишлари ўзининг ҳаётбахш намуналари билан барчамизни қувонтиради. Яқинда бўлиб ўтган президентимизнинг зиёлилар ва фаоллар билан бўлган учрашувда ҳам катта вазифалар кўйилди. Жумладан маънавий тарбияга эътиборни кучайтириш максатида нафакат ёшлар, балки ҳар бир соҳа ходимларининг ҳам театрга бориб спектакль кўришлари айтиб ўтилди [1].

Халқимиз санъатсевар халқ, уларнинг орасида иқтидорли инсонлар борки, улар оиладаги яхши тарбияни жамиятда эзгу ишлари билан ҳурмат қозониб, ҳар соҳада ибратли ва ҳавас қилгудек. Саҳна ва экран санъати пайдо бўлибдики, инсонларни мудом ўйлашга, ёмон иллатлардан узоқ бўлиб яхшилиқка чорлаган. Бунинг тарғиботчилари халқимизнинг пешқадамлари саналади. Шундай бир ноёб касб эгалари борки, улар жамиятимизда содир бўлаётган турли жараёнларга ақл ва қалб кўзи билан қарайдилар, теран мушоҳада ва мулоҳаза билан ақл тарозисида тортиб, одилонга муносабат билдиришда, ижтимоий фикрнинг миллий истиқлол ғоялари руҳида шаклланишига, комиллик сари интилишда ибрат бўла оладиган ижобий қаҳрамонларга эҳтиром, эъзоз уйғотишида халқимизга ибрат намуналарини кўрсатадилар ва халқ дарди билан яшайдилар. Булар санъаткорлардир, хусусан саҳна ва экран санъати усталари – режиссёрлар ва актёрлар.

“Саҳна нутқи” кафедрасининг фахрий устозларидан саналган Розия Усмонова ўзининг педагогик фаолиятида театр санъати таълими йўналишида ўқиб, бугунги кунда элимиз ардоғида бўлган бир қанча санъаткорларнинг табаррук устози ҳисобланади. Розия Усмонова 1939-йил 9-августда Тошкентда туғилган. Оиласида ва яқин қариндошлар орасида санъаткорлар бўлмаган. Лекин у опа-сингиллари билан албатта радио орқали анча кейинроқ эса телевизордан бериладиган адабий-бадий, мусиқий кўрсатувларга қизиқишлари, театр томошаларига боришлариданоқ уларда санъатга иштиёқ уйғонганини билса бўлади. Унинг актриса бўламан деган қатъий қарори “Бой ила хизматчи” спектаклини кўргандан кейин “кучга кирган”. Ўша спектаклда Жамила ролини Ўзбекистон халқ артисти Сора Эшонтўраева ижро этган эди.



Розия Усмонова

“Менинг Сора опага ихлосим баланд эди, - дейди Розия опа, унинг “Жамиласидаги” дардга, йиғи тўла титроқ овозига буткул мутаассир бўлганимдан, спектакль тугаб, уйга боргунча Жамиланинг овози қулоғимдан кетмай, роса йиғлабман, Абдулла Қодирий ибораси билан айтганда – анча кунгача “қилар ишимдан, борар йўлимдан адашганман” дейди [2].

Бу наздимизда театр санъатига яна бир ёш ошуфта қалбнинг кўшилганлигидан дарак берар балким... Мактабнинг 5-синфидан бошлаб А.Н.Островский номидаги пионерлар саройида Учкун Раҳмонов етакчилик қилган драма тўғарагининг энг қизиқувчан аъзоларидан бири бўлиб, саҳна санъатининг илк унсурларини ўрганишга интилган. Тўғарақда саҳналаштирилган “Абдулла Набиев” номли асарда Розия опа қаҳрамоннинг онасини, унинг ўғли – Абдулла Набиев ролини эса Арсен Исмоилов ижро этган. Кейинчалик улар институтда курсдош бўлдилар. Драма тўғарагидан ташқари бўлиб ўтадиган шеърят кечаларида иштирок этиб, ўша даврнинг таниқли шоирлари иштирокидаги мушоиралардан таъсирланиб, баъзан ўзлари ҳам шеърлар ёзиб турар эдилар.

“Шеърят кечасида таниқли шоирларнинг шеър ўқишларига қизиқиб баланд овозда, уларга тақлид қилар эдим. Эсимда, биринчи ёзган шеърим ватан мавзусида эди, “илк ижодимни” шундай ардоқлаб, ўзимча сайқал бериб, ён дафтаримга қайта-қайта ёзиб бағримда олиб юрардим. Институтга кириш ижодий имтиҳонида комиссиядан рухсат сўраб, ҳеч ўзимга сиғмай, биринчи бўлиб, шу шеърни ижро этганман” [2].

Балки шеърят ёзма насрдан аввал пайдо бўлганлиги, ундаги хис-туйғулар инсонни жумбушга келтириши ва сўз санъатига мафтун қилиши шундандир.

Шундай қилиб, ўрта мактабни битирган қаҳрамонимиз катта орзулар билан А.Н.Островский номидаги, Тошкент театр ва рассомлик санъати институтига, “Драматик театр ва кино актёрлиги” йўналишига ўқишга қабул қилинади. Розия опа институтдаги устозларини катта фахр ва эҳтиром билан ёдга олади. Булар Ўзбекистон санъат арбоби Тошхўжа Хўжаев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, доцент Абдурахмон Сайфуддинов ва катта ўқитувчи Михаил Фаттохов, Ўзбекистон халқ артисти, профессор Назира Алиева эдилар. “Тошхўжа Хўжаевдан актёрлик маҳоратини кунт билан ўргандим. Устозимиз ҳар биримизга ўзимиздан келиб чиқиб ёндашардилар. Шундан бўлса керак бизнинг курсимиздан театр ва кино санъатинг маҳоратли ва таниқли актёрлари етишиб чиққан. Актёрлик маҳоратининг “қон томири” ҳисобланган “Саҳна нутқи” фанининг яна бир забардаст жонқуяри, муболағасиз мен қатори кўп санъаткорларнинг “Онажон – устози” саналган Ўзбекистон халқ артисти, профессор Назира Алиевадан сўз санъати сирларини қизиқиш билан ўргана бошладим. Назира опа катта-ю, кичикка жуда эътиборли, меҳрибон билимдон, нозик табиатли ва зиёли аёл бўлган. Дарслардан ташқари уларнинг уйларида бориб ҳам вазифаларимни тайёрлар эдим.

Институтда бўлиб ўтадиган ижодий кечалар ва тадбирларда ҳам ижрочи, ҳам бошловчи сифатида иштирок этар эдим. Булар албатта Назира опанинг назоратлари остида бўлар эди. Менга сўз санъатининг “бадий ўқиш”, “бадий сўз”, адабий матн устида ишлаш ва унинг ижросини ўргатган устозим доцент, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Абдурахмон Сайфиддинов бўладилар. Кейинчалик педагогик ишларимда ҳам у кишидан айнан адабий матн устида ишлаш ва таҳлилни ўргандим. Мен барча устозларимдан миннатдорман. Охиратлари обод бўлсин” [2]. Бизга маълумки, санъат оламида устоз ва шогирд аъналарини бошқа соҳалардан кўра ўзгача, мураккаброқ кўринишда кечади. Чунки актёр ва режиссёрларга таълим-тарбия бериш жараёнида ҳар бир талабанинг имконияти, дунёқарashi, қизиқишлари, ижодий фантазияси, ички дунёси индивидуал ҳолда ўрганиладики, худди шу лаҳзалар талаба ижодкор хотирасида бир умрга сақланиб қолади, десам янглишмайман.

Шогирдлар касб сирларини мукамал эгаллашларида ва келажакда самарали ижод қилишлари учун устозлар қаттиққўл ва меҳрибон раҳбар ҳамда садоқатли дўст вазифасини бажардилар. Шундай қилиб, Розия Усмонова ўқиётган гуруҳ 3-курсга келиб, устозлари Тошхўжа Хўжаев бошчилигида “Ҳамза” (ҳозирги Миллий академик драма театри) театрига бириктирилди, Шекспирнинг “Юлий Цезарь” асарида оммавий саҳналарда ва бошқа спектаклларда ҳам иштирок эта бошладилар. Розия опанинг катта саҳнадаги биринчи роли О.Ёқубовнинг “Олма гуллаганда” асаридаги кичик бир персонажи бўлган. Шундан кейин талаба-актрисада саҳна санъатига иштиёқ янада ортиб кетади. Ўша даврда бўладиган декадаларнинг бирига Розия Усмонова “Юлий Цезарь” асари билан Москвага ижодий сафарга юборилган. Юқорида ўзлари айтганларидек гуруҳдошлари орасида миллий санъатимизда ўз ўрнига эга бўлган, унинг равнақи йўлида хизмат қилганлар сафида, Ўзбекистон халқ артистлари Ширин Азизова, Толиб Қаримов, Дилбар Исмоилова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тўғон Режаметов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи, Қорақалпоғистон халқ артисти, профессор Арсен Исмоилов.



*Розия Усмонова, Пўлат Саидқосимов,
Эркин Комилов*

Кейинги ижодий ишлари миллий театр сахнасида бўлди. Буни қарангки, орзулари бир олам, юраги сахна завқи билан тўлиб юрган гўзал Розияхоннинг ҳаётига уни зимдан кузатиб, унга кўнгилик куйган инсон кириб келди. Театр ва кино санъатининг маҳоратли актёри Пўлат Саидқосимов билан турмуш қурдилар.



Наврўз ва Халқаро театр кун муносабати билан таъкил этилган тадбирдан лавҳа. 2013 йил

Энди улар санъат оламининг қизғин жараёнларини биргаликда ижод қилиб давом эттиришди. Қўшқанотларнинг оиласида фарзандлар туғилди, икки ўғил бир қиз. Уларга чиройли тарбия бериб ўқитишди. Олий маълумотли, уйли – жойли қилишди. Бирин-кетин набиралар туғилишди. Фарзандлари санъат йўлини танламадилар. “Мен тақдиримдан, унинг берган неъматларидан Аллоҳхга шуқур дейман. Ота-онам, устозларим ва мени ардоқдаб ижодимга далда берган турмуш ўртоғим.

Муқаррамхон Онажоним, қайнона онажоним Ойнисахон оналарга ҳам таъзимдаман, айниқса, қайнона онамнинг мен институтдан ташқаридаги ижодий-педагогик ишларимни хотиржам бажаришимда роли катта бўлган албатта. Фарзандларимга ва менга жуда меҳрибон эдилар. Болаларга катта эътибор билан қарашни ва мактабга бориб келишларини ўз зиммаларига олганлар. Мен нафақа ёшига етгач, фарзандларим ва турмуш ўртоғим ёнида, кўпроқ бирга бўлиш учун, энг асосийси, бу пайтда анча кексайиб қолишган ҳар иккала онамнинг хизматларини қилиш учун, уйда қолишни лозим кўрдим. Севган касбимдан кетиш осон кечмаган. Қайнонамнинг оиламизга ва фарзандларимга кўрсатган меҳрларига менинг фарзандлик-келинлик жавобим шундай эди” [2].

Дарвоқе, фарзандлари санъат йўлини танламади дегандик. Лекин, набиралари орасида Нодирахон Мақсудхўжаева Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида ўқиб, ҳозирда Ўзбекистон телевиденияси ”Дунё бўйлаб” каналида режиссёр ёрдамчиси бўлиб ишламоқда. Яна бир набиралари Пўлатхўжаев Азаматсаид шу институтнинг кино операторлик йўналиши талабаси. “Набиралар бизнинг жону-дилимиз дейдилар Розия опа, набирам Азаматсаид мен билан фильмда суратга тушди. У Зулфиқор Мусоқовнинг “Қовун” ва Саид Мухторовнинг “Ўқинч” фильмларида суратга тушган. Бобосининг издошлари борлигидан кўнглим таскин топгандек бўлади. Мен уларга қайси касб эгаси бўлманг, уни пухта эгаллашга ҳаракат қилинг, яхши инсон бўлинглар дейман” [2].

Устоз Назира Алиева Розия опанинг актёрликдан ташқари педагогик лаёқати борлигини сезиб, ўқитувчилик лавозимига ишга олган. Розия Усмонова ушбу жараённи кўзида ёш билан шундай хотиралайди; “мени тақдир санъат остонасига келишимда шундай забардаст, қайноқ қалб устозлар билан сийлаган бўлса, қарангки, шу касбга бўлган иқтидоримга эътибор қаратган устозим мени ўқитувчиликка ҳам лойиқ кўрдилар. Ўқитувчилик фаолиятимни биринчи бўлиб Назира Алиева билан бошлаганман. Айтишим керакки, мен устозим билан умрларини охиригача бирга бўлдим. Энди менинг зиммамда устозлик масъулияти турар эди. Назира опа талабаларга берган вазифаларини ёзиб олиб, уйда тайёргарлик кўриб келар эдим. Бу жараён ўқиш давримдан бир мунча кўпроқ изланиш ва ижодкорликни талаб этар эди. Ҳар дарсда талабага янгилик айтиш учун, унинг репертуаридаги бадиий асарни таҳлил қилиш учун аввал ўзим ўқиб чиқишим, асар ва унинг ғояси, персонажларнинг мақсадларини ва характер чизгиларини талабага таъсирчан тарзда еткази билиш лозим эди. Бунинг учун бадиий адабиёт, шеъриятни кўп ўқир эдим. Ўзбекистон телевидениесида “Бўстон” тележурнали туркум кўрсатуви бошловчиси, “Назм ва наво”, “Жаҳоннинг буюк композиторлари” мусиқий-адабий кўрсатувларида ижрочи ва бошловчи сифатида ишлар эдим”[2].

Розия опа телевидениенинг ўша пайтдаги раҳбари Ганжа Ёқубовнинг таклифига биноан ёш диктор ва бошловчиларга нутқ санъатидан дарс берганлар. Буни кафедрамиз доценти, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Муслимбек Йўлдошев шундай эслайдилар: “Розия опа биз, Ўзбекистон телевидениеси дикторлари гуруҳига нутқимизда учрайдиган муаммоларни бартараф қилиш юзасидан машғулотлар ўтган. Қарангки, собиқ иттифок даврида ўзбек тили софлиги, диктор ва шарҳловчилар нутқлари тозаллиги масаласига ҳозиргидан кўпроқ эътибор бериларди. Академик, филология фанлари доктори, профессор Алибек Рустамов, Филология фанлари доктори, профессор Ҳисомиддин Ғуломов каби йирик мутахассислар ушбу ишга жалб этилар. Улар келиб, дикторларимиз ва бошқа бошловчиларга маҳорат сабоқлари ўтишарди, бадиият, аруз вазни хусусида билимлар беришарди. Ана шу жараёнда Розия Усмонова ҳам маълум кунларда нуқсонлари бор суҳандонлар устида жиддий ишлар, дикторлар гуруҳи аъзоларининг равои гапиришларига эришиш йўлида жон куйдирар эди. Бу ерда нафас машқлари, овоз ва қайтаргичлар масаласи, артикуляциядаги камчиликлар устида ишлаш каби машғулотлар ўтар эди” [3].

Шу кезларда Розия Усмонова ҳам “Саҳна нутқи” билимдони, ҳам телевидение ва радиодаги ижодлари таъсирида микрофон ва телекамералар билан ишлаш устаси эканлиги яққол кўриниб турарди. Қаҳрамонимиз шунингдек, Ўзбекистон радиосининг адабий-бадиий, мусиқий эшиттиришларида ҳам ижод қилган. Радио спектаклда Ўзбекистон халқ артисти Ҳамза Умаров – Раҳбар, Розия опа – Надежда Крупскаяни ролини ижро этган. Болалар учун “Бор эканда, йўқ экан” эшиттиришида тажрибали ва таниқли актёрлар, Ўзбекистон халқ артистлари Марям Ёқубова, Рауф Болтаев, Жўра Тожиевлар билан ижодий фаолият юритган. Радио эшиттиришларга уни, устози Абдурахмон Сайфиддинов таклиф қилган. Микрофон билан ишлаш, ўзига хос бўлган радио ёзувга тайёргарлик кўриш ва уни ижро этиш йўлларини ҳам Абдурахмон Сайфуддиновдан ўрганган.

Розия Усмонова Тошкентдаги маданий-оқартув техникумида (ҳозирги маданият колледжи) ҳам ўқитувчилик қилган. Шу йиллар ичида “Республика кўзи ожизлар жамияти”да бадиий асарларни мутолаа қилувчи суҳандон сифатида ишга таклиф этилади. Розия Усмонованинг ижодини кузатиб юрган мутасаддилар институт раҳбариятидан сўраб олишади. Шундай қилиб, Розия Усмонова ташкилотда кўп йиллар самарали меҳнат қилади. Ўзбекистон халқ ҳофизини, профессор Оролмирзо Сафаров ҳам ўша таъсирли сўз санъатига шайдо бўлган Розия устознинг тингловчиси бўлган. Институтдан ташқари қилган барча ижодий ишлари “Саҳна нутқи” мутахассиси бўлиб етишишида катта амалиёт вазифасини ўтаган. 1980-йилда институтдаги бир гуруҳ ёш ўқитувчилар билан Россиянинг Санкт - Петербург шаҳридаги малака ошириш курсида ҳам таҳсил олганлар. Ўқитувчилик фаолиятининг бошланишида фақат драматик театр ва кино актёрлиги талабаларига устозлик қилган бўлсалар, кейинчалик, мусиқали театр актёрлиги, қорақалпоқ гуруҳларида ҳам дарс бера бошладилар.

Асосий қисм. Методика. “Саҳна нутқи” фанини ўқитиш жараёнида Розия Усмонова асосий эътиборни талабаларга биринчи бўлиб, сўз санъатининг пойдевори бўлган саҳна нутқи техникасини мустаҳкамлашга қаратган. Ранг-баранг ўйинли, халқона матнлар билан машқларни уйғун ҳолда, мақсадга йўналтириб ўтарди. Бу жараён биринчидан, талаба-актёрнинг нутқидаги айрим камчиликларни тузатса, иккинчидан мақсадли ўйинлар ижрога етакларди. Масалан, у тез айтишлар билан буладиган жараённи ўқув қўлланмага киритиб шундай методик тавсия беради: “Талаба мақсадни қанчалик аниқ бажара олса, шунчалик унинг нутқида товушлар ўз кенглигига, софлигига эга бўлади, нутқий нуқсондан сезиларли кутила боришга замин ҳозирлайди” [4, Б.6]. Кейинги босқичда шеърят ва адабий парчалар устида ишлашда ҳам, талабанинг имкониятидан келиб чиққан ҳолда репертуар танлашга эътибор қаратар эди. “Ўзбек ва жаҳон адабиётининг сара асарларидан ишлашни яхши кўрардим. Булар Алишер Навоий, Бобур, Жалололдин Румий, Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор, Чингиз Айтматов, Саид Аҳмад, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Уйғун, А.П.Чехов, Л.Н.Толстой, А.С.Пушкин. Кечагидек эсимда, Ўзбекистон халқ артисти Матлуба Дадабоева 3-курсда ўқиётган, унга Султон Акбарийнинг “Гирдоб” асаридан парча танланган.

Тажрибали устоз Сотимхон Иномхўжаев бу асар Матлубага бироз оғирлик қилади дегандилар. Лекин Матлуба кўп изланди, асар тахлили жараёнида ҳам фаол бўлди, парча ижросини кафедрага тақдим этишда маромига етказиб ижро этганлиги учун устозларимдан олқиш олганман. Марҳум, театр ва кино актёри Алишер Ҳамроев ҳам сахна нутқи фанини яхши кўрарди. Кириш имтихонида ундаги Бухоро шеvasига оид камчиликларни тузатиш вазифаси қўйилган эди. Ўқиш давомида у ўз устида масъулият билан кўп ишларди.

Алишер институтни битириб, Миллий театрига ишга борганида ҳам тез-тез бориб унинг ижодидан, ўзидан хабар олиб турардим. Ўз фарзандимдек яхши кўрардим уни. Афсуски бу оламдан у эрта кетди. Театр ва кино экранларида маҳорат билан ижро этган роллари қолди. Талабаларим орасида В.Яхонтов номли бадиий сўз танлови ғолиблари ҳам бўлган. Актёрнинг маҳоратини чархлайдиган, талабанинг кўз илғамас нозик қиррасини очишда бадиий матн етакчилик қилиши сир эмас. Бу жараённи ҳам устозим Абдурахмон Сайфуддиновдан ўргандим. Кейинчалик адабий матнлар устида ишлашда мен тахлилий жараёнга кўп эътибор қаратганман” [2].

Бадиий матннинг илк босқичлари устида ишлаш жараёни нутқ техникасининг турли қатламларини камраб олиши, ифодада аниқлик, равонлик, таъсирчанликка эришиш, муносабат ва нутқий темпо-ритм мукамаллигига эришишда, ижрочининг диққати, матнга кунт билан ёндашиши баробарида унли ва ундош товушлар доирасида ҳам тез ва соз, тушунарли, аниқ, равон талаффуз қилиш масъулиятини юклайди. Ҳар бир бадиий асарда муаллиф ғояси ва бадиий сўз ижрочисининг қарашлари уйғун келиши лозим. Бадиий асар ижросида актёр-бадиий сўз ижрочиси бевосита тингловчилар билан мулоқотга киришиши керак. Яъни, у аввало, нима демоқчи эканлигини англамоғи ва уни кимга етказаетганини аниқ билиши лозим. Бу усулдан нафақат сахнада, балки радио ва телевидениеда ҳам фойдаланилади. Умуман олганда, талабаларни ўқиш мобайнида танланган бадиий асарлар, айниқса мақол, ҳикматли сўз, фардларда унинг тарбиявий аҳамияти ва таъсирчан ибрати бўлиши керак. Уларга аввало, яхши инсон бўлишларини, касбга садоқатни, каттага ҳурмат, кичикка иззат қилиш каби ҳалқимизга хос бўлган фазилатлар эгаси бўлишларини уқтирган. Шогирдларининг кўчилиги санъат йўлидан кетиб халқимиз эътирофига сазовор бўлди. Уларнинг орасида санъат таълими педагогикасини танлаганлари ҳам бор.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи, профессор Мунаввара Абдуллаева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор Жўра Маҳмудов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи, профессор Ҳамида Маҳмудова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, режиссёр Олимжон Салимов, доцент Башорат Бобоназарова, улар қатори яна санъат масканларида раҳбарлик қилаётганлари ҳам бор. Ота-она фарзанди ютуғидан қандай қувонса, устоз ҳам берган таълим-тарбияси мевасидан қувонади, меҳнати зое кетмаганидан кўнгли таскин топади. Розия Усмонованинг устозлари Назира Алиева, Абдурахмон Сайфиддинов, Сора Эшонтўраевалар билан сабоқ берган талабалари бугунги кунда элимиз ардоғидалар. Улар – Ўзбекистон халқ артистлари Ёдгор Саъдиев, Гавҳар Зокирова, Баҳодир Йўлдошев, Матлуба Дадабоева, Ўткир Сиддиқов, Дилбар Икромова, Малика Ибрагимова, Саидқомил Умаров, Нажмиддин Ансатбоев, Дилором Каримова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Қорақалпоғистон санъат арбоби, профессор Бахтиёр Сайфуллаев, режиссёр Рустам Тўраев, санъатшунослик фанлари номзоди, доцент, Ойбек Вейсал, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Жамшид Зокиров, Фотиҳ Жалолов, Фатхулла Маъсудов, Тоҳир Саидов, Ботир Муҳаммадхўжаев, Учқун Тиллаев, Раҳматилла Мирзаев, Шоҳида Узоқова, Шоҳида Исмоилова, Шуҳрат Қаюмов ва яна кўплаб номлари зикр қилинмаганлари бор. Розия Усмонова томонидан “Сахна нутқи кафедрасига “Нутқ санъатида тез айтишнинг аҳамияти” номли театр санъати олий ўқув юртлари учун қўлланма ёзиб қолдирилган. Шу кунгача кафедра ўқитувчилари, ёшлар ушбу қўлланмадан фойдаланиб келишади. Тез айтиш устида ишлашга оид методик тавсияларни дарсларига тадбиқ этишади. Розия Усмонова институтда кўп йиллар самарали меҳнат қилиб, миллий санъатимиз равнакига ўзининг салмоқли улишини қўшибгина қолмай, унинг издошлари бўлган шогирдлари ҳам сидқидилдан хизмат қилиб келишмоқда.

Розия Усмонова нафақа ёшига етгани, оиласида фарзандлари, набиралари қуршовидаги кексалик гаштини сураётганида, кино ижодкорлари фильмга таклиф қиладилар.

Жумладан, режиссёр Мирмақсуд Охуновнинг “9 ой” бадиий фильмида Она, режиссёр Жаҳонгир Қосимовнинг “18-квадрат”ида Она, режиссёр Зулфиқор Мусоқовнинг “Қовун” фильмида Она, Саид Мухторовнинг “Ўқинч” фильмида Она, режиссёр Абдухалил Мингноровнинг “Ҳаёт жилвалари” фильмида Аёл, режиссёр Замира Бегимқулованинг “Туташ тақдирлар” телесериалида меҳрибон Бувижон ролларини маҳорат билан ижро этдиларки, ўзбек аёлининг нурли юзи, меҳр тўла кўзи томошабинни ўзига жалб этмай қўймайди.

Бир вақтнинг ўзида Ўзбек Миллий академик драма театри сахнасида намойиш этилган, режиссёр Т.Азизовнинг Иззат Султон ва Уйғун асари “Алишер Навоий” драмаси, режиссёр А.Хожиқулиевнинг Алишер Навоий асари асосида сахналаштирилган “Лисон ут тайр”, режиссёр Марат Азимовнинг Уйғун қаламига мансуб “Зебунисо” яна бошқа спектаклларда нутқ бўйича маслаҳатчи бўлганлар. Бу эса сахна асарининг тўлақонли чиқишида, таъсирчанликни оширишда нутқ мутахассиси борлиги, унинг назорати катта кўмак беради.

Хулоса. Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, юқорида келтириб ўтганимиз, санъат соҳасида устоз ва шогирдлик анъанаси бошқа соҳалардан бир мунча мураккаблиги театр санъати педагоглари талабага унинг ички имкониятини, лаёқатини, характеридаги кичик унсурларигача ўрганиб, меҳр бериб, баъзан дўстона ёндашиб, орзусидаги ижрони юзага чиқаради. Бир қараганда бу шунчаки, ўқитиш ёки ўргатишдек туюлади. Аслида театр санъати таълими педагоглари инсон ва унинг ўзига хос бўлган тафаккур олами, ижодий орзусини рўёбга чиқаришдек машаққатларни босиб ўтувчи касб эгалари ҳисобланадилар.

Бугунги кунда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти “Сахна нутқи” кафедрасида олиб борилаётган илмий-ижодий ишлар, кафедра устозлари анъанасига мувофиқ тарзда олиб борилмоқда. Ўқув дастурларини тузишда ундаги ёритиладиган мавзуларнинг назарий ва амалий жиҳатлари батафсил кўриб чиқилади ва ўқув жараёнига тадбиқ этилади. Ҳар семестр якунидаги кўрикларда кафедра ўқитувчилари иштирок этиб, батафсил муҳокама қилиб, дастурда белгиланган мавзуларни талаба-актёр қандай ўзлаштиргани ва бунда ўқитувчининг ўзига хос методик ёндашувлари, изланишлари ўрганилади.

Институтда кўп йиллар давомида актёрлар, режиссёрлар тайёрлашга хизмат қилиб, ҳозирда кексалик гаштини сураётган устозларнинг илмий-ижодий ҳамда методик тажрибаларини доимий ўрганиб бориш, шунингдек бу тажрибаларни ўз фаолиятида қўллаш муҳим масаладир. Институтда ўтказиладиган байрам тадбирларига, илмий анжуманларга фахрий устозларни таклиф этиш, уларнинг ҳурматини жойига қўйиш, қолаверса, суҳбатлар ташкил қилиш ҳам бизнинг зиммамиздаги вазифалардан ҳисобланади. Зеро, ўзбек адабий тилининг соф ва раволиги, унинг ўзига хос жаранги, мазмунан бой, мантиқан пойдорлигини келгуси авлодларга муносиб тарзда етказиш учун ўзбек сахна нутқи жонқуярлари мудом бедор изланишлар оламида бўлиши виждоний бурчимиз, бўлгуси актёр ва режиссёрлар тайёрлашдаги саъй-ҳаракатларини эса юрак даъвати сифатида ҳис этишимиз лозим. Табаррук ёшдаги устозимиз Розия Усмоновага яна кўп йиллар сафимизда бўлиб, узоқ умр кўришларини тилаймиз. Фанни ўқитишдаги яна кўплаб услубий-амалий ишлари борки, уни ўрганишда давом этамиз.

ИҚТИБОСЛАР

1. 2023 йил 22-декабр куни Президент Шавкат Мирзиёев Республика маънавият-маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши.
2. Розия Усмонова билан 2024 йил 15 январда ўтказилган суҳбат.
3. Муслумбек Йўлдошев билан 2024 йил 21 январда ўтказилган суҳбат.
4. Усмонова Р. Нутқ санъатида тез айтишнинг аҳамияти. – Тошкент: 1995.
5. Бобоназарова Б. Устозга таъзим // Театр. 2021 йил №2.
6. Алиева Н. Санъат менинг ҳаётим. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашрети, 1975.
7. Алиева Н. Санъат менинг ҳаётим. Қайта нашр. – Тошкент: Наврўз, 2020.
8. Сайфиддинов А. Адабий асар ва ижрочилик маҳорати. – Тошкент: “Фан” нашрети. 1980.
9. Тошпулатова М. Пўлат Саидқосимов: актёр ролини ўзи билан олиб кетиши керак// Жаннатмакон, Апрель-Май. 2004 йил.



SAHNA NUTQI FANINI RIVOJLANTIRISHDA USTOZLAR MEROSINI O'RGANISHNING DOLZARB MASALALARI

(Ilmiy-amaliy seminar materiallari to'plami)

ЖУМАНОВА Дилрабо Қадамбоевна

*Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
катта ўқитувчи*

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10836676>

ЎКТАМХОН НУРМУҲАММЕДОВАНИНГ ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТИ ВА САҲНА НУТҚИ РИВОЖИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада “Саҳна нутқи” кафедрасида узок йиллар давомида талабаларга “Саҳна нутқи” фанидан дарс бериб келган устоз Ўктамхон Нурмуҳаммедованинг илмий-ижодий ва педагогик фаолиятига тўхталиб ўтилади. Ў.Нурмуҳаммедова 45 йилга яқин педагогик фаолияти давомида ўзига хос ўқитиш услубини яратган устоздир. Қолаверса, устознинг ёш ўқитувчиларга тавсия қилган методик кўрсатмалари мақоланинг асосий мазмунини ташкил этади.

Калит сўзлар: театр, нутқ, методика, тажриба, овоз, нафас, устоз, педагог, шогирд, диапазон, кўғирчоқ, имитация, ширма.

ВКЛАД УКТАМХОН НУРМУҲАММЕДОВОЙ В ПЕДАГОГИЧЕСКУЮ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ И РАЗВИТИЕ СЦЕНИЧЕСКОЙ РЕЧИ

АННОТАЦИЯ

В данной статье речь идет о научно-творческой и педагогической деятельности преподавателя Октамхан Нурмухаммедовой, которая на протяжении многих лет преподает студентам предмет «Сценическая речь» на кафедре «Сценическая речь». О. Нурмухаммедова – педагог, создавшая за 45 лет педагогической деятельности уникальный стиль преподавания. Кроме того, основное содержание статьи составляют методические указания, рекомендуемые учителем молодым учителям.

Ключевые слова: театр, речь, методика, опыт, голос, дыхание, учитель, педагог, ученик, диапазон, кукла, подражание, ширма.

THE CONTRIBUTION OF OKTAMKHON NURMUKHAMMEDOVA TO PEDAGOGICAL ACTIVITIES AND THE DEVELOPMENT OF STAGE SPEECH

ANNOTATION

This article is about the scientific, creative and pedagogical activities of teacher Oktamkhan Nurmukhammedova, who has been teaching students the subject “Stage Speech” at the Department of “Stage Speech” for many years. O’Nurmuhammedova is a teacher who, over 45 years of teaching activity, has created a unique teaching style. In addition, the main content of the article consists of methodological instructions recommended by the teacher to young teachers.

Keywords: theatre, speech, methodology, experience, voice, breathing, teacher, educator, student, range, doll, imitation, screen.

Кириш. Доцент Ўктам Нурмухаммедова 1944 йилнинг 9 ноябрида Тошкент шаҳрида зиёлилар оиласида таваллуд топган. Ёшлиқдан театр санъатига қизиқиши кучли бўлган, шу сабабли педагогика институтида таҳсил олишига қарамасдан, 1963 йили А.Н.Островский номидаги театр ва рассомчилик институтининг “Драма ва кино актёрлиги” йўналишига (кечки таълим) ўқишга киради. Бир вақтнинг ўзида икки институтда ҳар тамонлама билим ола бошлайди. Санъат сирларини устозлари Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист, профессор Арсен Исмоилов, Ўзбекистон санъат арбоби, профессор Маҳкам Муҳаммедов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, доцент Абдурахим Сайфиддинов, санъатшунослик фанлари номзоди Сотимхон Иномхўжаевлардан ўрганиб, соҳанинг мутахассиси бўлиб шаклланади. Олийгоҳда таълим олиш давомида бир қанча ролларни ижро этиб, билим ва малакаларини ошириб борди.

Ўктам Нурмухаммедова забардаст, бўйлари баланд, овоз диапазони кенг, ижро кўникмалари юқори бўлган талаба бўлганлиги боис диплом спектаклларида асосий қаҳрамон ролларини ижро этиб, томошабин ва устозларининг эътирофига сазовор бўлган. 1968 йилда мазкур институтни тамомлайди ва устозларига ҳавас қилган ҳолда педагогик йўлини танлайди. Ў. Нурмухаммедова актёрлик маҳорати, ижро кўникмаларини мукамал ўзлаштирган бўлса-да, педагогик фаолиятини сахна нутқи билан боғлашни афзал кўради. Устози А.Сайфиддинов ҳам Ўктам Нурмухаммедованинг илмга бўлган интилиши ва қизиқувчанлигини инобатга олиб, педагогик соҳасида ўзини синаб кўришни тавсия қилади. Унинг овозидаги кенглик, товушларининг тўғри ва раволиги, ўзбек ва рус тили орфоэпиясини мукамал ўзлаштирганлиги “Саҳна нутқи” кафедрасида педагог бўлиб қолишида асосий омил бўлиб хизмат қилади. Қолаверса, “Саҳна нутқи” кафедрасининг матонатли устозлари Н.Алиева, Л.Хўжаева, А.Сайфиддинов, С.Иномхўжаев сингари педагоглар изидан бориш ва уларга муносиб издош бўлиш шарафли иш эди.

Ўктам Нурмухаммедова устозлари ёнида юриб, соҳани чуқур ўрганиш ва ўзининг методик йўлини топишда жуда катта меҳнат йўлини босиб ўтади. Педагогик фаолияти давомида турли гуруҳларда ўзбек ва рус тилида “Саҳна нутқи” фанидан талабаларга сабоқ беради. А.Н.Островский номидаги Тошкент театр ва рассомчилик институти Марказий Осиёда ягона санъат институти бўлганлиги боис, бу ерда бошқа миллат вакиллари ҳам таҳсил олишган. Ўша йиллари олийгоҳда қорақалпоқ, туркман, қирғиз, қозоқ гуруҳлари ҳам очилиб, уларнинг маҳоратли актёр ва режиссёр бўлиб шаклланишида актёрлик маҳорати билан бирга сахна нутқи ўқитувчилари ҳам машаққатли меҳнат фаолиятини олиб борган. Бу гуруҳларда талабаларнинг ўз она тилида сўзлашадиган ва касбни уларнинг тилида тушунтира оладиган устозлар санокли эди. Жумладан, “Саҳна нутқи” кафедрасида профессор Н.Алиева, Л.Хўжаева ва уларнинг сафида Ў.Нурмухаммедова турли миллат вакиллари бўлган талабаларга ўз она тилида фанни ўзлаштиришида амалий кўмак беришган.

Фанни тушунтириш, соҳанинг мутахассиси бўлиб шаклланишида тиним билмай меҳнат қилди, ҳатто ўзбек тилида ёзилган шеърлар, ҳикоя ва романларни талабаларнинг ўз она тилига таржима қилиб, уларни қорақалпоқ, туркман, қозоқ тилларида ижро қилишида жонбозлик кўрсатди. Ў.Нурмухаммедованинг бу ишлари институт раҳбарияти, маҳорат фани устозларининг олқишига сазовор бўлади.



**Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими, доцент
Ўктамхон Нурмухаммедова**

Қолаверса кафедранинг забардаст устозлари Ўзбекистон халқ артисти, профессор Назира Алиева ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Қирғизистон санъат арбоби, “Эл-юрт хурмати” ордени соҳибаси, профессор Лола Хўжаева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, доцент Абдурахмон Сайфиддиновларнинг эътирофига эришади. Негаки, бу устозлар ишончига муносиб бўлиш, уларнинг ҳурматини қозониш юксак шарафли иш эди. Ў.Нурмухаммедова бу шарафли ва машаққатли йўлни мардона босиб ўтган педагог сифатида малакали ва ўз касбининг моҳир мутахассиси деган номга эришади.

Ў.Нурмухаммедова 1968 йилдан “Саҳна нутқи” кафедрасида ўқитувчи, 1979 йили катта ўқитувчи, 2005 йили доцент вазифасини бажарувчи, кейинчалик доцент лавозимларида ишлаб, ўз касбий маҳоратини ошириб боради. У педагогик фаолиятини илмий асослар билан мустаҳкамлаб, соҳани илмий-назарий жиҳатдан ўрғанади. Устози А.Сайфиддиновнинг “ўз соҳангни пухта ўргангин, фанга тааллуқли илмий ва бадиий асарларни мукамал ўрганиб чиқгин, шундагина талабаларга яхши билим бераоласан.



А.Н.Островский номидаги Тошкент театр ва рассомлик институти.Турсуной Содиқова билан бўлган учрашув 29.05.2000 й.

Талаба ижро этаётган асарининг тарихини билиши ва уни ижро таҳлиллари асосида ўрганиши учун устозининг билими ва дунёқараши кенг бўлиши керак, шунинг учун илмий ва бадиий асарларни кўп ўқиш керак” [1] деган фикрларини

доимо эсда тутган ҳолда соҳага оид рус театр санъати намояндаларининг илмий асарларини, ўзбек ва жаҳон классик адабиётларини чуқур ўрганиб чиқди. Орттирган билим ва амалий тажрибаларини мустаҳкамлаб, Республика ва халқаро илмий-амалий журналларида ва конференция тўпламларида илмий маъруза, мақола тарзида чоп қилиб боради. Талабаларнинг соҳани мустақил ўрганиши ва тадқиқот олиб боришида амалий маслаҳатларини бериб, уларнинг илмий-ижодий изланишларига йўлланма бериб боради.

Асосий қисм. Ў.Нурмухаммедова ўзига нисбатан талабчан, шу боис ҳам методик кундалик яратиш, билимларини китоб ҳолида жамлаб ёш авлоднинг мустақил фанни ўзлаштиришида катта меҳнат қилган. Одатда, актёрлик ва режиссёрлик таълим йўналишларидан келиб чиқиб, “Саҳна нутқи” фани специфик ўргатилади. Ў.Нурмухаммедова бу борада ҳам алоҳида изланиш олиб боради. У 45 йилга яқин меҳнат фаолияти давомида драма ва кино актёрлиги, драматик театр режиссёрлиги, эстрада актёрлиги ва режиссёрлиги, кўғирчоқ театр актёрлиги ва режиссёрлиги ўзбек ва рус гуруҳларида “Саҳна нутқи” фанидан талабаларга сабоқ беради.

Ҳар бир гуруҳнинг специфик хусусиятидан келиб чиқиб, дарс машғулотларига алоҳида тайёргарлик кўради. Энг муҳими, дарс машғулотларини кўтаринки руҳда олиб боришга, талабаларнинг иштиёқини оширишга ҳаракат қилади. Устоз ўтган иш фаолиятини хотирлар экан, “Аввало, ўқитувчининг ўзи кўтаринки руҳда дарс машғулотларини олиб бориши керак. Талабаларни фанга қизиқтириши, катта иштиёқ билан дарс ўтиши лозим. Агар ўқитувчи имиллаган, бўлар-бўлмас нарсаларни ёки ўз ўтмишини гапириб бериш билан дарсни олиб борадиган бўлса, талаба ўқитувчидан ҳам, фандан ҳам зерикади. Талабани техник машқлар ва ижодий фантазиялар билан қизиқтириб, ижод қилишга кўмиб ташлаш керакки, талаба фақат ижод қилиш билан банд бўлсин, шундагина натижага эришиш мумкин” [2] дейди суҳбатлардан бирида.

Ў.Нурмухаммедова узоқ йиллик тажрибаси давомида орттирган билимларини жамлаб, 2008 йили кўғирчоқ театр актёрлиги ва режиссёрлиги гуруҳлари учун “Саҳна нутқи” ўқув қўлланмасини яратади. Кўғирчоқ театри санъатида “Саҳна нутқи” ўзгача ва алоҳида кунт билан ўргатилади. Тўғри, бошқа гуруҳларда ҳам специфик ёндашилган ҳолда фан ўргатилади, лекин кўғирчоқ театри бу болалар театри, қолаверса томоша театри анъаналари асосида ўқитилади. Бу йўналишда “Саҳна нутқи” фани фундаментал ва алоҳида ёндашув билан ўргатилади. Чунки бу соҳа ижодкорлари саҳнада тўсиқлар, яъни ширма, маска, оғир кўғирчоқ ва бутафорлар билан ишлаганда ҳам нутқида қийинчилик бўлмаслиги керак. Ижрочиларнинг нутқи деярли 80%га яқин имитация билан боғланган бўлиб, шу ҳолатда нутқни етказиб бериш талаб этилади. Бу натижага узоқ йиллар давомида кафедра доцентлари Исоқтой Джуманов ва Ўктам Нурмухаммедоваларгина эриша олган. Чунки бу устозлар кўғирчоқ театри санъати гуруҳларида “Саҳна нутқи” фанидан дарс бериб, талабаларнинг кўғирчоқ театри спектакларида мукамал ишлатадиган саҳнавий овозларни шакллантирганлар ва муносиб бўлган таниқли кўғирчоқ театри актёрларини тарбиялаганлар.

Ўктам Нурмухаммедованинг кўғирчоқ театри санъатида “Саҳна нутқи” фанини ўқитиш бўйича ёзган ўқув қўлланмаси бугунги кун педагоглари учун асосий қўлланма бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу ўқув қўлланмадан шу соҳада фаолиятини бошлаётган ёш ўқитувчилар ва талабалар унумли фойдаланишлари мумкин, негаки ўқув қўлланмада кўғирчоқ театри санъатида саҳна нутқини ўқитиш ва ўрганиш бўйича амалий тавсиялар жамланган бўлиб, “кўғирчоқ театри актёри предметларни (ҳасса, барг, чойнак), буюмларни, табиат ҳодисаларни (бўрон, шамол, ёмғир ва ҳоказо) жонлантириб, уларни гапиртира олиши ва ўша предмет, ҳодисага мос ҳаракат ва овоз характерини топиши керак. Шунинг учун актёрда ижодий фантазия, тасаввур, эшитиш қобилияти (ўзини эшитиш) ўта ривожланган бўлиши керак”, [3] деган фикрлари бу соҳада иш фаолиятини бошлаётган ёш ўқитувчига фақат саҳна нутқи методикасини эмас, соҳанинг специфик хусусиятларини ҳам қамраб олган ҳолда таълим бериши лозимлигини айтиб ўтади.

Ў.Нурмухаммедова кўғирчоқ театр актёрлари ва режиссёрларини ўқитишда саҳна нутқида амал қилиш керак бўлган жиҳатларга куйидагича тўхталиб ўтади:

- агар драматик театрда юз мимикаси, кўзлар фикрни ифода эта олса, кўғирчоқда эса юз маскаси ўзгармайди ва унинг ўрнини турли регистрдаги жарангдор овоз, аниқ дикция ва жонли сўз эгаллайди;

- кўғирчоқ театрида актёр, айрим вақтларда, бир вақтнинг ўзида иккита ролни ижро этиши мумкин ва улар ширмада учрашиб диалог олиб боришлари мумкин. Демак кўғирчоқ театри актёрини овоз постановкаси барча босқичда барча регистрларда ишланиши керак;

- имитацион машқларини мукамал ўзлаштириши ва ундан эркин фойдаланиши керак. Сунъий регистрдан фойдаланишни профессионал нуқтаи назардан эгаллаш даркор, акс ҳолда овоз пайларининг шикастланишига олиб келади;

- кўғирчоқ театри актёри машғулотларда предметлар билан ишлашни эътиборга олиши керак. Предметлар билан ишлаганда ҳам, шу предметнинг ўзига хос овозини топиши ва мулоқотда шу овоздан фойдаланиши кўзда тутилади” [4] – деган қоидаларни жорий қилиб, бу йўналишларда фаолият олиб борадиган ёш мутахассисларга асосий йўлланма кўрсатиб ўтади.

Юқоридаги тавсиялари орқали талабаларга ва шу соҳада иш фаолиятини олиб бораётган ёш мутахассисларга амалий тавсиялар бериш билан бирга, бу соҳанинг машаққати ва қийинчиликларини ҳам таъкидлаб ўтади. Саҳна нутқи педагоги мукамал бўлиши лозимлиги, дарс машғулотларини юқори савияда олиб боришга мажбур эканлигини доимо таъкидлаб келган. Айниқса, кўғирчоқ театри санъатида талабаларнинг нутқий характери устида ишлаш, ижодий фантазиясини ривожлантириш учун турли услублардан фойдаланмоқ керак. “Кўғирчоқ театри санъатининг ўзига хос томонлари бор. Яъни ширма ва падуға тўсиғи, гавданинг ҳаддан ташқари нотабиий ҳолатда ишлаши, оғир кўғирчоқ ва бутафорларни кўтариб, эгилган ҳолатда ишлаши кузатилади, шундай ҳолатларга талабаларни тайёрлаш, унинг овозида табиий ва жарангли нутқни ҳосил қилиш керак бўлади.

Қийин ҳолатларда ҳам актёр режиссёрнинг талабини мукамал бажариб бериши ва имитация ва нутқий характерга бой бўлган образни мукамал ижро этишини “Саҳна нутқи” фани устозлари ўргатиши ва талабада шу каби кўникмаларни шакллантириши лозим бўлади. Шу боис ҳам кўғирчоқ театри ижодкорларини тарбиялаш анча машаққатли ишдир. Шунинг учун педагог доим изланишда бўлиши лозим”, [5] деган фикрларни келтиради устоз Ўктам опа. Устоз қайси йўналишда дарс фаолиятини олиб бормасин, албатта талабаларнинг таълим йўналишидан келиб чиқиб, гуруҳларда дарс машғулотларини олиб борган. Кўғирчоқ театри актёрларини тарбиялашда ўзига хос ёндашув қилган бўлсалар, режиссёрлик гуруҳларида эса “Саҳна нутқи” фанини билим ва тажрибаларга таянган ҳолда олиб борганлар. Бунга яна бир мисол, “Эстрада ва оммавий томошалар режиссёрлиги” гуруҳининг 3-босқичида таҳсил олаётганимда устоз мени саҳна нутқидан режиссёрлик ишига йўналтирган. Фақат саҳна нутқи дарс машғулотларини тушунтириб кетмасдан, ўз касбий фаолиятимиздан келиб чиқиб, саҳна нутқи дарс машғулотларини олиб борган.

Ўшанда шоира Зулфия ижодини ўрганиш ва шоира ижодининг саҳнавий талқини борасида менга катта амалий ёрдам берганлари ҳали-ҳамон эсимда. Зулфия ижоди ва фаолияти тўғрисида ижодий дастур тайёрлаб, курс иши сифатида томошабинлар эътиборига ҳавола қилганимиз, саҳналаштирувчи режиссёр сифатидаги дастлабки ишларимдан бири эди. Айнан мана шу кичик тажриба, менинг бугунги кунда мустақил равишда ташкил қилиб келаётган ижодий дастурларимга пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Мисол учун, ҳар йили нишонланадиган “Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун” муносабати билан ўтказиладиган тадбир, буюк мутафаккир ва шоир Мир Алишер Навоий таваллудига бағишланган “Назм ва Наво” мавзусидаги маънавий-маърифий кеча, “Шоҳ ва шоир”, Темурийзода подшоҳ Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудига бағишланган “Фироқ ва соғинч” деб номланган адабий-бадий кеча, “Монолог” ва “Уста Гулмат хангомалари” деб номланган мустақил ижодий ишлар дастури, таниқли ўзбек адиби Абдулла Қодирий таваллудининг 125 йиллигига бағишланган “Қодирийни ўқиб...” деб номланган адабий-бадий кеча, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Қирғизистон санъат арбоби, “Эл-юрт ҳурмати” ордени соҳибаси, профессор Хўжаева Лола Агзамовна таваллудининг 100 йиллиги ҳамда “Саҳна нутқи” кафедраси профессори в.б Джулдиқораева Хатира Тастемировна таваллудининг 70 йиллигига бағишланган адабий-бадий кеча, шулар жумласидандир.

Бу каби ижодий дастурларни мазмунли ташкиллаштиришимда устоз Ў.Нурмухаммедованинг сабоқлари дастуриламал бўлиб хизмат қилди. Талабалик йилларимда олган билимларим ҳали-ҳамон ўз натижаларини кўрсатиб келмоқда. Нафақат сўз санъати билан боғлиқ ижодий дастурлар тайёрлашдаги кўрсатмалари, балки маъруза матни ва мақола ёзиш кўникмаларини шакллантиришда ҳам жуда катта меҳнатлари синган. Дарс машғулотларида нафас, овоз, товушлар талаффузи устида ҳар бир талаба билан ёнма-ён ишлаши, айниқса ғазал таҳлили ва ижроси борасидаги кўрсатмалари, гуруҳли ва якка дарс машғулотларида Нодира қаламига мансуб ғазаллар устида ишлаганларимиз кечагидек эсимда.



А.Н.Островский номидаги Тошкент театр ва рассомлик институти. “Саҳна нутқи” кафедра йиғилишидан сўнг 1999-йил.

Ишнинг методикаси. Мен бугун ўзимнинг педагогик фаолиятимга назар ташласам, устоз Ўктам Нурмухаммедованинг дарс ўтиш маҳорати, талабаларга мавзуни тушунтириши, асар ижроси устидаги ижодий таҳлилларга эътибор қаратиши, кўйинг-ки, талабаларни режиссёрлик ишларига йўналтиришимда ҳам устознинг тажрибасига таянаётган эканман. Бу “Устоз-шогирд” тизими узлуксиз давом этаётгани ва меҳнат фаолиятимда устозлар йўлидан бораётганимни кўрсатади. Кафедрада фаолият олиб борган ҳар бир профессор-ўқитувчи ўз методикасига эга, ҳеч қайси бири бошқасини такрорламайди. Мен “Саҳна нутқи” кафедрасига 2009 йили келганман ва кўпгина устозларнинг иш фаолиятини кузатдим. Ўйлашимча, менинг педагогик фаолиятимда И.Джуманов, С.Носиров, Х.Джулдикораева, М.Ходжиматова ва айниқса, Ў.Нурмухаммедоваларнинг методик ёндашувлари акс этаётгандек гўё. Уларнинг менга берган билим ва амалий тажрибаларини мустаҳкамлаб, педагогик йўлимни белгилаб олишга интилоқдаман. Чунки санъат таълимида ном қозонган ҳар бир устоз ўзининг методик услубини яратган ва амалда исботлаган.

Ўктам опа билан суҳбатлашар эканман, бу соҳада устозлар фақат фидойи бўлсагина келажак авлод уларни маҳоратли устозлар қаторида юксак ҳурмат ва эҳтиром билан эсга олинишини англадим. Ў.Нурмухаммедова устозларига муносиб шогирд бўлди, мен ҳам устоз Ўктамхон опага муносиб шогирд ва ўз йўлини мустаҳкам белгилаган издош сифатида ўз устимда муттассил изланишим керак, деган хулосага келдим.

Хулоса. Ўктам Нурмухаммедова ўз касбининг фидойи инсони, малакали мутахассиси, қардош тилларда моҳирона дарс берган маҳоратли устоз, изланишлардан толмайдиган жонкуяр олима, камтарин ва меҳрибон она сифатида доимо кафедра устозлари, институт раҳбарияти ва шогирдлар орасида юксак ҳурмат қозонган инсондир. Санъат соҳасида педагог бўлган инсон доимо ўз устида ишлаши, янгиликка интилиб яшаши, театр санъатининг маҳоратли мутахассисларини тарбиялашда замон билан ҳамнафас иш фаолиятини олиб бориши талаб этилади. Ва бу йўлда мардона юриб ўтишлик сўралади. Кафедранинг забардаст устози Лола Хўжаева жамоадошлари ва ёшларга касбга садоқат ва фидойилик билан қараш лозимлигини уқтириб келган; “мақтанмай, чидамлик билан, ўз ватанимизга фидойи бўлиб, ота-онамизга хизмат қилгандек, ўз ўқишимизга, ишимизга садоқат билан хизмат қилсак, ҳамманинг меҳнати юзага чиқади, мен шундай ёшларни ҳурмат қиламан”, [6] деган сўзлари худди Ў.Нурмухаммедова илмий-ижодий фаолиятига йўналтирилгандек.

Негаки, Ўктамхон опа худди шундай садоқат билан институтга, кафедра устозларига, талаба-ёшларга камтарона хизмат қилди. Меҳнатлари самараси ўлароқ ҳукуматимиз томонидан доцент илмий унвони ва 2005-йили Қорақалпоғистон Республикаси Юқори Кенгаш президиумининг қарори билан “Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими” давлат мукофоти билан тақдирланган.

Ў.Нурмухаммедова ўз шогирдларини касбга йўналтирди ва касбининг мутахассиси бўлишига ундади. Устоз яратган ижодий мактаб, таълим бериш методикаси ҳали ҳамон шогирдлар меҳнат фаолиятида ўз акс садони бериб келмоқда. Устоз кексалик гаштини суриб, муборак 80 ёшни қаршилаётган бўлса-да, ҳали ҳамон илмий ва бадиий асарлар мутолааси билан машғул. Саҳна нутқи ўқитилиши ва ривож бўйича амалий тавсияларни ёш мутахассисларга ўргатишдан чарчамайди. Соҳанинг жонкуяр педагоги сифатида маслаҳатларини аямайди. У устозларига содиқ ва муносиб шогирд бўлди ва ўзи ҳам устозлари қаторида юксак эътирофга сазовор бўлмоқда. Э.Хаббард айтганидек, “Меҳнатдан завқланиш хислатларини ўз шогирдларида уйғота олган муаллим шарафларга лойиқ”.

ИҚТИБОСЛАР

1. Ўктам Нурмухамедова билан бўлган суҳбат. 2023-йил 4-декабрь, соат-15.00.
2. Нурмухамедова Ў. Саҳна нутқи. (Кўғирчоқ театри актёрлиги ва режиссёрлиги гуруҳлари учун. – Т., 2008. – 160 б.
3. Лола Хўжаева ижодига бағишланган “Қалб гавҳари” кўрсатуви. Маънавият студияси. Режиссёр М.Муҳаммедов. 2002 йил.
4. Санъат таълими. / Йилнома. I жилд. 2006 йил.
5. Санъат таълими. / Йилнома. IV жилд. (2008-2009).



SAHNA NUTQI FANINI RIVOJLANTIRISHDA USTOZLAR MEROSINI O'RGANISHNING DOLZARB MASALALARI

(Ilmiy-amaliy seminar materiallari to'plami)

АХМЕДОВА Нилуфар Ропиевна

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти

ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10836694>

ПРОФЕССОР АДИБА НОСИРОВАНИНГ САХНА НУТҚИ ВА ЖОНЛИ СЎЗГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

АННОТАЦИЯ

Ушбу маърузада педагогика фанлари номзоди, профессор Адипа Мансуровна Носированинг сахна нутқи ва жонли сўз санъати ривожига қўшган ҳиссаси ва соҳа йўлида амалга оширган илмий изланишлари, педагогик услуб ва усуллари ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: нутқ, жонли сўз, сахна, педагогика, санъат, нотик.

ВКЛАД ПРОФЕССОРА АДИБЫ НАСИРОВОЙ В РАЗВИТИЕ СЦЕНИЧЕСКОЙ РЕЧИ И ИСКУССТВО ЖИВОГО СЛОВА

АННОТАЦИЯ

В данном докладе рассмотрен вклад кандидата педагогических наук, профессора Адипы Мансуровны Носировой в развитие сценической речи, искусства живого слова, проанализированы научные исследования и педагогическая деятельность мастера.

Ключевые слова: речь, живая речь, сцена, педагогика, искусство, оратор.

THE CONTRIBUTION OF PROFESSOR ADIBA NASIROVA TO THE DEVELOPMENT OF STAGE SPEECH AND THE ART OF LIVING SPEECH

ANNOTATION

This report examines the contribution of the candidate of pedagogical sciences, professor Adiba Mansurovna Nosirova to the development of stage speech, the art of living speech, analyzes the scientific research and pedagogical activities of the master.

Keywords: speech, live speech, stage, pedagogy, art, orator.

Меҳридарё устозимиз Педагогика фанлари номзоди, профессор Адиба Носирова Тошкент шаҳрида таваллуд топган. Театр санъати институтида буюк устозлар Назира Алиева ва Лола Хўжаеваларнинг ижодий мактабини кўриб таҳсил олган. Институтни тамомлагандан сўнг Ўзбекистон давлат Ёш томошабинлар театрида бирмунча вақт актриса сифатида фаолият юритди. Ундан сўнг ўз ҳаётини педагогикага бағишлади. Тошкент давлат маданият институтида бўлажак режиссёр ва актёрларга “Саҳна нутқи” ва “Жонли сўз санъати” фанларидан дарс бериб келдилар.

Педагогик йилларида илмий-услубий фаолиятга ҳам алоҳида эътибор бериб, кўплаб мақола ва тезислар, қолаверса 10 га ўқув адабиётларини нашрдан чиқарди. “Жонли сўз санъати”, “Саҳна нутқи” ўқув адабиётлари ҳозирги кунда ҳам талабалар томонидан кенг фойдаланилиб, илм йўлида дастак бўлиб келмоқда.

2009 йил, баҳор ойлари, институтида ўқиб юрган пайтларимиз устозимиз Жаҳонгир Маматқосимов бошчилигида битирув малакавий иши учун жадидшунос олимлар томонидан яратилган “Қор кўйнида лолалар” номли китобда келтирилган воқеалар асосида публицистик театрлаштирилган томоша сахналаштирдик. Унда Файзулло Хўжаевнинг фарзанди Вилоят Хўжаева образини гавдалантирдим.

Битирув малакавий иши намойишдан сўнг муҳокама бошланди. Кафедра профессор-ўқитувчилари намойиш тўғрисида ўз фикрларини билдиришар, ишдаги ютуқ ва камчиликларни батафсил муҳокама қилишарди. Шу жараёнда бир нигоҳ мени тинмай кузатаётгани, хатти-ҳаракатларимга, билдирилаётган фикрларга бўлган муносабатимга синчковлик билан қараб турарди.

Муҳокама тугади, барча талабалар бир-бирини табриклаган, намойишдан кейинги қувончларини баҳам кўришарди. Мана шунда мени бир инсон ёнига чақирди. У Адиба Носирова эди.

Биз узоқ суҳбатлашдик. Саҳнада гавдалантирган образимдан тортиб, нутқ, пластика, ташқи кўриниш ҳақида турли маслаҳатлар бердилар. Айниқса саҳна нутқи борасида шунчалик қизғин гапирдиларки, ушбу фаннинг қанчалик нозик нуқталари мавжудлиги, аҳамияти қанчалар муҳимлигига амин бўлдим. Ва фанга муҳаббатим уйғонди. Адиба Носирова гапирар экан, унинг овози, сўз оҳанги, ҳушмуомалалиги, маданияти ва энг асосийси менга бўлган меҳри мени ўзига ром қилиб қўйди. Ростини, ўша пайтда бундай эътиборни институт педагогидан кутмагандим.

Шундан сўнг бошқа ижодий ишларда, уларнинг муҳокамаларида Адиба Носирова билан тез-тез кўришиб, суҳбатлашадиган бўлдик. Ёз ойларида институтни тамомлаб, магистратура муахассислигига ҳужжат топширдим.

Магистрлик диссертация мавзусини саҳна нутқиға боғлаш фикри туғилди ва яна Адиба Носирова билан маслаҳатлашдим. Ва менинг хоҳишимни инобатга олиб Адиба Носированинг илмий раҳбарлигида мавзуим тасдиқланди.

Мана шундан бошлаб мени нафақат илм йўлида, балки маънавий ҳаётда қўлимдан етаклақладилар. Икки йил давомида фаннинг илмий моҳиятини, келиб чиқиш тарихини ўргатдилар. Устозлар Назира Алиева, Лола Хўжаеванинг ҳаёти, ижоди ва “Саҳна нутқи” фани ривожига қўшган ҳиссалари билан танишдим.



Профессор Адиба Носирова

Адиба Носированинг мутахассис сифатидаги ўзига ҳос услубини, фаолиятини ўрганиш баробарида алоҳида этиборимни тортган жиҳат шу бўлдики, ҳар бир ишда, ҳар бир гапида устозларини эсга олар, уларнинг дарс ўтишдаги ўзига ҳос услублари, устоз-шоғирд анъанасини қай даражада йўлга қўйишгани ҳақида гапириб ўтарди. Ҳар бир гапида устозларига нисбатан чуқур эҳтиромини ҳис қилиб турардим.

Устоз Адиба Носирова ўз устозлари Назира Алиева ва Лола Хўжаеваларнинг ижодий мактабини давом эттирган ҳолда педагоглик фаолиятида ўзига ҳос мактаб ярата олган. Устознинг ўзига ҳос мактаби энг муҳим бўғини – сахна нутқини такомиллаштиришда комплекс машқлардан фойдаланиш, машқлар орқали талаба нутқини бадийлик даражасига кўтариш мумкинлигини ўз тажрибасида исботлади. Биргина сўз уситида соатлаб меҳнат қилардилар.

Ҳар талаба мен учун бир ирмоқ ва жабҳа дердилар. Ирмоқнинг йўлини очсанг, у дарёга, денгизга, уммонга айланиши мумкин деб кў таъкидлардилар. Ҳар бир талабани ўзи учун бир фан сифатида қабул қилардилар, чунки санъат йўналишидаги ҳар бир талаба ўзига ҳос индивид, унинг қалбини топиш керак деб доим уқдирардилар. Шоғирдларни ҳам шу тариқа иш тутишга ундар, керак бўлса мажбурлар эдилар.

Устознинг яна бир ўртак оларли жиҳатларидан бири шу эдики, таълим ва тарбияни узвий олиб борардилар. Дарсларини нафақат аудиторияда балки кўчада, коридорда, доимий ҳаётда риш-туришларида олиш мумкин эди. Устоз шарқона тарбияга алоҳида урғу берардилар. Айниқса талаба-қизларнинг тарбиясини кучли назорат қилардилар. Талабаларнинг берилган вазифаларни бажариб бориши билан бирга уларнинг яшаш шароити, кийиниши, саломлашуви, муомала маданияти, одоби ва тарбияси устознинг назаридан четда қолмасди.

Ўзбекистон давлат санат ва маданият институтида тайёрланаётган бўлажак кадрларнинг келгусида ҳар жабҳада фаоллик кўрсатишлари ва соҳанинг устаси бўлиб етишишлари учун жуда кўп чоратadbирлар ишлаб чиқилган. Жумладан, ўтилаётган фанларни рўйхати ҳам анча тафтиш қилинди.

Бу борада “Саҳна нутқи” кафедраси профессори Адиба Носирова бир ташаббусни олға сургандилар. “Саҳна нутқи” фани нафақат актёр ва режиссёрлар, балки сахнага қадам кўядиган ҳар бир инсон учун зарур эканлигини, шунинг учун кўшиқчи, чолғучи, халқ ижодиёти ижрочиларининг нутқий ижодий кирраларини очиш, уларнинг янгича қобилиятларини топиш учун ҳам айнан ушбу фан ўқув режага киритилиши ва чуқурлаштирилган ҳолда ўтилиши кераклигини олға сурдилар.



ЎзДСМИ ўқув театрида хамкасблари ва талабалари билан



Имтихон жараёнларидан

Адиба Носирова санъат учун мана шундай жонкуяр инсон эди. Ҳар тонг институтга йўл олар эканман, устознинг “Талабалар – бизнинг соҳадаги фарзандларимиз, уларнинг ёниб турган кўзлари илмни, билимни истайди. Биз уларга ҳар томонлама ўрнак бўлишимиз лозим” деган ўғитлари ёдимга тушади. Мен устоздан ўз касбимни ҳаётим деб қарашни ўргандим. Ҳозирда уларнинг педагогик маҳорат ва услубларини амалиётда қўллашга ҳаракат қилиб келмоқдаман.

ИҚТИБОСЛАР

1. Маматқосимов Ж.А. Бизни яхши кўрар эдилар//Самимият тимсоли. Тошкент: Akademnashr, 2019. – 229 б.
2. Ҳоджиматова М. Саҳна нутқи – Тошкент: Янги аср авлоди, 2007 йил.
3. Холиқулова Г. Саҳна нутқи (тарихий драмалар мисолида) – Тошкент: ТДСИ, 2007 йил.
4. Алимжонова З. Тўлаганов А. Саҳна нутқи – Тошкент: Фан, 2005 йил.
5. Иномхўжаев С. Бадиий ўқиш асослари – Тошкент: Ўқитувчи, 1973 йил.
6. Д Жуманова. Саҳна нутқи янги тарих – Тошкент: Наврўз, 2020 йил



SAHNA NUTQI FANINI RIVOJLANTIRISHDA USTOZLAR MEROSINI O'RGANISHNING DOLZARB MASALALARI

(Ilmiy-amaliy seminar materiallari to'plami)

ЮСУПОВ Шокир Турсунович

*Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
доценти*

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10841788>

САХНА НУТҚИНИНГ РАВОН БЎЛИШИДА БАШОРАТ БОБОНАЗАРОВАНИНГ ИЛМИЙ МЕТОДИК ИЗЛАНИШЛАРИ

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада “Саҳна нутқи” кафедрасининг доценти Башорат Бобоназарованинг ижоди, илмий изланишлари, фанни ўқитиш методологиясини чуқур эгаллашига оид фикрлар ўрин олган. Шунингдек унинг устозлари, ҳамкасблари ва шогирдлари хақида фикр юритилади.

Калит сўзлар: актёрлик маҳорати, ўқитиш методологияси, нутқ маданияти, педогогик услуб, адабий тил, монолог, диалог, нутқ одоби, сўз сеҳри.

НАУЧНО-МЕТОДИЧЕСКОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ БАШОРАТ БОБОНАЗАРОВОЙ ПО БЕГЛОСТИ СЦЕНИЧЕСКОЙ РЕЧИ

АННОТАЦИЯ

В данной статье изложены мысли о творчестве, научных исследованиях и глубоком понимании методики преподавания естественных наук Башората Бобоназаровой, доцента кафедры «Сценическая речь». Обсуждаются также его учителя, коллеги и ученики.

Ключевые слова. Актерское мастерство, методика преподавания, культура речи, педагогический метод, литературный язык, монолог, диалог, речевой этикет, магия слова.

SCIENTIFIC METHODOLOGICAL RESEARCH OF BASHORAT BOBONAZAROVA IN THE FLUENCY OF STAGE SPEECH

ANNOTATION

This article contains thoughts on the creativity, scientific research, and deep understanding of science teaching methodology of Bashorat Bobonazarova, associate professor of the "Stage Speech" department. His teachers, colleagues and students are also discussed.

Keywords. Acting skill, teaching methodology, speech culture, pedagogical method, literary language, monologue, dialogue, speech etiquette, word magic.

Кириш. Саҳна нутқи кафедрасида узоқ йиллар мобайнида ўқитувчи, катта ўқитувчи ва доцент лавозимларида ишлаб ҳозирги кунда нафақа ёшида бўла туриб ёш авлоднинг нутқий билимларини ошириш йўлида тинмай ижод қилаётган устоз Башорат Бобоназарованинг ҳаёти илмий-ижодий ишларига назар ташлаймиз. Чунки, Башорат опа кафедрада ишлаган даврларида маълум бир методикага эга бўлиб ушбу ўзлари яратган методлар орқали талаба-актёрларга саҳна нутқи сир-асрорларини ўргатган. Бу орқали кўплаб илмий изланишлар натижасида амалий методикани назарияга айлантириб, Республика миқёсидаги илмий журналларда ва хорижда чоп этиладиган кўплаб матбуотда мақолалар чоп этган. Айниқса, саҳна нутқи фанини чуқурроқ ўрганишга бағишланган ўқув қўлланмалари ҳозиргача “Саҳна нутқи” кафедраси ўқитувчилари томонидан ўқиб ўрганилмоқда ва ўз ижодий-илмий фаолиятларида фойдаланиб келинмоқда.

Асосий қисм. Доцент Башорат Бобоназарова 1953 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган. Ўрта мактабни тугатгач Самарқанд педагогика билим юртига ўқишга киради. 1973 йили А.Н. Островский номидаги Тошкент ва рассомлик санъати институтининг “Драма ва кино актёрлиги” мутахассислигига ўқишга киради. Б.Бобоназарова билан қилган суҳбатимиз давомида талабалик йилларидаги хотираларни шундай гапириб берди: [1] “Профессор Тимофеева Нина Иванова ва доцент Исева Изя Ханафевна курсида таҳсил олар эканман, актёрлик сир асрорларини пухта ўрганишга ҳаракат қилдим. Диплом спектакли сифатида қабул қилинган Расул Гамзатовнинг “Тоғ қизи” асарида бош қаҳрамонлардан бири Ашура образини, Н. Распутиннинг “Фабрика қизлари” пьесасида Татьяна образини, И.Фанъезиннинг “Дунбул бойвочча” асарида Еримеева образларини яратганман”.



*Доцент, Башорат
Бобоназарова*

Б.Бобоназарова ўзининг маҳорати, билимдонлиги, матнларни тез ўзлаштира олиш қобилияти билан институт профессор-ўқитувчиларининг эътиборига тушган. Домланинг сўзларига қараганда, қорақалпоқ курси талабалари томонидан қўйилган диплом спектаклида бош ролни ижро қилаётган талаба қиз касал бўлиб қолади. Актёрлик маҳорат кафедраси мудир Турсунбой Исроилов бош ролга иқтидорли талаба қиз Башоратни таклиф қилиб, бир ой ичида спектаклни томошабинларга тақдим этади. Ўша кундан бошлаб Турсунбой ака Башорат Бобоназаровани “бизнинг қаҳрамон, Башоратой” деб олқишлаган экан.

Ҳақиқатдан ҳам ушбу мақола орқали қаҳрамонимизнинг қаҳрамонона қилган ишларини ёритар эканмиз, Башорат Бобоназарованинг “Саҳна нутқи” кафедрасида қандай қилиб ўқитувчи сифатида ишга олинганига ҳам қизиқдик.

Педагогик қобилиятига эгаллигини сезган кафедра профессор-ўқитувчилари у кишини кафедрада олиб қолиш таклифини раҳбариятга билдиради. Ўқитувчиликнинг биринчи йилиданок билимдон, меҳрибон устозлар, профессор Назира Алиева, Сотимхон Иномхўжаев, Раҳим Сайфиддинов, Розия Усмонова, Зухра Олимжонова билан ёнма-ён туриб, биргаликда талабаларга сабоқ бера бошлади. “Н.Алиева ўта талабчан устозим эдилар, мени оғзимдан чиққан ҳамма гапни қалин дафтар тутиб, ёзиб боринг”, [2] деб айтганларини хотирлайди Башорат опа. Суҳбат давомида ўша қалин дафтар Башорат опада ҳалигача сақланганлигига ва фаолиятида методик манба бўлиб хизмат қилганлигига гувоҳ бўлдик. Дафтардаги ёзувларга назар ташлар эканмиз, унда шундай фикрларни ўқиймиз. “Актёр саҳнада одоб-ахлоқда намуна бўлиши шарт. Кўрқмас Ботир образини ўйнаса-ю тамошабин уни олқишласа эртаси кун кўчада ўзига номақбул бўлган хатти-ҳаракатлари билан жамоатчиликнинг нафратига учраса, актёрлик шанига тўғри келмайди”... [3] Ушбу сўзларни ўқир эканмиз, бугунги кун талаба актёрларга ҳам шу фикрларни ўргатса арзигулик эканини хис қиламиз.

Башорат Бобоназарованинг дастлаб педагогика билим юртида ўқигани, ёшлар билан ишлаши уларнинг ички дунёсини билиши бу эса талаба-актёрларни тарбиялашда қўл келганлигини хис қиламиз. Ўша қалин дафтарда шевалар хусусида ҳам фикрлар баён қилинган экан. “Турли вилоятларнинг ўз шевалари бор. Уни ҳар доим ҳам спектаклларда ишлатиб бўлмайди. Лекин жой-жойида ишлатилса, қолган вақтларда адабий тил меъёрларига қатъий риоя қилинса, мақсадга мувофиқ бўлади” [4].

Бундан ташқари чет тиллардан кириб келган сўзларни тўғри талаффуз қилиш кераклиги, ҳар бир талаба бу сўзларни ёддан билиши зарур, деган фикрлар ҳам келтирилган. Б.Бобоназарованинг “Саҳна нутқи” деб номланган ўқув қўлланмасига назар ташласак, унда кўпроқ нутқ техникасига эътибор берилганлигини кузатамиз. Бунда унли ва ундош товушларни талаффуз қилиш учун ўзлари яратган ва талабалар учун фойдали бўлган машқлар жамланмаси диққатимизни тортади. Ушбу машқлар саҳна нутқи кафедраси профессор-ўқитувчилари томонидан яратилган адабиётлардаги машқлардан фарқли ўлароқ, талабаларнинг нутқий камчиликларини тезроқ англаши, тушуниши ва уни тўғирлаш жараёнларига айнан мос келади. Бундан ташқари ушбу қўлланмада айнан нутқнинг ривожланиши учун муҳим аспектлардан бўлган мақоллар, шеърлар, кичик адабий парчалар ўрин олганки, уни ўқиган педагог ёки талаба айнан гап нимада бораётганини, ундан қандай фойдаланиш мумкин эканлигини осон англайди.

Ўқув қўлланмани яратиш Башорат опа учун осон ва жўн бўлмаган. Йиллар давомида устозлардан ўрганган амалий билимлари назарий-методикага айланган бўлса ажаб эмас.

Башорат Бобоназарова устозлари Сотимхон Иномхўжаев, Раҳим Сайфиддиновларни эслар экан, уларнинг ҳар бир жумлалари катта дарс эканлигини англайди. Масалан, Сотимхон Иномхўжаев бир талабани артикуляция машқини бажармаганлиги учун кўпчилик ўртасида турғизиб қўйиб, изза қилар экан, кейинги сафар ўша талаба машқларни хатосиз кўрсатиб беришга ҳаракат қилар ва келгусида бу танқидга йўлиқмаслик учун ўз устида ишлар экан.

Домла Раҳим Сайфиддиновни эслар экан, унинг шеъриятни тушунтиришга усталлиги, хоҳ оддий шеър бўлсин, ёки ғазал, қатъий назар албатта, талабага шеърнинг техникасидан тортиб, мазмун моҳиятигача тушуниб олишини талаб қилганлигини айтиб ўтади. “Менинг талабалик давримдаги устозим Раҳим ака эди. Ҳар бир унли товуш очилиб турган турли хил гулларга ўхшатар эди. Талаффузда ҳам бунга алоҳида эътибор беришни талаб қилар эди. Адабий парчаларда сўз замиридаги битта эмас, бир неча маъно борлигини, паузаларда эса яшаш кераклигини шошилмасдан тушунтирар, фикрни англаб етгандан кейин воқеаларга ўтиш кераклигини ва бунинг учун педагогдан сабр-тоқат талаб қилинишини кўп бора таъкидлар эди”, [5] деб эслайди. Башорат Бобоназарова Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи, доцент Зухра Олимжонова билан ишлаган даврларини ҳам катта қизиқиш билан, ҳаяжон билан эслайди. “Устозим Зухра опани қандай тилган олмай, улар билан кўп йиллар давомида мусиқали драма актёрлиги бўлими талабалари билан ишладик. Мутахассисликдан келиб чиқиб, актёр сўздан қўшиқа, қўшиқдан сўзга ўтиш жараёнларини эринмай ишлар эди. Бунинг нозик тарафларини фақат Зухра опамдан ўрганганман. Сўз билан мусиқани узмасдан ҳолатда яшаш кераклиги, бу эса образни ишонарли чиқишида муҳим аҳамит касб этишини ҳам у кишидан ўргандим. Албатта, нутқ техникасига эга бўлган талаба, шунча тажрибадан сўнг саҳна нутқи маҳорати жараёнларни эплай олади” [6].



Зухра Олимжонова билан

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган профессор Марям Ашурова билан кўғирчоқ курсларида ҳам ишлаб талай кўзга кўринган шогирдларни етиштирган Башорат опа айнан бу соҳада ҳам ўзига хос ютуқларга эришганликларини таъкидлайди. Чунки кўғирчоқ гуруҳларида ишлашнинг нозик ва диққатни жалб қилувчи методикаси мавжуд бўлиб, уни ҳамма нутқ педагоглари ҳам ўзлаштира олмайди. Табиийки, актёрлик курсларида турли вилоятлардан талабалар келиб ўқишади. Уларнинг ўзига хос шевалари бордир. Хоразм вилояти кўғирчоқ театри учун олинган махсус курсдаги талабаларнинг шеваларини йўқотиш учун анча меҳнат қилинганлигини устоз ҳамон эслайди.

Актёрлик маҳорати фани билан сахна нутқи фани чамбарчас боғлиқ экани ҳеч кимга сир эмас. Қачонки актёрнинг нутқий имкониятлари кенг бўлса, у яратган образ ҳам тўлақонли ва ишонарли чиқади. Шу ўринда Башорат Бобоназарова педагогик иш фаолияти давомида Нина Тимофеева, Назира Алиевалар билан бир неча курсларда ҳамкорликда ишлаганлиги, профессор Лола Хўжаева, Хамида Маҳмудовалар билан эса кўплаб спектаклларда сахна нутқи ўқитувчиси сифатида ижод қилганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Айниқса, профессор Жўра Маҳмудов билан биргаликда В.Шекспирнинг “Қирол Лир”, Уйғун ва Иззат Султоннинг “Алишер Навоий” ва бир неча диплом спектаклларда қилган ишларини бот-бот эслайди. Масалан, В.Шекспирнинг “Қирол Лир” асаридаги монологлар, диалоглар билан соатлаб ишланган бунда нутқ техника билан бадий сўз уйғунлиги қанчалик бир бирига яқин эканлиги, уни айро ишлатиб бўлмаслигини билиш ўринлидир. Диплом спектаклларида талабаларга берилган ҳар бир танбехни Жўра Маҳмудов жиддий қабул қилиб, “Опангизга кулоқ солинг, камчиликларни ёзиб олинг, кейин бундай хатоларни такрорламанг”, деб айтар эканлар [7].

Б.Бобоназарова кафедранинг энг фаол педагогларида бўлиб, у институт миқёсидаги ва республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияларда ўта фаол иштирок этган. Улар ўқиган маърузалар тингловчилар томонидан юқори баҳоланиб, кўплаб диплом ва сертификатларига эга бўлган. Уларнинг театр ва кино санъатининг долзарб муаммолари, ёш актёрларни тарбиялаш, уларни катта ижодий ҳаётга йўналтириш бўйича илмий мақолалари “Театр” журнали, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, “Гулхан” болалар журналларида нашр қилинган.



Хамкасблари билан

Жумладан, Назира Алиева ҳақида “Устозим ўғитлари”, Раҳим Сайфуддинов ҳақида “Устозимни эслаб”, Салима Хўжаева ҳақида “Санъатга бахшида умр”, Лола Хўжаева ҳақида “Нотикаи даврон”, Шоҳида Мағзумованинг ижодига бағишланган “Шоҳида опанинг алласи”, Изя Исеева ҳақидаги “Маҳорат устаси” номли мақолалари Б.Бобоназарованинг устозлари ўғитига қанчалик амал қилгани ҳамда уларнинг ҳақиқий издоши эканлигидан дарак беради.

Б. Бобоназарова нафақат институтда, балки республика радио ва телевидениясида нутқ одобига оид кўрсатув ва эшиттиришларда “Сўз сеҳри”, “Тил-дил кўзгуси” мавзуларида кўплаб чиқишлар қилган.

Жамоат ишларида ҳам фаолият юритган қаҳрамонимиз узоқ йиллар мобайнида институт Хотин-қизлар кенгаши раиси вазифасида ишлаб, қизлар одоби, юриш туриши, кийиниш маданияти, пазандачилик сирлари танловларини ўтказиб, талаба қизларнинг ҳаётларида керак бўладиган фойдали ишларни ўргатишга ҳисса қўшган.

Эл суйган шоиралар Турсуной Содикова, Ойдин Хожиевалар билан бўлган учрашув кечаларида санъат, адабиёт, маданият, бўлғуси актрисалар учун муҳим экани таъкидланган ва эсда қоларли суҳбатларга айланган. “Кувноқлар ва зукколар”, “Қизлар давраси”, “Балли қизлар” танловларини ўтказишда жонбозлик кўрсатган. Устознинг ишини талабалар юзага чиқаради, уларнинг ижодларида устознинг дарси-ю ўғитлари намоён бўлади. Уларни бирма-бир санасак саноғимиздан адашишимиз мумкин.

Шундай бўлса-да, Башорат Бобоназарованинг бугунги кунда халқимиз юрагидан ўрин олиб келаётган санъаткор даражасига етган шогирдларининг баъзиларини тилга олиб ўтсак ўринли бўлади. Булар, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, суҳандон Шухрат Қаюмов, актёр ва қизиқчи Валижон Шамсиев, актёрса Вазира Юнусова, режиссёрлар Сайфиддин Мелиев, Жаҳонгир Ахмедов, Санжар Шодиев, кўшиқчи Наргиза Азимова, актёрлар Феруз Бурхонов, Шукрулло Сўфийев, Миролим Қиличев, Лазиз Орзиев, Йигитали Мамажонов, Феруза Норматова, Феруза Мустафоевалардир. Институтда устоз йўлини давом эттираётган “Актёрлик маҳорати” кафедрасининг ўқитувчиси Севара Раджабова, “Саҳна ҳаракати ва жисмоний маданият” кафедрасининг ўқитувчиси Сардор Манноновларни ғурур билан тилга олиш мумкин.

Устознинг методикаси. Башорат Бобоназарованинг илмий-ижодий ҳаётига назар ташлар эканмиз, саҳна нутқи фанида ўз методикасига эга бўлган устоз деб биламиз. “Саҳна нутқи” ўқув қўлланмасидан тортиб, турли йилларда чоп этилган илмий журналлардаги таҳлилий мақолаларда соҳанинг ўзига хос қирраларини ўта синчковлик билан очганларига гувоҳ бўламиз. Биргина 2006 йилда “Театр” журналида чоп этилган “Шоҳида опанинг алласи” номли хотирада Ўзбекистон ССР халқ артисти Шоҳида Маъзумова ижодига назар ташланган, аммо муаллиф ушбу мақолада Шоҳида опа ўйнаган роллардан тортиб, унинг бу соҳага қандай кириб келгани Ўзбек Давлат драма театрида 30 йилдан кўпроқ вақт мобайнида меҳнат қилгани, устозлари Маннон Уйғур, Етим Бобожонов ўғитларида эътиқод билан амал қилгани, бундан ташқари педагогик салоҳияти ҳақида жуда чиройли фикрларни ёзганлари кишини ҳайратга солади. “Ана шу ёқимли овоз, ана шу мунис чеҳра бир умр хотирамизга муҳрланиб қолди”, [8] деб мақоланинг сўнгида ишлатган ибораси жуда чиройли ифодаланган.

Устозларни ёд этиш уларнинг билимидан таъсирланиб, ёшларга сабоқ бериш фаннинг моҳиятини чуқур ўрганиб, таҳлил қилиш, уни ёш авлодга ўргатиш шогирдларининг ютуқларидан завқланиш бу бизнинг қаҳрамонимиз Башорат Бобоназаровага хос хислат эканлигини англадик.

Хулоса. Башорат Бобоназарованинг илмий ижодий ва педагогик ҳаётига назар ташлаш, саҳна нутқи фани ўқитувчиси бўлман деган ҳар бир ёш педагог намуна бўла олади. Ёш педагогларнинг ўз илмий ва назарий билимларини оширишда устозлар илмий салоҳиятини ўрганиши ва ўзининг педагогик фаолияти давомида қўллаши фойдадан ҳоли бўлмайди. Ҳар бир ёш педагог саҳна нутқи кафедрасининг тамал тошини қўйган устозлар илмий салоҳиятини ўрганиши айнан яратилган мактабнинг йўқолмаслигига бир сабаб бўлади. Бундай тажрибаларни доимо йиллар давомида авлодлар кесимида қўлланилса, нафақат ўзбек театр санъати, балки радио ва телевидение соҳа ходимлари яхши натижаларга эришади.

Орамизда қариллик гаштини сураётган ва ҳамон ўзбек адабий тилини тарғиб қилишдан чарчамаётган устозимиз Башорат Бобоназаровага узоқ умр тилаймиз ва тинимсиз изланишлар йўлида толиқмаслигини дилдан истаб қоламиз.

ИҚТИБОСЛАР

1. Б.Бобоназарова билан бўлиб ўтган суҳбат.
2. Ўша суҳбатдан.
3. Ўша суҳбатдан.
4. Ўша суҳбатдан.
5. Ўша суҳбатдан.
6. Бобоназарова Б. Шоҳида опанинг алласи //Театр, 2006 йил №2, 36-бет.
7. Саҳна нутқи. Б.Бобоназарова. М.Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти ўқув босмахонасида чоп этилди. -Тошкент 2004.
8. Саҳна нутқи бўйича мутахассис, доцент А.Тўлаганов берган маълумот.



SAHNA NUTQI FANINI RIVOJLANTIRISHDA USTOZLAR MEROSINI O'RGANISHNING DOLZARB MASALALARI

(Ilmiy-amaliy seminar materiallari to'plami)

МАГДИЕВ Баходир Кабул-Кариевич

*Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти,
доценти*

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10841797>

РАМЗ ҚОДИРОВНИНГ ПЕДАГОГИК МАҲОРАТИ: АКТЁРЛИК МАҲОРАТИ ВА САҲНА НУТҚИНИНГ УЙҒУНЛИГИ МАСАЛАСИ

АННОТАЦИЯ

Мақола Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти “Театр санъати” факультети профессори Рамз Қодировнинг педагогик маҳорати хусусида бўлиб, унда “Актёрлик маҳорати” ва “Саҳна нутқи” фанларининг назарий-амалий жиҳатлари, иккала фаннинг ўзаро ижодий уйғунлигини топа олган устознинг методикаси ҳамда таълим жараёнларини ташкил этишдаги ўзига хослиги масалаларига бағишланади. Бундан ташқари, соҳа доирасида илмий тадқиқот олиб бориш педагогнинг фаолиятида нечоғлик муҳим аҳамият касб этишини ва профессионал кадр тайёрлашда асосий омил бўлиши ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: педагогик маҳорат, театр санъати, актёрлик маҳорати, саҳна нутқи, мусикали театр, хатти-ҳаракат, сўз, нафас, овоз, талаффуз.

ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО РАМЗА КАДИРОВА: ВОПРОС ГАРМОНИИ АКТЕРСКОГО МАСТЕРСТВА И СЦЕНИЧЕСКОЙ РЕЧИ

АННОТАЦИЯ

В статье рассказывается о педагогическом мастерстве Рамза Кадилова, профессора факультета «Театральное искусство» Государственного института искусств и культуры Узбекистана, а также теоретических и практических аспектах изучения дисциплин «Актерское мастерство» и «Сценическая речь», методика преподавателя, нашего творческую гармонию как дисциплин, так и учебного процесса, посвящена вопросам уникальности в организации. Кроме того, говорится, что проведения научных исследований в данной области имеет большое значение в работе педагога и является основным фактором подготовки профессиональных кадров.

Ключевые слова: педагогическое мастерство, театральное искусство, актерское мастерство, сценическая речь, музыкальный театр, действие, речь, дыхание, голос, произношение.

PEDAGOGICAL SKILLS OF RAMZ KADYROV: THE ISSUE OF HARMONY OF ACTING SKILLS AND STAGE SPEECH

ANNOTATION

The article talks about the pedagogical skills of Ramz Kadirov, professor of the Faculty of “Theater Art” of the State Institute of Arts and Culture of Uzbekistan, as well as the theoretical and practical aspects of studying the disciplines “Acting skill” and “Stage speech” the methodology of the teacher who found creative harmony as disciplines and the educational process, is devoted to issues of uniqueness in the organization. In addition, it is said that conducting scientific research in this area is of great importance in the work of a teacher and is the main factor in the training of professional personnel.

Key words: pedagogical skills, theater art, acting skill, stage speech, musical theater, behavior, breath, voice, pronunciation.

Кириш. Таълим соҳасидаги интеграциялашув жараёнида театр санъатига мутахассис кадрларни етиштириб келаётган Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ва ундаги педагогларнинг фаолияти муҳим аҳамият касб этиб, янги авлод тарбиясига, бўлажак актёр ҳамда режиссёрларни шакллантиришга хизмат қилади. Шундай экан, театр ижодкорини профессионал тарбиялаш жараёнидаги ҳар бир босқич ўта жиддий масала бўлиб, педагоглар олдига бир қатор масъулиятли вазифаларни қўяди. Жумладан, актёрлик ва режиссёрлик йўналишларида таҳсил олаётган талабалар билан актёрлик маҳорати ва сахна нутқи устида ишлаш услуби педагог томонидан ижодкорнинг индивидуал қобилиятларидан келиб чиқиб ёндашилади ва яқка ижрочига хос бўлган зарурий методлар тавсия этилади.

Асосий қисм. 1945 йилда ташкил этилган А.Островский номидаги театр ва рассомлик санъати институтида иш бошлаган устозларнинг олиб борган дарс машғулотлари, тадқиқотлари, улар яратган адабиётларни ўрганиб, бугунги кун талаба-ёшларига мактаб сифатида дарс машғулотлари ўтиб келинади. Шу кунгача орадан анча вақт ўтди. Ҳа, талабалар квотаси, уларга ажратилган соатлар бир мунча бошқачароқ шакллантириляётган бўлса ҳам, олий даргоҳимиз педагоглари касбига фидойилик билан ёш ижодкорларга сидқидилдан дарс жараёнларини ўтмоқдалар.

Бевосита ўша мактаб асосчиларидан саналган Ўзбекистон халқ артисти Назира Алиева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Қирғистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор Лола Хўжаева, Абдурахим Сайфуддинов, Сотимхон Иномхўжаев ва яна кўплаб устозларнинг ўқув адабиётлари, дарсликларидан фойдаланиб, дарс жараёнида улар қўллаган педагогик услуб, методикасини ўрганиб бугунги кунда сахна нутқи кафедрасида ҳам бир неча янги ўқув адабиётлари дунёга келган. Авваллари сўз санъати бўйича ўқув қўлланмалар, дарслик адабиётлар кам деган муаммолар барҳам топган. Излаган имкон топар деганларидек, ўқиб изланиб устозлар яратган мактаб асосида бунёд бўлган адабиётлардаги назарий ва амалий машғулотлардан фойдаланган ҳолда талабалар билан машғулотлар ўтказиляпти ва ана шу тадқиқотлар асосида шаклланган битирувчиларимизда сўз санъатига бўлган самарали меҳнатнинг маҳсули бор албатта.

Инсон ҳаёт экан у ўрганишда давом этади. 1993-98 йилларда мусикали театр актёрлиги йўналишида ўқиш жарёнида устоз сахна нутқи кафедраси маҳоратли педагоги Рамз Қодиров қўлида сабоқ олдим, тобландим. Ўша даврда Рамз ака қўлида қизил чарм папка ва унинг ичида А.Сайфуддиновнинг “Адабий асар ва ижрочилик маҳорати” ёки С.Иномхўжаевнинг “Бадий ўқиш асослари” [1] китоби бўлар эди [2].

Р.Қодиров устозлар яратган адабиётлардан фойдаланиб, бизга дарс ўтардилар. Ҳозирда устознинг бир неча ўзлари яратган ўқув қўлланмалари ва дарсликлари мавжуд бўлиб, ҳар бирини ўқиб, тадқиқ қилиб талаба ёшларга сахна нутқи фанини ўзлаштириши учун машғулот олиб борсак нур устига аъло нур бўлади. Хусусан, 2023 йилда яратилган Р.Қодировнинг “Сахна нутқи¹” [3] дарслиги ҳақида атрофлича тўхталиб ўтсам.

Муаллиф айнан бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда, илғор педагогик технологиялар, интерфаол усуллар билан талаба-актёр, талаба-режиссёр, талаба-бошловчи учун керакли маълумотларни кашф қила олган. Дарсликда бир неча машқлар схема шаклида, алоҳида бўлақларга бўлинган ҳолда бурилган. Нутқ аппаратлари анатомиясининг фотосуратлари жойлаштирилган. Бугунги кун талабасининг китобга бўлган меҳрини ошириш бир мунча мураккаблигини ҳаммамиз сезиб турибмиз. Бу дарсликни очган киши қизиқиб қолиши ва яна варақлаб охиригача кўришга интилади. Нафас, овоз, техник машқлар билан ифодали ўқиш ва бадиий сўзга етишиш учун қилинадиган машғулотлар асосланиб келтирилган. Дарсликдаги янгилик унли товушлар устида ишлашни анъанавий И товуши билан эмас, ноанъанавий А товушидан бошлашни таклиф қилганлар. Яъни, “И, Э, А, О, Ў, У, И” эмас, аксинча “А, О, Ў, У, И, А” [3].



Профессор в.б Рамз Қодиров

Устоз Рамз Қодиров сўз санъатини дарров олий билим даргоҳидан эмас, балки таълим тармоқларида боғча, умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-хунар билим юртлари, кейингина олий таълим билан боғлиқ жихатларини осон тарзда тушунтирганлар. Устоз санъат тармоқларида сўз устида ишлашнинг ҳам тармоқланишини мисоллар тариқасида С.Иномхўжаев тадқиқотлари асосида ёритганлар. Масалан: Санъат тармоқларида: радио, театр, кино, дубляж, бошловчилик; Маданият тармоқларида: нотиклик; Юридик тармоқларида: судья, адвокат; Ҳарбий тармоқларида: армия, қўмондонлик ва ҳ.к.

Сахна нутқининг тадрижий ривожини эса нотиклик, воизлик, гўяндалик, бахшичилик, имомлик, қироатхонлик, қасидахонлик, қиссагўйлик, бадиҳагўйлик, қизиқчилик, бадиий сўз устаси, бир актёр театри билан боғлайди ва буларнинг ҳаммасида сўз устида ишлашни аниқ мавзулар ва машқлар билан келтириб ўтади [3].

Дарсликни ўрганиш давомида эътибор қаратишни лозим деб топган жойларим кўп. Устоз ёзма ва оғзаки нутқни ҳам алоҳида тушунтириб ўтадилар. Ҳамма ҳам икки йўналишда ижод қила олмаса керак. Масалан: ёзма нутқ эслаб, хотирлаб, бемалолроқ тарзда ёзилса, оғзаки нутқда ҳозир ва шу ерда фикр келиши ва ифода этилиши керак. Талабаларнинг оғзаки нутқини ўстира олишига кўмак бўлиши учун Р.Қодиров ўз тадқиқотларида сонлар, рақамлар, карра жадвали, жониворлар, жой номлари ва исмлардан фойдаланиб уларни 15-20 тача кетма-кетликда такрорлаб, хотирани мустаҳкамлаш машқларини тавсия этади.

Ўқиш санъати бўйича методик тавсиялар:

- методик ўқиш – ажратиб, урғулаб ўқиш;
- мантиқий ўқиш – мазмунга қараб ўқиш;
- адабий ўқиш – грамматик ва поэтик қоидаларга риоя этиб ўқиш;
- ифодали ўқиш – тушунарли ва таъсирчан ўқиш;

- бадий ўқиш – асарнинг руҳига тамоман кириб, руҳий ҳолат, ички олам, хис-туйғу, физик ҳолат, жисмоний юриш, турли имо-ишоралар орқали ижро маҳоратини оширишни таъкидлайди.

Ушбу дарсликдан ва яна устознинг “Кўнгилдан ўтказганларим”, “Режиссура асослари. Ўзбекистон халқ артисти Баҳодир Йўлдошев ижоди мисолида”, “Актёрлик маҳорати” [4.] каби монография ва ўқув қўлланмаларидан фойдаланиб, талабаларга дарс бериб келаман.

Методикаси. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, сахна нутқи фанини ўқитишда Рамз Қодиров методикасини ўрганиш жараёнида, аввало устоз дарс бераётган курслардаги дарс жараёнлари ва рейтинг назоратларидаги намоёиш этилган машқлар, олинган материалларни талабаларга ўргатиш ва кўзланган мақсад, натижа қандай бўлганлигини кафедра аъзоларининг муҳокамаларига қулоқ тутаман.



Рамз Қодиров устахонаси, методикаси деганда устознинг дарс ўтиш жараёни бевосита актёрлик маҳорати элементлари билан чамбарчас боғлиқлигидир. Ўзбекистон халқ артисти Баҳодир Йўлдошев билан дийдор театр-студиясида талабалар билан ўтказилган амалиётда ҳам, бизнинг ўқиш давримизда ҳам актёрлик маҳорати ва сахна нутқи фанларидан дарс берганлар.

ЎЗДСМИ ўқув театрида “Тўда” спектаклида

Овоз жаранги, унли-ундошлар талаффузида Рамз Қодиров талабага катта ёрдам бериши мумкин бўлган бирикмаларни топшириқ қилиб беришлари бош омилидир. Мусикий театр актёрлиги курсида бир неча йиллардан бери бирга устоз билан машғул олиб бориш асносида актёр талаффузини мусикийликка мойил қилишга аҳамият бераман. Масалан, бум-бака бум-бака бака-бум... Ялла ансамбли томнидан ижро этилган “Чойхона” кўшиғидан фойдаланаман:

“Шаҳрим гулхона бўлса,

Жонон чойхона бўлса...” деб бошланадиган сатрларни речитатив усулида айтиш, қўшиқ сўнггида эса хор бўлиб гуруҳли айтиш талабаларга жуда ёрдам беради.

“Елкасида оқ сочиқ,

Қалби дарёдай очиқ...” деб давом эттирганида ноталарга бўлиш, иккилик товуш ва учлик товушларда аниқ нотани ушлаш, эшитиш, мақсадга йўналтирган ҳолда ижро қилишда равон талаффуз учун ундошларни унли товуш орқали талаффузига эришиш тавсия этилади. Масалан:

КПРТ-ГБДР каби бирикмалар унли қўшилиб ижро қилинганда И-Э-А-О-Ў-У-И,
ЧПТР-ЖБДР

СЧТРИ-ЗЖДРИлар эса тез айтишлар билан мустаҳкамланишини таъкидлаб ўтиш жоиз:

- 1. Кафтдек тепа, кафтдек тепанинг устида кемадек қапа. Қапада қоровул, қоровулнинг олови ловулар, кучуги вовулар.*
- 2. Чумчуқ чирқиллаб чугурчуқни чўқимаса, чугурчуқ чурқуллаб чумчуқни чўқимайди.*
- 3. Самарқандлик савдогарга сўлиган сабзи сотганлиги сабабли, саккиз минг саккиз юз саксон саккиз минг солиқ солинсин.*

Рамз Қодиров талабалар билан ишлаш жараёнида мохирлик билан ёндашиб, аруз вазнига қадам қўйишдан аввал машҳур ёзувчи ва шоирларнинг қўшиққа айланган ашъорларидан фойдаланади. Масалан, Ҳ.Солоҳ қаламига мансуб қуйидаги матн устида ишлаш йўлларига тўхталсак:

Рамз Қодиров “Эстрада актёрлиги (бошловчилик)” гуруҳига бадиий раҳбар бўлган пайтлари талабаларни 3 қисм, 3 гуруҳга бўлиб, 3 та ўқитувчи таклиф қилганлар. Жанрларни алоҳида ажратиб олиш асносида сиёсий-ижтимоий нутқдан педагог Ш.Юсупов, сатирик-юмористик эшиттиришлар нутқидан педагог Б.Мағдиев, драматик асар нутқига эришиш учун педагог М.Хожиматовалар иш олиб борганмиз. Натижаси бугун давлат ва нодавлат телерадиоканаллари, театр, кино ва сериаллардаги битирувчиларимиз ижросида кўринади. Хулоса қилиб айтганда, ўрганиш ва изланишдан чўчимаслигимиз керак.

ИҚТИБОСЛАР

1. Сайфиддинов А. Адабий асар ва ижрочилик маҳорати. –Тошкент: Фан, 1980. Иномхўжаев С. Бадиий ўқиш асослари. –Тошкент: Ўқитувчи, 1973.
2. Магдиев Б. Тақдирим радиобошловчилик. – Тошкент: Замон полиграф, 2021.
3. Р.Қодиров. Саҳна нутқи. – Тошкент: Фан ва технология, 2023.
4. Қодиров Р. Кўнгилдан Ўтказганларим. –Тошкент: Фан ва технология, 2009. Қодиров Р. Режиссура асослари Ўзбекистон Халқ артисти Баҳодир Йўлдошев ижоди мисолида. – Тошкент: Наврўз 2015. Қодиров Р. Актёрлик маҳорати. – Тошкент: Наврўз, 2018



SAHNA NUTQI FANINI RIVOJLANTIRISHDA USTOZLAR MEROSINI O'RGANISHNING DOLZARB MASALALARI

(Ilmiy-amaliy seminar materiallari to'plami)

ИБРАГИМОВА Умида Наврўзовна

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
катта ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10841865>

СЎЗ УСТАСИ ШОКИР ЮСУПОВ

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола узок йиллар санъат соҳасида фаолият олиб борган олий тоифали суҳандон, “Саҳна нутқи” кафедраси доценти Шокир Юсуповнинг фаолияти ҳақида.

Калит сўзлар: саҳнавий нутқ, радио, овоз, актёр, театр, телевидение, ижро, суҳандон, тренинг, тажриба, диктор.

МАСТЕР СЛОВА ШОКИР ЮСУПОВ

АННОТАЦИЯ

Данная статья посвящена творчеству Шокира Юсупова, доцента кафедры "сценическая речь", диктору высшей категории, который много лет активно работает в сфере искусства.

Ключевые слова: сценическая речь, радио, голос, актер, театр, телевидение, перформанс, соло, обучение, опыт, диктор.

LYRICIST SHOKIR YUSUPOV

ANNOTATION

This article is about the work of shokir Yusupov, associate professor of the Department of "stage speech", announcer of the higher category, who has been active in the field of art for many years.

Keywords: stage speech, radio, voice, actor, theater, television, performance, solo, training, experience, announcer.

Қирриш. Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти “Саҳна нутқи” кафедраси доценти, олий тоифали суҳандон Шокир Юсупов 1965-йилда Тошкент шаҳрида зиёлилар оиласида туғилган. 1982-йили А.Н.Островский номидаги Тошкент театр ва рассомлик санъати институтининг (ҳозирги ЎзДСМИ) доценти Надежда Павловна Никифорова, Ҳамида Маҳмудова, Муҳиддин Соҳибовлар раҳбарлик қилаётган “Драма театри ва кино актёри” бўлимига ўқишга қабул қилинади. Саҳнавий нутқ, радио ва телевидение нутқини маҳоратли ўқитувчи Муҳаммаджон Исмановнинг тажрибалари орқали кузатиб боради ва келажакдаги фаолияти учун уларнинг иш тажрибаларини кунт билан ўзлаштиради.

Бу жараёнлар эса Ш.Юсуповнинг 1986-йили институтни муваффақиятли тамомлаб, Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясида диктор лавозимида ишлашдаги илк қадамларини яққол белгилаб берганди. У ишлаш давомида амалиётчи диктордан олий тоифали диктор лавозимигача кўтарилган. 1992-йили Ўзбекистон радиоканалининг “Ахборот” бош мухаририятида мухаррир, 1994-йили “Халқаро ҳаёт” бош мухаририятида катта мухаррир, 2005-йили “Ёшлар” телерадиоканали “Аср” ахборот таҳлили мухаририятининг катта мухаррири, 2006-йили “Ёшлар” телерадиоканалининг олий тоифали суҳандони лавозимларида фаолият олиб борган.

Мухаррирлик лавозимида ишлаган даврида асосан, Ўзбекистоннинг ҳориж мамлакатлари билан бўлган маънавий-маърифий соҳалардаги хабар ва лавҳаларини ёритиб келган. Бу вақт ичида “Бозор кўникмаларини ривожлантириш маркази” (ТАСИС) билан ҳамкорликдаги лойиҳа асосида ўз малакасини ошириб, “Республика кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш”га бағишланган 11 қисмдан иборат эшиттириш ҳаммуаллифи бўлган. Ушбу эшиттириш ўзбек, рус ва инглиз тилларида жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари эфирларига тақдим қилинган. Шунингдек, Франция ташқи ишлар вазирлиги тасарруфидаги журналистларни қайта ўқитиш “Сифаг” ташкилотидида малака ошириб, Республика ўрта ва олий таълим даргоҳларида француз тилини ўрганувчилар учун “Лора ва Патрик Францияда” деб номланган 60 қисмдан иборат радио дастурини яратишда иштирок этган. Туркия, Эрон, Миср, Франция телевидение ва радиосида малака ошириб, суҳандонлик маҳорати амалиётлари билан мукаммал танишиб борган. Бундан ташқари МДХ, Европа, АҚШ, Африка давлатларида журналистика соҳаси бўйича сафарда бўлган ва кўплаб ТВ ва радио кўрсатув ва эшитиришлар тайёрлаган.



Доцент, Шокир Юсупов

Ҳамкасби, олий тоифали суҳандон Дилфуза Юсупова унинг ижодий фаолиятини куйидаги сўзлар билан эътироф этиб ўтгани фикримизни ойдинлаштиради: *“Мен Шокир Юсупов билан деярли 15 йилдан буён “Давр” ахборот мухаририятида ишлаб келмоқдаман. Радиодаги барча ёш диктор ва мухаррирлар устознинг билимини, илмини ҳурмат қилган ҳолда микрофон билан ишлаш санъатини улардан тухта ўрганишига ҳаракат қиладилар. Ҳам радиода, ҳам телевидениеда, шунингдек, Республикаимизнинг бошқа оммавий ахборот воситаларида ишлаётган ёшлар билан доимо фахрланадилар. Ҳам меҳрибон, ҳам талабчан, ўз ишининг устасига айланган устоз дикторлик мактабини сақлаб келаётган ижодкордир”* [1]. Шу билан бирга “Ёшлар”, “Дунё бўйлаб” телеканаллари ҳамда Ўзбекистон “Ўзбекхроника”сида ишлаган, илмий фильмларни овозлаштиришда иштирок этган.



Қабул имтиҳон жараёнларидан

Ўзбекистон радиосининг “Ёшлар” радиоканали “ДАВР” информацион дастурларини тайёрлаш ва уни эфирга узатиш ишларида фаол қатнашиб келмоқда. Радиосериалларда турли хил ролларни актёр сифатида ижро этиб, ижодий малакасини ошириб келмоқда. 2010-йилда Ўзбекистон давлат санъат институтининг “Саҳна нутқи ва нотиклик санъати” кафедрасига ўриндошлик асосида ўқитувчи бўлиб ишга қабул қилинади.

2012-йилдан бошлаб эса Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти “Саҳна нутқи” кафедрасида доцент лавозида ишлаб келмоқда.

Институтдаги ўқитувчилик фаолиятини бошлаганда кафедранинг тажрибали устозлари Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, доцент З.Алимжанова, Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, доцент Ў.Нурмухаммедовларнинг дарс машғулотлари, талабалар билан сўз устида ишлаш маҳорати, якуний рейтинг назоратлари тақдимотлари ҳамда муҳокама жараёнларини кунт билан кузатиб, педагогик амалиётларини ўзлаштириб келган. Устозларининг кўрсатма ва тавсиялари бугунги кунда Ш.Юсуповнинг малакали ҳамда тажрибали устоз бўлиб шаклланишида асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда Ш.Юсупов дарс машғулотларини қизиқарли ва мазмунли ташкил қилишда аввало, талабада фикрлаш, муносабатини аниқлаб олиш, матнни ижрочилик партитураси кесимида таҳлил қилиш, фикр ва тасаввурда яшаш, ҳис қилиш, кўра билиш ҳамда баҳолай олиш каби жараёнларга чуқур ёндошган ҳолда яққа ва гуруҳли ишларни мазмунли олиб бормоқда.

Шу боис ҳам талаба билан сўз устида ишлаганда: *“матнни чуқур таҳлил қилиш, кунт билан тушуниш, кейин ижро қилиш кераклигини айтиб ўтади. Тушунмасдан туриб ижро қилинган асар, шунчаки матнга юзаки, қуруқ ёндошувни акс эттириб, нотўғри талқин қилинганини кўрсатади, бу жараён эса “Саҳна нутқи” мактаби учун қарама-қарши, зид тушунчалардир”* - деб, талаба ва ёш мутахассисларга амалий маслаҳатлар бериб келмоқда.

Шокир Юсупов саҳна нутқининг спецификасини ўрганиб, уни кўғирчоқ курсларида амалда қўллади. Саҳна нутқининг ўзига хослигини ушбу йўналиш талабалари билан имитацияни уйғунлаштириб янгича методни қўллай бошлади. Устозларининг кўрсатмалари ҳамда ўзининг меҳнат фаолиятида ўзлаштирган билим ва кўникмаларини талабалар ва кафедра ёш ўқитувчиларига ўргатишдан асло чарчамайди. Педагогик фаолияти ҳамда суҳандон сифатидаги иш жараёнларини умумлаштирган ҳолда 2014-йили санъат ва маданият таълим йўналиши талабалари учун “Бошловчилик маҳорати” ўқув қўлланмасини нашрдан чиқариб, суҳандонлик ва бошловчилик маҳоратига қизиқувчи талабалар эътиборига тақдим қилди.



Хамкасблари ва талабалар билан

Ушбу ўқув қўлланмада бошловчилик маҳорати омиллари, театр санъатида бошловчининг ўрни ва аҳамияти, микрофон билан ишлаш, матн ўқиш кўникмалари, бошловчи ва суҳандоннинг микрофон ҳамда камера қаршисидаги масъулиятлари борасидаги тафсилотлар қамраб олинган: *“Албатта телевидение ва радио тингловчилар учун тайёрланган эшиттириш ёки кўрсатув ким тайёрлаши ва олиб боришидан қатъий назар тушунарли, мазмунли ва таъсирчан бўлиши лозим. Бунда энг аввало, бошловчи ёки дикторнинг нутқий маҳорати жуда муҳим. Даставвал, диктор ёки бошловчилар учун танланаётган мутахассис радиофоник овозга эга бўлиши, телевидение учун эса экранга мос тушадиган, кўриниши, сўзлашув нутқи, ички одоби юзида акс этиб турган мутахассис ёки бошловчи танланиши шарт”*, - [2] деган қатъий фикрларни олға суриб, экран орти сирлари билан таништириб борганлигидан далолатдир.

Бошловчи ва суҳандон сифатида саҳна нутқи жараёнларини олиб бориш, микрофон билан ишлаш борасида Республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференциялар, семинар-тренингларда маърузалар, мақолалари билан қатнашиб, амалиётни назарий таҳлиллар билан илмий асослаб, тушунтириш ишларини олиб бораётгани таҳсинга сазовордир.

Бугунги кунга келиб Ш.Юсупов саҳна нутқи бўйича турли йўналишларда ўз методикасини яратиб бормоқда.

ИҚТИБОСЛАР

1. Олий тоифали суҳандон, теле ва радиобошловчи Дилфуза Юсупова интервьюси. 2018 йил август.
2. Ш.Юсупов “Бошловчилик маҳорати” ўқув қўлланма. Наврўз нашриёти. Т-2014 йил. 41-42 бетлар.
3. Нурмухаммедова Ў. Саҳна нутқи. (Кўғирчоқ театри актёрлиги ва режиссёрлиги гуруҳлари учун. – Т., 2008. – 150 б.
4. Холиқулова Г. Саҳна нутқи (тарихий драмалар мисолида) – Тошкент: ТДСИ, 2007 йил. 130-бет.
5. Холиқулова Г. Саҳна асарларидаги қаҳрамон характери талқин қилишда замонавий коммуникатив технологиялардан фойдаданиш услубияти. - Тошкент. 2015 йил. 84-бет.



SAHNA NUTQI FANINI RIVOJLANTIRISHDA USTOZLAR MEROSINI O'RGANISHNING DOLZARB MASALALARI

(Ilmiy-amaliy seminar materiallari to'plami)

НАЗАРОВА Иноятхон Бахтиёрвна

*Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
ўқитувчиси*

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10841889>

СОТИМХОН ИНОМХЎЖАЕВ ИЛМИЙ ВА ИЖОДИЙ ЙЎЛИГА ЧИЗГИЛАР...

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада санъатшунослик илмида сахна нутқи бўйича педагогик фаолият олиб бориб, “Сахна нутқи” фанидан талабаларга дарс берган, бир неча ўқув қўлланмалар муаллифи Сотимхон Иномхўжаев ҳақида сўз боради. Шунингдек, асосий эътибор суҳбатлардан йиғилган манбаларга қаратилган.

Калит сўзлар: сахна нутқи, нутқ маҳорати, нотиклик, педагог, актёр, режиссёр, диссертация, қўлланма.

СОТИМХОН ИНОМХОДЖАЕВ НАУЧНО-ТВОРЧЕСКИЙ ПУТЬ...

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассказывается о Сотимхане Иномходжаеве, который вёл педагогическую деятельность по сценической речи в искусствоведении, преподавал студентам «Сценическая речь», автор нескольких учебных пособий. Он также сосредоточил внимание на источниках, собранных в ходе интервью.

Ключевые слова: речь, оратор, педагог, актер, режиссер, диссертация, пособие, роман.

SOTIMKHON INOMKHODJAEV SCIENTIFIC AND CREATIVE PATH...

ANNOTATION

This article talks about Sotimkhan Inomkhodjaev, who conducted teaching activities on stage speech in art history, taught students “Stage speech”, and authored several textbooks. He also focused on the sources collected during the interviews.

Key words: speech, speaker, teacher, actor, director, dissertation, manual, novel.

Кириш. Театр ва кино санъатида етук актёр тарбия қилишда бир қанча омиллар ўз таъсирини кўрсатади. Талабанинг шахс сифатида камол топишида ўз устида ишлашида ҳар бир фанинг ўрни бор. Шулар қаторида “Саҳна нутқи” фани ҳам мустасно эмас. Актёр нутқининг равон, таъсири, ёқимли бўлишида нафақат табиатдан берилган қобилият балки саҳна нутқи дарсида талабалардан талаб этиладиган машқлар, матнлар устида ишлаш актёрнинг турли қирраларини очишда кўмакчидир.

“Саҳна нутқи” кафедраси устозларининг педагогик фаолияти жараёнида “Саҳна нутқи” илми янада чуқур ўрганилди, йиллар давомида турли йўналишларга дарс бериш методлари тадбиқ қилинди натижада бир қанча ўқув қўлланмалар, дарсликлар чоп эттирилди.

Устозлар босиб ўтган йўл кафедра ривожига қўшган илмий-амалий ишлари ҳозирга қадар дастурамал бўлиб келмоқда. Бу узок босиб ўтилган йўлни эслаш ёш авлодга наъмуна сифатида кўрсатиш хайрли ишдир. Кафедрада самарали меҳнат қилган устозлардан бири Сотимхон Иномхўжаев 1939 йил 22 мартда Наманган вилояти Чуст шаҳрида туғилган. Отаси Мунавваров Иномхўжа Иккинчи жаҳон уруши фахрийси бўлиб, колхозда бошқарувчи, ҳисобчи вазифасини ўтаган. Онаси Турсунова Хосиятхон ая уй бекаси бўлиб, еттита фарзанд тарбияси билан шуғулланган. Тўнғич фарзанд Сотимхон Иномхўжаев ҳақида кўрсатув, интервьюлар бўлган-у, бироқ матбуотда ёзилган манбалар деярли йўқ. Шу боис ушбу мақолани ёзиш учун Сотимхон Иномхўжаевнинг оиласи, касбдошлари, шогирдлари билан ўтказилган суҳбатлар асосида материаллар йиғилди.



Санъатишунослик фанлари номзоди, Сотимхон Иномхўжаев

Сотимхон Иномхўжаевнинг укаси Сиёсий фанлар доктори, профессор Зоҳидилла Мунавваров шундай деган эди. “Ота-онамиз оддий инсонлар бўлишган, аммо илмни ва илмли инсонларни қадрлашган. Онам Хосиятхон жуда кўп китоб ўқирдилар, жумладан араб ёзувидаги энциклопедик китоблар, диний китоблардаги сураларни, лотинча ёзувни ҳам билардилар” [1].

Оилада она тарбиясининг ўрни беқиёс эканига яна бир қарра амин бўлдик. Онанинг ўқишга, китобга меҳри етти фарзанднинг тарбиясида ўз аксини топди. Фарзандларнинг барчаси олийгоҳга ўқишга кириб жамият ривожига йўлида меҳнат қилишди.

13-умумий ўрта мактабни тамомлаб, табиатдан адабиёт ва санъатга меҳр қўйган битирувчи С.Иномхўжаев ҳеч иккиланмай А.Н.Островский номидаги Тошкент Давлат театр ва рассомлик санъати институтининг “Драма ва кино актёрлиги” бўлимига ўқишга кирди. Устозлари Александр Гинзбург, Тошхўжа Хўжаев, Назира Алиева қўлида режессёрлик, актёрлик ва саҳна нутқи фанларини астойдил ўрганди. Режессёрлик йўналишида ҳам таҳсил олди. Иш фаолиятини 1960 йил институтнинг “Саҳна нутқи” кафедрасида бошлаган С.Иномхўжаев энг аввало ўзбек адабиёти, сўз санъатининг шайдоси бўлиб нафақат нотиклик маҳоратига эга инсон, балки яхшигина қалами чарҳланган ижодкордир.

Устоз ҳақида шогирди филология фанлари номзоди Содикжон Носиров шундай ёдга олди. “Устоз “Саҳна нутқи” бўйича биринчи ўқув қўлланма чиқарган олим. “Бадиий ўқиш асослари” китобини 1973 йилда нашр эттирди. Бу китоб тарихини яхши биламиз чунки биз айнан ўқиш давримиздан шу ёзилганларни амалиётда синар эдик. Қўлёзма китоб амалиётда, тасдиғини топди, кафедрадаги муҳокамалардан сўнг китоб ҳолига келтирилиб нашр эттирилди. Ушбу китоб “саҳна нутқи” фани учун ўқув қўлланма, дастур сифатида фойдаланилди.

С.Иномхўжаевнинг китоби дебеча, асос бўлиб, Иноятилла Пўлатов “Матнлар устида ишлаш”, Абдурахим Сайфуддинов “ғазаллар”, Маҳкам Исроилов “монологлар”, Гўзал Холикулова “Тарихий драмалар”, Исоқтой Джуманов “қўғирчоқ бўлими актёлари”, Содиқжон Носиров “муסיқали драма, эстрада, режессёрлик йўналишлари” каби ўқув қўлланмалар устозлар томонидан яратилди” [2].



Сотимхон Иномхўжаев рассом Ортиқали Қозоқов билан ижодий суҳбатда (1980 йил)

С.Иномхўжаев яратган қўлланмасининг мукқадимасида

хақиқатдан бу илк изланишлар эканини ва сахна нутқи бир неча фан тармоқлари билан боғлиқлигини шу сабаб осон йўл эмаслигини қайд қилди.

Устознинг режессёрлик бўлимидаги ўқиш жараёни Бухорадаги диплом спектакли билан муваффақиятли яқунланган. Ундан сўнг С.Иномхўжаев режессёр сифатида юртимиз вилоятларида бир неча спектакллар сахналаштирди. Жумладан Наманган, Қашқадараё, Самарқанд театрларида спектакл сахналаштирди. С.Иномхўжаев институтдан ташқари Оқарту маданият техникумида режессёрлик, актёрлик маҳорати, сахна нутқи фанидан дарс берар эди. Актёр сифатида эса “кўрлар жамиятига” бориб турли романлар, хикояларни ўқир, уларни пластинкага ёзиб олинар эди. Ушбу жараён С.Иномхўжаевга шубхасиз актёр сифатида завқли жараён ҳисобланган. Кун тартиби иш билан тўлиқ домла диссертация ҳимоясига кўп ҳаракат қилар аммо кундалик ташвишлар билан ҳимоя, диссертация иши орқага суриллаётганини кўрган устози Назира Алиева С.Иномхўжаевни Навоийшунос олима, профессор, Ўзбекистон қахрамони Суюма Ғаниева билан таништиради. С.Иномхўжаевга бу танишув илмга янада кенг йўл очди ва бир йил ичида диссертация устида қаттиқ иш олиб бориб, Азарбайжоннинг Баку шаҳрида 1970 йили илмий ишини муваффақиятли ҳимоя қилди. Бу ҳимоя Навоийшунос олима ва диссертант учун ҳам қизиқарли янги олам кашфиёти эди. “Алишер Навоий ва бадиий сўз санъати ижрочилиги” мавзусида ёзилган иш бевосита актёрлик маҳорати, сахна нутқи билан боғлиқ эди.

Илмий раҳбарга нисбатан хурмат, эътибор белгиси аввало инсонийлик юзасидан қилинган иш, Суюма Ғаниевада ўз шогирдига нисбатан миннатдорлик ҳиссини туғдирди. “1998 йил С.Иномхўжаев Суюма Ғаниевани уйига келиб ундан паспорт беришини сўрайди устоз ҳайрон бўлиб унга паспорт беради кейин билса Сотимхон уни хаж сафари учун сўраган экан. Алишер Навоий хажга бора олмаганини унинг учун шогирдлари хаж бадал қилишганини билган олима бу сафардан беҳад мамнун бўлади” [3].

Санъат институтининг бошқа институтлардан фарқи бўлакча у ерда яратгандан берилган иқтидор соҳиблари таълим олишади. Бу даргоҳда дарс бериш педагогдан илм, маҳорат талаб қилади. Инсон кўнглини забт этиш билан уни тарбияловчи касб эгалари– актёрларга тўғри, тўлақонли таълим-тарбия бериш ҳаммининг қўлидан келавермайди. Турмуш ўртоғининг хотирлашича устоз камтар, очиқ юзли, яхши суҳбатдош бўлган. “Талабалар билан эркин эдилар уларга юқоридан қарамас, ўз дўсти яқин инсони каби муомалада бўларди” [4].

С.Иномхўжаев қўл остида сахна нутқи фанини ўзлаштирган жуда кўп талабалар келажакда актёр ҳам устоз сифатида “сахна нутқи” кафедрасида фаолиятларини юритдилар. Улар билан суҳбатлашар эканмиз чин юракдан ўз устозларига минатдорлик ҳиссини изхор қилишди. Кафедра доценти, Ўзбекистонда ҳизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Исоқтой Джуманов. “Дарсларда фаол эдим, ўз устимда кўп ишлардим, шуларни кўриб менга ишонч билдириб яқка дарсларга бориб ишланг дердилар, техникумга бориб яқка дарсларда ишлар эдим.

1970 йилларда РХС (режессёр художественный самодеятельность) шундай йўналиш бўлар эди уларга ҳам кириб ишлар эдик” [5].

Талабаларга қўшимча иш юклаш билан фақат ўз маъсулиятини камайтириш эмас балки уларни синаш ўз касбига рағбатини ошириш бўлган. Бунини талаба шогирди фалсафа фанлари номзоди, доцент Маъмуржон Умаров сўзларидан англаш мумкин. “Иккинчи курслигимда устоз менга талабалар конференциясига қатнашасан деб, “Саҳна нутқи фанида Сайрам шеvasини тузатиш масалалари” мавзусида вазифа берди. Педагогика фанлари номзоди Б.Зариповнинг “Ўзбекистон шевалари” дарсликдан фойдаланиб, дарсликдан иқтибослар олиб, тўрт варроқ қоғозни қораладим қўл ёзма қилиб обордим. С.Иномхўжаев қўлёмани конференция талабларига жавоб берадиган даражада таҳрир қилиб, печатдан чиқариб мени номимдан комиссияга топшириб юборибдилар. Шунингдан кейин саёз бир янгилик, устозни таҳрири остида бойиган ва илмийлашган” [6]. Ўз шогирдига эътибор, бағрикенглик ҳақиқий олимга хос хислатдир..

С.Иномхўжаев қўл остида ўқиган талабалардан халқ суйган актёрлар, сўз усталари етишиб чиқди. Шулардан бири “Ўзбекистон ва Тожикистонда хизмат кўрсатган артист, сўз устаси Ҳожибой Тожибоев. Ҳамда қисқа умри давомида театрда актёр сифатида самарали фаолият олиб борган, турли латифа ва ҳангомаларни мукаммал ижрочиси Рустам Ҳамроқуловдир. Бу номларни эшитишимиз билан эстрадада сўз санъатини ривожланишига катта ҳисса қўшган, ўз иқтидори, йўналиши ва шахсий хусусиятлари билан халқни ортидан эргаштира олган санъаткорлар кўз олдимизга келади. Бунда эса уларга таълим берган устозларнинг ўрни бекиёс.

С.Иномхўжаев ўз позициясига эга, табиатдан бир сўзли, виждон амрига қулоқ солиб иш қилувчи олимдир. С.Иномхўжаев ҳокисор, шон шуҳрат овчиси эмас, камтар инсон эди, – дейди Тухфа она олимнинг умр йўлдошлари. “Тожиқ маданияти марказини ташкил қилиб Тожиқ ва Ўзбек халқи алоқаларни кучайтиришга кўп хизмат қилганлар. Бунинг натижаси ўлароқ дўстлик ордени билан тақдирланишлари керак эди аммо, бу ерда хизмат қилаётган ёшлар бор деб, ўзлари билан бирга ишлайдиган ёшлардан бирига ҳужжатларни расмийлаштирганлар” [7].



*Сотимхон Иномхўжаев ҳамкасблари билан
(1970 йил)*

Уч тилни форс, араб, рус тилини мукаммал билган С.Иномхўжаев юзга яқин илмий мақолалар, бир неча пьесалар, шеърлар муаллифидир. “Бадий сўз маҳорати” (ҳаммуаллиф Лола Хўжаева), “Бадий ўқиш асослари”, “Ифодали ўқиш асослари” (ҳаммуаллиф Асқар Зуннунов) китобларидан ҳозирги кунга қадар хусусан тил ва адабиёт йўналиши бор олийгоҳ талаба ва устозлари фойдаланиб келишмоқда. Домла бошқа олий таълим профессор–ўқитувчилари билан доимий алоқада ҳамфикр ишлаган. С.Иномхўжаев бир неча китобларни форс тилидан ўзбек тилига таржима қилган “Ажойиб ҳангомалар” 1974 йил, Фаҳриддин Али Сафийнинг “Латофатнома”си 1996 йил, “Собир Раҳмоний” асарларидир.

С.Иномхўжаев умрини илмга санъат ва маданият соҳаси ривожига бағишлади. Шогирдлари эса ўзларидан яна шогирдлар етиштирдилар бу эса институт таълим жараёнининг такомиллашувига, ўзбек санъати келажагига ўз таъсирини ўтказмай қолмади.

Саҳна санъати усталарининг нутқини тарбияловчи ўқитувчилар устозларни ёзиб қолдирган илмий меросидан унумли фойдаланишлари, талабалар орасида тадбиқ қилишлари, илмий ишларни давом эттиришлари даркор.

ИҚТИБОСЛАР

1. Сиёсий фанлар доктори, профессор Мунавваров Зоҳидилла (укаси) билан бўлган суҳбатдан. 2024 йил 21 январь.
2. Филолгия фанлари номзоди, доцент Носиров Содиқжон билан бўлган суҳбатдан. 2024 йил 19 январь.
3. “Умр дафтари...” Суюма Ғаниева илмий меросига бағишланган кўрсатув. Маданият ва маърифат канали. 2022 йил 25 июль.
4. Иномхўжаева Соҳиба (турмуш ўртоғи) билан бўлган суҳбатдан. 2024 йил 21 январь.
5. Ўзбекистонда ҳизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, доцент Джуманов Исоқтой билан бўлган суҳбатдан. 2024 йил 19 январь.
6. Фалсафа фанлари номзоди, доцент Умаров Маъмур билан бўлган суҳбатдан. 2024 йил 26 январь.
7. Иномхўжаева Тухфа (турмуш ўртоғи) билан бўлган суҳбатдан. 2024 йил 23 январь.



SAHNA NUTQI FANINI RIVOJLANTIRISHDA USTOZLAR MEROSINI O'RGANISHNING DOLZARB MASALALARI

(Ilmiy-amaliy seminar materiallari to'plami)

ТОҲИРОВ Ойбек Собир ўғли

*Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
катта ўқитувчи*

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10841947>

СОДИҚЖОН НОСИРОВНИНГ ШЕЪРИЙ МАТНЛАР УСТИДА ИШЛАШ МАҲОРАТИ

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ўзининг самарали ижодий, назарий ва амалий изланишлари, кенг тармоқли тажрибалари билан санъат таълимида самарали фаолият кўрсатиб келган, доцент Носиров Содиқжон Носировичнинг “Шеърий матнлар устида ишлаш” ҳамда халқ оғзаки ижодида “Сўзнинг кучи” ҳақидаги илмий педагогик ишлари ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: шеърият, шеърий матнлар, ижро, шеърда образлилик, халқ оғзаки ижоди.

МАСТЕРСТВО САДИКЖАНА НАСЫРОВА В РАБОТЕ НАД ПОЭТИЧЕСКИМИ ТЕКСТАМИ

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассказывается о научно-педагогической работе доцента Насырова Садикжона Насыровича, который плодотворно работал в области художественного образования своими плодотворными творческими, теоретическими и практическими исследованиями, многопрофильным опытом “работы над поэтическими текстами”, а также о силе “слова” в устном народном творчестве.

Ключевые слова: поэзия, поэтические тексты, перформанс, образность в поэзии, устное народное творчество.

SADIKZHON NOSIROV'S SKILL IN WORKING ON POETIC TEXTS

ANNOTATION

This article talks about the scientific pedagogical work of dosent Nasirov Sadikzhon Nosirovich on “work on poetic texts” and on the power of “word” in folk oral creativity, which has been effectively functioning in art education with its effective creative, theoretical and practical research, multidisciplinary experiments.

KeyWords: poetry, poetic texts, performance, figurativeness in poetry, folk oral creativity.

Кириш. Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти “Саҳна нутқи” кафедрасига ўқитувчи бўлиб иш бошлашимнинг илк куниданоқ, устозим Қодиров Рамз Турабовичнинг ёнларида ассистент-ўқитувчи сифатида ушбу фаннинг мен учун қизиқ ва сирли туйилган, талабалик пайтимданоқ ўзига оҳанрабодай тортган “Шеърят ва шеърый матнлар билан ишлаш маҳорати” сирларини ўрганишга киришиб кетдим.

Бу борада алоҳида, ўзига хос услубда ишлаган устозлардан кимларни ўрганишим керак деган савол кўндаланг турар эди?. Бир куни устозим, Носиров домла ҳақида гапириб, у кишини 2-курс мусикали театр актёрлиги таълим йўналиши талабаларига “Маҳорат дарси” ўтиб бериш учун таклиф қилганларини, шеърят оламига доир савол-жавоблар бўлиши ва мен ҳам ўзим учун қизиқ бўлган нарсаларни ўрганиб, билиб олишим учун қулай имконият эканлигини айтдилар.

Устозим айтган, мен кутган кун келди. Лутфихоним Саримсоқова номи берилган ижодий устахона эшиклари очилиб, Носиров Содикжон Носирович кириб келдилар. Домлани биринчи мартаба кўришим эди, тўғриси айтсам, ҳозир шу ижодий учрашувда шеърят ҳақида ўзимни қизиқтирган ҳамма саволларимни бераман, домлани сўроқ саволларга кўмиб ташлайман деган фикрим билан ҳаяжонда турар эдим.

Бирдан Содикжон ака саҳнага чиқишимни ва ўзим ёқтирган шеърдан айтиб беришимни шу орқали мен қилган ижрога боғлаб шеърятда муҳим саналган, бугун талабаларга ва ёш педагогларга жуда зарур бўлган нарсалар ҳақида гапириб беришларини айтиб қолдилар. Шунда талабалик йилларимда ёд олган Усмон Азим қаламига мансуб Бахшиёна туркумидан “Элбек бахшининг дарди” шеърини ўқий бошладим.

Шеърнинг тўртинчи ёки бешинчи мисрасига келганимда, Содикжон домла бирдан мени тўхтатдилар ва “Шеърда образ бўлиши керак, шоир ҳаёлидаги қаҳрамонини тилидан тўкилган сўзларни унинг дардини қоғозга туширади, ижрочи-актёр эса ўша қаҳрамон “образ”ида уни жонлантиради! Агар шеър уйғоқ, жонли, аниқ бир образда айтилмаса, “тирилмаса” билингки, томошабин, тингловчи таъсирланмайди, шу доим ёдингизда бўлсин” дедилар ва суҳбат давом этди. Ўшанда мен Содикжон Носировнинг бу сўзларидан “мен кидирган одам шу, шу кишидан шеърят оламига кириш ва унинг бепоён уммонида сузиб, сир-синоатларини, ижро техникасини, шеърый матнлар устида қандай ишланиши керак эканлигини ўрганаман деб, ўзимга мақсад қўйдим ва Содикжон аканинг илмий педагогик йўли, ҳаёти ва ижодини ўрганишга киришдим”.

Асосий қисм. Содикжон Носиров ҳақида изланар эканман, умрининг 35 йилдан кўпроғини педагогикага, айнан “Саҳна нутқи” фани ривожига бағишлаганини, шу давр мобайнида “Эстрада актёрлиги”, “Драма режиссёрлиги”, “Телевидение режиссёрлиги” гуруҳларида театр, кино, телевидение санъатида серқирра ижодий мезонни эгаллаб, муҳлислари, томошабинларини ром этиб, обрў қозонгани ва қатор актёр ва режиссёрларга устозлик қилганини шоҳиди бўлдим. У ўзбек театр санъатининг атоқли намоёндалари билан ҳамкорликда ишлаб, юзлаб шогирд тарбиялаганини, уларни сўзга бўлган меҳрини оширгани ва сўзни азиз билганини ўргандим.



Доцент, Носиров Содикжон Носирович



Ўзбекистон Республикаси Маданият Вазири, Назарбеков Озодбек Аҳмадович билан

Содиқжон Носиров "Саҳна нутки" фани бўйича республика телевидение ва радиоси ҳамда театрларида самарали ижод қилаётган актёрлар, режиссёрларга ҳам мураббийлик қилган. Ўзбекистон халқ артисти М.Дадабаева, Ш.Рамазонова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Б.Холмирзаев, Э.Ёрбеков, Ш.Қаюмов, радио дикторларидан М.Мавлонов, Н.Мамажанова, "Нихол" мукофоти совриндори С.Саидбекова каби таниқли санъаткорларнинг шаклланиши ва камол топишида ҳисса қўшган. У ўзининг узок йиллар мобайнида олиб борган илмий тадқиқоти натижасида "Ўзбек халқ ижодида ижодкорлик ва ижрочилик маҳорати" мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлади.

Санъатшунос ва фольклоршунос сифатида турли йилларда жуда кўплаб илмий ва оммабоп "Дўмбира тилга кирганда", "Қўшиқ-кулги ҳамиша ҳамроҳ", "Дўстлик экспедицияси", "Ижод дурдоналарини излаб", "Кулги байрами", "Олтойга сафар", "Олтой бўйлаб" мақолаларини чоп этган. "Сарчашма излаб", Бахши шоирлар маҳорати" каби телекўрсатувлар тайёрлаган "Болалар фольклор ўйинлари" телевизион кўрсатуви сценарийси муаллифи сифатида кўпгина радио эшиттиришларни олиб борган.

Институтда ўтказиладиган профессор-ўқитувчилар илмий конференцияларида "Сўз санъатида таҳлил ва талқин муштараклиги", "Шеър ижрочилиги ва унинг актёрлик маҳоратини шаклланишидаги роли", "Шеърхонлик (шеър ўқишни ўргатишнинг назарий ва амалий усуллари хусусида)" каби марузалари институтда чоп этилган "Санъат таълими йилномаси"га киритилган.

Ўзбекистон Фанлар Академиясида ўтказилган конференциясида "Ўзбек халқ бахшиларининг ижрочилик маҳорати" мавзусидаги маърузаси илмий мақолалар тўпламида чоп этилган. "Грани искусства бахши-шоира (о творчеством исполнительском мастерстве в узбекском фольклоре)" номли мақоласи Ўзбекистон Фанлар Академиясининг "Музыкальное, театральное искусство и фольклор" номли китобида чоп этилган. Кореянинг Сеуль ва Каннам шаҳарларида бўлиб ўтган Халқаро илмий конференциясида "Узбекские народно-эпические жанры" мавзусида илмий маъруза қилган ва у Каннам университетининг илмий мақолалар тўпламида ўзбек ва корейс тилларида чоп этилган.

Илмий экспедицияларда узок Тоғли Олтой ўлкасида Олтой миллатининг, Молдавиянинг Бессарабия ўлкасида яшовчи туркий авлодлар "гагаузлар"ларнинг қадим тарихи, удуми, урф-одатлари, оғзаки ижоди, маданий ва маънавий ҳаёти ҳақида ҳамда "Алпомиш" достонининг 1000 йиллигига бағишлаб достонни қиёсий чоғиштириш бўйича илмий маълумотлар жамлаган. Содиқжон Носиров ўзининг камтарлиги, иродаси, меҳнатсеварлиги, изланувчанлиги, кафедра ва институт профессор-ўқитувчиларига, айниқса, ёш педагогларга бўлган хурмат-эътибори, самимийлиги билан эътибор қозонганлигини ўқиб, излаиб, шу инсон каби келажакда етуқ педагог бўлишни илмда ва ижодда ҳам доим олға юришни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим.

Хулоса. Телевидение ва катта саҳналарга чиқиб, томошабинга юзланаётган телебошловчилар, театр ва кино актёрлари нутқидаги камчиликлар, айтаётган шеърларнинг таъсирчанлиги йўқолиб бораётганлиги долзарб мавзулардан биридир. Ўзбек ва жаҳон бадий сўз санъати жонқуярларининг шеър ижрочилик маҳоратидаги асосий назарий ва амалий ижро жараёнларини бўлажак театр ва кино актёрларига, телерадио бошловчи сухандонларига сингдириш, бугунги кунда янада чуқур маъно касб этмоқда. Содиқжон Носировнинг ижодий, амалий ва назарий меросини ўрганиб, шуни гувоҳи бўлдимки, улар ёзган илмий мақолалар, китоблар бугунги кунда биз каби изланувчан ва шу соҳага меҳр қўйган ҳар қандай санъат олами вакилини, шеърят ошносини тўғри йўлдан адашмасдан, кўзланган мақсадига олиб борувчи йўлчи юлдуз вазифасини ўтайди десак адашмаймиз.



ЎзДСМИда Баходир Мағдиев билан талабалар учрашувида

ИҚТИБОСЛАР

1. Содиқжон Носиров билан бўлиб ўтган суҳбат, 01.02.2024 йил.
2. К.Имомов, Т.Мирзаев, Б.Саримсоқов, О.Сафаров. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди – Тошент: Ўқитувчи, 1990 йил.
3. Қодиров Р. Саҳна нутқи – Тошент: Замон, 2023 йил.



SAHNA NUTQI FANINI RIVOJLANTIRISHDA USTOZLAR MEROSINI O'RGANISHNING DOLZARB MASALALARI

(Ilmiy-amaliy seminar materiallari to'plami)

ЖАББОРОВ Бобиржон Исломбек ўғли

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти

ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10843031>

ИСОҚТОЙ ЖУМАНОВНИНГ СЦЕНАРИЙНАВИСЛИК ВА ПЕДОГОГИК МАҲОРАТИ

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ўзининг самарали ижодий, назарий ва амалий изланишлари, кўп қиррали тажрибалари билан санъат таълимида самарали фаолият кўрсатиб келаётган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, доцент Исоқтой Жумановнинг “Саҳна нутқи” фанидан олиб бораётган педагогик маҳорати ҳамда драматургик, таржимонлик, актёрлик йўналишидаги ижодий ишлари ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: сўз санъати, ифода, тасаввур, пьеса, матн, ижро, кузатув, таҳлил, талқин, истеъдот, эътиқод.

ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ И ДРАМАТУРГИЧЕСКИЙ НАВЫКИ ИСОКТОЯ ДЖУМАНОВА

АННОТАЦИЯ

В этой статье рассказывается о педагогическом мастерстве заслуженного тренера молодежи Узбекистана, доцента Исоктоя Джуманова, который плодотворно работает в узбекском художественном образовании благодаря своим плодотворным теоретическим и практическим исследованиям, многогранному опыту, а также творческой работе в области драматургии.

Ключевые слова: искусство слова, выражение, воображение, пьеса, текст, исполнение, наблюдение, анализ, интерпретация, талант, преданность

SCENOGRAPHY AND PEDAGOGICAL SKILLS OF ISOKTOY ZHUMANOV

ANNOTATION

This article will talk about the work of the youth coach, Isoktoy Zhumanov on the subject of “Stage speech”, pedagogic skill and creative work in the direction of dramaturgy, translation, acting, who has been serving in Uzbekistan, who is effectively functioning in Uzbek art education with his fruitful creative theoretical and practical research, multifaceted experiences.

Keywords: verbal art, expression, imagination, Pesa, text, performance, observation, analysis, interpretation, talent, belief.

Кириш. Илк талабалик йилларимдан зиммамизга катта назарий ва амалий вазифалар юкланган бугунги кунгача ўзининг ижодий изланишлари, ибратли тажрибалари билан ўзбек санъат таълимида самарали фаолият кўрсатиб келаётган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, доцент Исоқтой Джумановнинг “Саҳна нутқи” фанида олиб бораётган ибратли педогогик маҳорати ҳамда драматургик, таржимонлик, актёрлик йўналишидаги ижодий ишларини синчковлик билан кузатиб келаман. Назаримда битмас-туганмас ижодий оламнинг кўп қатламли майдонида жавлон ураётган ҳар бир инсон, ҳар бир профессор ўқитувчининг ўзига хос олами, табиати, хислати, фазилати, мушоҳадаси, атрофида содир бўлаётган нарса ва ҳодисаларга муносабати эътиборимизни тортиб келади.

Мен гарчанд тўрт йил бакалаврият икки йил магистратура таҳсили жараёнида бу инсонни ҳар канча синчковлик билан кузатиб ўрганишга ибрат олишга интилиб келаётган бўлсамда, шогирд сифатида кўғирчоқ театри актёрлиги гуруҳида ҳамкасб сифатида биргаликда ишлаб яна ва яна эътибор билан ўрганишим зарур бўлган хислатлари бор эканлигини англадим.

Бу инсонга хос одатларидан бири, ҳар бир талабанинг ўзига хос нутқий имкониятларидан келиб чиқиб уни турли вазифали ҳаракатли машқлар билан ундаги аввало, нутқий сиқикликлардан озод қилиб нафас, овоз, талаффуз, тасаввур ва фикр уйғунлиги асосида сўзнинг шаклланиши, ифодавий эркинликка эриштириш ҳаракатларини кузатдим. Эсимда илк бор институтга келган кунимиз саҳна нутқи фанидан устозим Исоқтой Жуманов биз билан самимий сўрашиб, сўз санъати оламининг беқиёс манзаралари ҳақида сўзлаб ҳар биримизнинг нутқий имкониятларимизни синчков назардан ўтказган эдилар. Ва ўша илк кунданок саҳна нутқи фанига уйғотилган қизиқиш ва эътибор ҳануз давом этиб келади. Бу инсондаги касбга бўлган садоқат, фидойилик биз ёш педагогларга ўрнак бўла олади.

Асосий фикр ва гоялар. Бутун умрини мана шу, “Саҳна нутқи” кафедрасига бахшида эта олган инсон билан бўлган турли мавзулардаги суҳбатлар сўз санъати оламининг ҳали чуқур ўрганишимиз зарур бўлган жиҳатларини ёдга солади. “Талабалик пайтларимда устозларимизнинг ҳар бир ўғитларини диққат билан эшитиб, қулоғимизга кўрғошиндай қуйиб қалбимизда асраб бутун умрга эслаб қолишга ҳаракат қилар эдим.

Ҳеч қандай сабаб барча фанларни ўзлаштира олмаслигимизга, дангасалик қилишга тўсқинлик қила олмас эди. Мана шу сабр, матонат ва фидойилик мана ҳозиргача ўз мевасини бериб келмоқда. Ҳозирги кунда курсдошларим ичида театрларда ва санъатнинг турли жабҳаларида юқори натижаларга эришиб, хизмат кўрсатган, халқ артисти унвонлари билан тақдирланиши шу сидқидилдан ўзлаштирилган таълим тарбиянинг самаралари деб биламан”,- дейди устоз талабалик йилларини ички хўрсиниш билан ёдга оларкан. Ўзбек Миллий Академик Драма театрида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулчехра Иброҳимбекова, Бухоро драма театри директори, Ўзбекистон халқ артисти Шамсиддин Юлиев, Самарқанд вилоят драма театри актёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Тимур Пардаев ва Зухра Турғунбоева, Элдор Ҳакимов, Назира Абдувоҳидова, “Қалпоқ” ҳажвий кўрсатуви актрисаси Ширмоной Абдуллаева, Содикжон Носировларни ўзининг жигарларини эслагандай ҳурмат билан ёдга олди.

Айнан мана шу соҳага қизиқишим ва эришилган фаолиятимда уларнинг ҳам хиссалари бор деб биламан. Бу инсонни ҳам устоз сифатида, ҳам инсон сифатида, улардаги камтарлик, тўғрисиўзлик ва касбини севиши мени ҳар дақиқа ҳайратга сола олган.



*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, доцент
Исоқтой Джуманов*

Устоз нафақат мохир педагог, кўплаб маънавий-маърифий кечалар, тадбирлар, байрамлар учун сценарийлар яратган инсон сифатида ҳам ишонч қозонган. Кези келса турли бадий фильмларда эпизодик ролларни қиёмига етказиб кўп минг сонли кино мухлислари эътирофига эришган актёр сифатида ўрни бор.

Шунингдек, алоҳида эътибор ва таъкидга сазовор бўлган жаҳон драматургиясининг сара асарларини рус тилидан ўзбек тилига ўгириб саҳналаштирилишига эриша олган таржимон сифатида ҳам ишонч қозонган. Жумладан: Карло Гоццининг “Маликаи Турандот”, Бранислав Нушичнинг “Министрнинг хотини”, Алексей Дудревнинг “Остона”, Алексей Толстойнинг “Олтин калитча”, Маркелевнинг “Менинг дадам шер”, Сперанскийнинг “Олтин Жўжа”, “Ғаройиб пойга”, Қўркмас Мажидовнинг “Дўстлик синови”, Корней Чуковскийнинг “Мойдадир”, “Пашша зир-зирақ”, Дмитрий Ушиснинг “Ойхон менга бир қара”, Руслан Зилялиддиновнинг “Йўлчиноқ”, каби саҳна асарларини мохирина таржима қилиб, диплом спектакллари ҳамда вилоят кўғирчоқ театрларида саҳналаштирилишига ижобий кўмак берган. Шунингдек, ўзлари томонидан яратилган “Учар ковуш”, “Очил дастурхон”, “Сандиксоз уста”, “Тилла туёқли оху”, “Оламнинг оидин остонасида кичкинтойлар афсонаси” ҳамда Фарғона Вилоят Кўғирчоқ театри учун хар йили бўладиган Президент арчасига янги пьесалар яратиб тақдим қилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Маданият Вазирлиги репертуари бўлимига “Интилганга толе ёр”, “Жўралар”, “Дунёларни асрагай дўстлик”, “Қувноқ арава”, “Сергап сайёҳлар” каби пьесаларини тақдим қилган. Бу киши томонидан яратилган “Кўғирчоқлар сўзлайди”, “Саҳна нутқи”, “Бадий сўз махорати” каби ўқув қўлланмалари нашр этилган. “Саҳна нутқи” ўқув қўлланмаси вазирлик буюртмасига асосан 500 нусхада чоп этилиб, санъат ва маданият коллежларига тақдим қилинди. Қолаверса, ҳозирги кунгача 30 га яқин ўзбеккино томонидан олинган фильмларда



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган Саҳна нутқи кафедраси томонидан ўтазилган семинардан. (15.02.2024) ёшлар мураббийси, доцент Исоқтой

эпизодик ролларнинг эса қоларли ижрочиси сифатида ҳам қадрли. Бу инсон санъатнинг қайси жабҳасига қўл урмасин, алоҳида эътибор ва тайёргарлик билан киришадилар. Съёмка майдончаларида ҳам бутун диққат эътибор яратаётган образининг ҳолати, унинг табиий ва ҳаётий бўлишига қаратилган. Исоқтой Джуманов ўз меҳнат фаолиятини 1979-йил Тошкент авиация заводида бир йил меҳнат қилиб шу йилнинг сентябр ойдан А.Н. Островский номиданги Тошкент театр ва рассомлик санъати институтга ўқишга кириб талабаликнинг тўлақонли “олтин”, “кумуш” “темир” даврлари юқини кўтариш бахтига муяссар бўлган. 1973-йил муваффақиятли тамомлаб, Саҳна нутқи устози С.Иномхўжаевнинг тавсиясига кўра “Саҳна нутқи” кафедрасида илк фаолиятини бошлаган.

Назира Алиева, Лола Хўжаева, Сотимхон Иномхўжаев, Розия Усмонова, Зухра Олимжонова ва Келдивой Узоқов каби устозлар ёнида саҳна нутқи фанини ўқитиш методикасини ўрганишга, ўзлаштиришга интилган. Якка дарсларда устоз талабани эркин фикрлаши ва ўз фикрини томошабинга чиройли етказиб бериши учун талабаларга турли тренинг машқлар берар эдилар. Мисол тариқасида эсласам, Устоз: “Тасаввур қилинг курсдошларингиз билан пахтазорда пахта теряпсизлар, сиз чарчаб, озгина мизғиб олай деб, терган пахталарингизни фартуги билан чумолининг ини устига қўйибсизу устида ухлаб қолибсиз, Бир махал бутун вужудингизда сонсиз саноксиз чумолилар ўрмалаши айримлари чақиши биан чўчиб уйғонсангиз атрофда ҳеч ким йўқ, қоронғу, ёлғизсиз.

Ўша ҳолатни тасаввурдан ўтказиб гапириб беринг”- дер эдилар, бу берилган шароит беихтиёр талабани жуда фаол фикрлаши, тасаввурининг аниқлиги баробарида, этюд даражасида ҳаракат қилишга яни вжудидаги чумолиларни қоқиб пуфлаб йўқотишга киришиб кетарди. Машқ бир неча бор такрорланиб аниқ бир кутилмаган воқеа шакл ва мазмунида мустаҳкамлангач талаба беихтиёр уни жонли, ишонарли, таъсирли гапириб беришга интиларди. Шунингдек, устоз ҳар бир талабага унинг табиати, нутқий имкониятлардан келиб чиқиб турли тасоддий воқеалар оқимида сузишимизга алоҳида эътибор берардилар. Ҳар бир талаба ўзидан келиб чиқиб воқеали қилиб гапириб берар эди. Бир-биримизни диққат билан эшитардик. Тасвирий парчалар билан ишлашда ҳам устоз кўпроқ фикрлаб гапиришга ундар эдилар. Шунчаки қуруқ гапиришга, матн етаклаб кетишига йўл қўймас эдилар. “Ҳар сўзни тасаввурдан ўтказиб кейин гапир, фикр туғилсин, ўйнама”- деб кўп айтар эдилар. Эсимда биринчи курсимда, биринчи семестрда Чолпоннинг “Кеча ва кундуз” романидан тасвирий парча ўқигандим.

Илк бор сахнада ижро мен учун бошқача завқ-шавқ бўлиб ёдимда қолган. Матндаги автор томонидан томошабинга нима демоқчилигини бир ижрочи сифатида фикрлаб гапиришга ҳаракат қилгандим. Устоз ҳар бир сўз, ҳар бир нуқта, вергулгача майдалаб ишлашдан чарчамас эдилар. Иккинчи семестрда “От” ҳақида адабий парча ўқигандим. Қолаверса, мураккаб тез айтишлар, овоз ва нафас учун устоз томонидан ўйлаб топилган турли хил тренинг машқлар, талабардаги нутқий камчиликларни бартараф этишга ва тилни чархлашга ёрдами бекиёс эди. Қолверса, биз талабалик пайтларимиз ҳар биримиз учун мураккаб сўзлардан ташкил топган ўзимизни таништирув матнларини ёзиб келардилар. Менга атаб куйидаги матнни ёзганлар:

Бор экан, ёк экан, оч экан, тўқ экан, бўри баковул экан, тулки, ясовул экан, қарға қақимчи экан, чумчуқ қақимчи экан, яқин қадим замонда Андижон деган томонда бир беҳаловат, беадоват, боқибегам, беташвиш, безарар, беҳатар, бефикр, безикр, бетаъсир Бобур шақир-шуқир унинг саккизта ака-иниси ва ошна жўралари бўлган экан. Улар хамиша ха, Бобур жўра Андижонлик тўра, сир бермас акам Бобур сизга ҳам танбех даркор, сўзингизда чуқурча, чуқурчага чучқурманг, билиб-билмай гапирманг, кўп гапнинг маъноси ёқ, шақир-шуқир, бақир-чақир, тапир-тупир, сирбермас, эринчоқ, ялинчоқ, қинғир ва қитмир бўлишимиздан ҳаммамизни ишчанлилигимиз, илдамлилигимиз, илҳомлилигимиз, кўғирчоқча ижодга юз бурайлик, аҳдимизда турайлик, ана шунда ҳамма кўсур-у, иллатларимиз химмат-у, ибратга айланадур деган ва кўғирчоқчи бўлиб қолган экан. Ушбу мураккаб матнлар талабани тилини чархлашга, хотирани мустаҳкамлашга ва талаффузни тўғрилашга ёрдам беради.

Яна мисол тариқасида келтиришим мумкин. *Шамол машқи* Ушбу машқини бизни курсда ҳам бажартирган. Шахсан менга жуда ёққан. Бунда талабалар жуфт-жуфт бўлиб „Мен шамолман,“ деб сахна бўйлаб шамол бўлиб пластик ҳаракат қилишлари керак бўлади. Ва куйидаги сўзларни навбат билан айтишади:

“Ш... ш.... Ш...Мен шамолман, мен шамолман, Мен дарёлардан, саҳролардан, чол-у биёбонлардан ошиб келаман”. Ушбу машқ актёрлани сахнада нутқий ва жисмоний эркинлигига эришишга катта ёрдам беради. Бундан ташқари:

1. *Гулларни чанглатиш машқи.*
2. *Зараркунандаларни зарарсизлантириш машқи.*
3. *Фавворалар машқи.*
4. *Мен ёқтирган манзара машқи...*

Бундан ташқари ҳайвонлар имитатсияси ва тасаввурни мустаҳкамлаш учун ҳам бир неча тренинг машқлари бор. Иккинчи курсда шеър, драматик достон ва масалларда ҳам устоз кўп йиллик тажрибалари орқали биз талабаларга ҳар бир дарсни онг ва шууримизга чуқур сингдиришга ҳаракат қилар эдилар. Буларнинг натижаси ўлароқ, курсимизда деярли барча талабалар пойтахт театрларида ва вилоят театрларида ўз иш фаолиятларини олиб келмоқдалар. Ва театрдаги режиссёрлар томонидан улардаги маҳорат ва нутқи алоҳида эътироф ва эътиборга сазовор бўлаяпти.

Талабани воқеалар асосида мушоҳадаси, тасаввури ички ва ташқи ҳаракатида табиийликка, аниқ ва органик муносабатга йўналтириш учун шундай қутилмаган тасоддифий вазифалар билан талабани ифодали, таъсирчан жонли сўзлар оламига етаклаган эканлар. Жумаладан, шахсан ўзим ҳозирда институтда ишлаш билан шу қаторда Тошкент Марионетка театрида 3 йилда бери ишлаб, сахна нутқи фанида эришилган ва мустахкамланган жараёнларнинг актёрга қанчалар қўл келишини англаб тадбиқ қилиб келмоқдамиз.

Яқинда Москванинг Сергей Образцов номидаги театрида бўлиб ўтган Халқаро фестивалда бўлиб келдим, у ердаги актёрларнинг ўз касбига бўлган муносабати актёрлик маҳорати сахнавий нутқида ибрат бўларли жихатлари бисёр.

Талабага дарс бериш шунчаки 90 минут гапириб вақтни ўтказиш эмас, уларга келажакда фойда бўладиган нимадир ўргатиш вазифаларини чуқур англаган устозларимиз қисмати ҳар томонлама бизни эргаштирувчи, ҳаракатлантирувчи улкан тажриба самаралари эканини англайман.” Устоз “50 йилдан бери педагоглик қилаётган бўлсам ҳам, дарсга киришимдан олдин ҳалигача ҳаяжон босади, талабаларга бугун улар дарсни кўпроқ ўзлаштиришлари учун қолаверса, зерикиб қолмаслиги учун қандай дарс ўтсам улар учун фойдали бўлади, қандай қизиқтираман, деб ташвишим аримайди. Бугунги кун талабалари фикр дунёси, ўзига ҳос талаблари ҳамда замон



*ЎзДСи халқаро илмий конференция ҳақида
Ёшлар телеканалига интервью. 2011 й.*

билан ҳам нафас бўлиш учун турли янгиликларидан бохабар бўлишга ҳаракат қиламан” дер эдилар. Ҳар бир дарсдан сўнг ҳар бир талабадан,, Бугунги дарсда нима сизлар учун янгилик бўлди? Нима фойдали бўлди?, нимага эришдингиз машқ қилаётганингизда нималар ноқулай бўлди вужудингизни чирмовиқдай ўраб олган сиқиклар, ноқулайликлардан эркин, фаол, ҳаракат ва равон аниқ жонли ифода шаклланаётганини англадингизми.?” деб сарҳисоб қилиб фикрларизмизни билишга ҳаракат қилар эдилар. Бу жараён сўзларнинг саводли мантикий тузилиши сўз бойлигимизнинг шўаклланиши ва ортиб боришига таъсир қилаётганини ҳис этардик. Учинчи курсда ғазал ва рубоийлар билан ишлашда устоз роса қийналган эди. Сабаби менинг ғазал дунёсига киришим бироз қийин бўлган. Шунда у киши “Ўзимизнинг мумтоз мусиқаларимиздан тингланг, ички ҳолатингизда оғир вазминлик, фалсафийлик пайдо бўлади, миллий мумтоз мусиқаларимизни қалбан ҳис қилмасдан туриб рубоийларни англаш қийин” деган эдилар. Ва уйга бориб муножот, сато, дуғоҳ сеғоҳ ва танбурларни тингладим ва ғазал рубоийларимни ўқий бошладим. Ана шундан кейингина ўзининг ижобий натижасини кўрсатган.

Исоқтой Жуманов ҳозирги кунда Қўғирчоқ театри актёрларига сахна нутқи фанидан таълим бериш бўйича еткчи педагоглардан ҳисобланади. Кўп йиллик тажриба устозни ҳар томонлама мукамал педагог бўлиб етишишида катта пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда ва ушбу санъат тури ҳақида қуйидаги фикрни билдириб ўтдилар. “Қўғирчоқ театри ҳақиқатан ҳам каттаю кичикни бирдай хайратга сола оладиган мўъжизавий ва ранг-баранг образларни ўзига сиғдира оладиган мустахкам томоша санъати. Агар бу санъатни аслича, мукамал даражада ўзини намоён қила билса, буни нафакат болалар, катта ёшдаги инсонлар ҳам, шунақанги хайрат билан томоша қилади. Қолаверса, у ерда кўтарилган ғоя, фалсафа ва воқеалар тизимини жонли сўз талқини билан томошабинни мафтун эта оладиган санъат турларидан биридир.

Драматик театр актёрлари кўпроқ инсонлар образидаги характерлиликни намоён этадиган бўлса, кўғирчоқ театри актёрлари учун ҳеч қандай чегара йўқ. Улар кўпроқ эртак қаҳрамонлари, турли мавжудотлар, табиатдаги ҳар хил предметларни жонлантириб, уларни ҳам тасаввур қилиш ҳам жонлантира билиш, овозини, нутқини яратишда жиддий чуқур изланувчанлик керак бўлади. Масалан сахнада ойнанинг образи унга драматург сўз, монолог берган. Хўш! уни қандай гапиртириш мумкин?

Талаба образининг ишонарли чиқишида асосан, берилган образидаги ўзига хос характер топиши, яъни табиий кундалик ҳаётимиздаги инсонларга хос болган жиҳатларни образга кўчириш қисман бўрттирилган ҳолатда, бу талабадан кучли изланувчанлик ва кузатувчанликни талаб қилади. Бунинг учун албатта, драматургия, бугунги кундаги муоммолар ва комил инсонни тарбиялашдаги муҳим ўрин тутадиган ғояларни ўзига мужассам қилган асарлар бўлса, мана шу асарлар орқали ёш келажак авлодни онги ва шуурини маънави етук инсон сифатида такомиллаштиришга замин яратади.

Ўзим ҳам кўғирчоқ театри актёрларига дарс беришимнинг сабаби ҳам айнан кўғирчоқ театри санъати кафедраси очилиши, Россиянинг Образов театридаги спектаклларни томоша қилиб унга мафтун бўлиб қолганлигим ҳамда ҳозирги Ўзбек Миллий кўғирчоқ театрида бир неча йил ишлаб, ўзимда кўникмалар ҳосил қилганлигим бўлса ажаб эмас. 1989-йилда Осиё мамлакатларининг Кўғирчоқ театри фестивалида ҳам актёр сифатида ҳам нутқ ўқитувчи сифатида иштироким, бу жараёнларни гувоҳи бўлиб, шу фикрга келдимки, бу санъат тури ҳамisha янгликни ва бетакрорликни яратадиган санъат тури экан”.

Бу инсон нафақат кўғирчоқ театр актёрлари, балки драматик театр ва эстрада актёрларига ҳам сахна нутқи фанидан таълим бериб келмоқдалар. Ҳар бир йўналишнинг ўзига хос специфик томонларини инобатга олган ҳолда дарс бериш педагогдан чуқур изланишни талаб қилади. Устоз шунинг учун ҳам ўз устида тинмай изланадилар ва шуғулланадилар. 2016-йил биринчи Президентимиз И.А.Каримовни имзоси билан “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси” унвонига сазовар бўлган. Бу инсоннинг “Театр, кино, эстрада, радио ва телевидения кузатувлари ва таҳлиллар шуни кўрсатадики, сўз санъатининг ҳаётбахш қудрати ва ҳикматига эришиш истасан, меҳр, эътиқод, кунт, сабр-бардош, интилувчанлик билан амалга ошириладиган ижодий жараёнлар маҳсулидир.

Бадий сўз маҳоратининг ҳаётбахш, ибратли манзараларни ҳис этиш ва яратиш завқи, фаолияти сўз санъати билан боғлиқ ҳар бир ижодкор, устоз ва шогирд учун, орият ва ғурур тимсоли бўлиб қолиш зарур[1] деган фикрлари анча вақтлардан мени ҳам ўйлантириб келадиган масалага ойдинлик киритгандай бўлди. Кетма-кет қўйилаётган саволларга берилган жавоблар менга жўяли ва яшашга, ўрганишга, тадбиқ қилишга ҳақлидай туюлди. Ўз ўрнида бу фикрлар нафақат семинаримиз доирасида, балки бўлажак илмий тадқиқот ишларимизда ҳам эътибор ва кунт билан ўрганиладиган муаммоли масалалар ва уларнинг ечимларини топишга қаратилган ўзига хос йўл бўлиб кўринди. Актёр ўзи яратаётган ҳар бир сахнавий қаҳрамоннинг фикрлаш ва мушоҳада қилиш йўллари, унинг дунёқараши ва жамиятдаги ўрнига, маълумоти, маданият даражасига, шунингдек, характери каби хусусиятларига боғлиқдир. Қаҳрамоннинг кенг мушоҳадага эга бўлиши, ўз навбатида, актёрнинг тил ва талаффузи, нутқидаги ғоя, мақсад, ички ҳаракат, мазмун маъноси асосида нутқий ифода маҳоратида ўз ифодасини топади [2].

Биз талабаларни уч йил давомида ўша оламга олиб киришга ҳам фикр жиҳатдан ҳам сўз жиҳатдан юзага чиқишга интиламиз. Ва талабалар уч йил давомида тинимсиз дарс машғулотларида, яқка дарсларда зийраклик билан олган билимларини телевидения, радио ҳамда турли давлат тадбирларида ўзининг мевасини берганлигини гувоҳи бўлдим. Асосан талабалар билан ишлаш баробарида, кўпроқ уларнинг талаффузи, артикуляция ва диксияларини ҳар хил вазиятларда ҳам таъсирчан ва уйғоқ ҳолда томошабинга таъсир кўрсата олишига ҳаракат қиламан. Талабаларимиз нафақат театрларда, қолаверса, дубляж, театр, кино, радио, телевидения, соҳасида ҳам катта ютуқларга эришиб келишмоқда жумладан:

Беҳзод Муҳаммадкаримов, Мехмонали Салимов, Насриддин Рустамов, Фатхулла Хўжаев, Муниса Парпиева, Карима Жабборова, Шермат Жабборов, Элбек Мирзохидов, Санобар Содиқова Охун Ибодов, Алишер Мирзағиёсов, Олим Зокировлар. Албатта, бундай натижаларга педагогни тўғри таълими ва талабанинг изланиши ва меҳнатлари орқали юзага чиқади.

Талабадаги эътиқод, изланучанлик, ўзига бўлган талабчанлиги ва соҳага бўлган муҳаббат буларнинг барчаси актёрни профессионал саҳналарга олиб чиқади.

Хулоса. Драматик театр ва кино актёрлари ижодий бадиий сўз маҳоратининг ўрни аҳамияти ва вазифалари, бадиий сўз санъатининг ижтимоий, иқтисодий, маданий, маънавий, маърифий жараёнлардаги тарбиявий аҳамияти давримизнинг долзарб мавзуларидан биридир. Ўзбек ва жаҳон бадиий сўз санъати таниқли усталарининг ижрочилик маҳоратидаги асосий назарий ва амалий ижро жараёнларини ўрганиш бўлғуси мутахассисларга сингдириш бугунги кунимизда янада теран маъно касб этмоқда.

Кино, театр, Эстрада, радио ва телевидения санъатида бадиий сўз усталарининг ижодий чиқишлари муҳим аҳамиятга эга. Давр руҳи, замон талаби миллий истиқлол ғояларининг бадиий сўз санъатидаги ифодавий тенденцияларини тақозо этмоқда. Инсонларни кузатиб ўрганиш, сўз хазинасининг бойиши ва ҳар бир инсоннинг хатти-ҳаракатидаги фаоллиги, мақсадини англантиши керак. Ёш ижодкорлардаги сўзнинг кучи, қудратини ҳис қилиш ва диққатини жамлай олиш иқтидорини шакллантириш муҳимдир. Исоқтой Джумановнинг ижодий, амалий ва назарий меросини ўрганиб шуни гувоҳи бўлдимки, улар яратган илмий китоблар, пьёсалар, таржималар, 50 йил мобайнида санъат оламига етиштириб берган талабалари ва кино оламида яратган образлари барча ёш келажак авлодни руҳлантириб, таъсирлантира олади.

ИҚТИБОСЛАР

1. Джуманов И. Бадий сўз маҳорати - Тошкент: Абу матбуот-консалт, 2015 йил.
2. Расулова А. Саҳна нутқи. – Тошкент: Мусиқа, 2009 йил.
3. Джуманов И билан суҳбат 26.12.2023 йил.
4. Холикулова Г. Саҳна асарларидаги қаҳрамон характери талқин қилишда замонавий коммуникатив технологиялардан фойдаданиш услубияти. - Тошкент. 2015 йил.
5. Носирова А. Саҳна нутқи. – Тошкент: Тафаккур-бўстони, 2013 йил.
6. Тўлаганов А. Саҳна нутқи – Тошкент: ЎзДСИ, 2009 йил.
7. Ҳоджиматова М. Саҳна нутқи – Тошкент: Янги аср авлоди, 2007 йил.
8. Холикулова Г. Саҳна нутқи (тарихий драмалар мисолида) – Тошкент: ТДСИ, 2007 йил.
9. Алимжонова З. Тўлаганов А. Саҳна нутқи – Тошкент: Фан, 2005 йил.
10. Иномхўжаев С. Бадий ўқиш асослари – Тошкент: Ўқитувчи, 1973 йил.



SAHNA NUTQI FANINI RIVOJLANTIRISHDA USTOZLAR MEROSINI O'RGANISHNING DOLZARB MASALALARI

(Ilmiy-amaliy seminar materiallari to'plami)

САИДОВА Холида Хайруллаевна

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10843192>

ТАЛАБА-АКТЁРЛАРНИНГ САҲНАВИЙ НУТҚИНИ ТАРБИЯЛАШДА МАХСУМА ХОДЖИМАТОВАНИНГ ИННОВАЦИОН ЁНДОШУВЛАРИ

АННОТАЦИЯ

Саҳнавий сўз санъатининг нутқ техникаси ва сўз устида ишлаш тизимларининг илмий назарий асослари ва уни талабаларда ифода кўникмаларини ҳосил қилиш, ҳамда саҳна нутқининг аниқ, ўткир ва кўп қиррали бўлишига бир қанча талаблар қўйилади. Мазкур мақолада кўп йиллик тажрибага эга педагог Махсума Ходжиматованиннг илмий, назарий, амалий ва ижодий ишлари ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: саҳна нутқи, жонли сўз, оҳанг, талаффуз, артикуляция, таъсирчанлик, актёр, кино, дубляж, сўз.

ИННОВАЦИОННЫЕ ПОДХОДЫ МАХСУМЫ ХОДЖИМАТОВОЙ В ВОСПИТАНИИ СЦЕНИЧЕСКОЙ РЕЧИ СТУДЕНТОВ-АКТЕРОВ

АННОТАЦИЯ

Существует несколько требований к научно-теоретическим основам речевых техник и систем обработки речи в искусстве сценической речи и к формированию выразительных навыков у студентов, а также к точности, остроте и многогранности сценической речи. В этой статье пойдет речь о научной, теоретической, практической и творческой работе педагога Махсумы Ходжиматовой с многолетним опытом работы.

Ключевые слова: сценическая речь, живое слово, интонация, произношение, артикуляция, впечатлительность, актер, фильм, дубляж, слово.

INNOVATIVE APPROACHES OF MAKHSUMA KHODZHIMATOVA IN THE UPBRINGING OF THE STAGE SPEECH OF STUDENT-ACTORS

ANNOTATION

There are several requirements for the scientific theoretical foundations of speech techniques and speech processing systems of stage speech art and its formation of expressive skills in students, and for the accuracy, sharpness and versatility of stage speech. This article will talk about the scientific, theoretical, practical and creative work of educator Maxsuma Khodzhimatova with many years of experience.

Keywords: stage speech, live word, tone, pronunciation, articulation, impressionability, actor, film, dubbing, word.

Кириш. Истиклол туфайли ўзбек тили мартабаси юксалди, ўзбек тили давлат тили деб эълон қилинди. Тилга бўлган эъзоз-эҳтиром Давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу ҳақиқат театрлар тили ва талаффузига ҳам ўз таъсирини кўрсатиб, адабий-бадний жиҳатдан мусаффо ўзбек тили яна намунавий даражага кўтарилишига туртки бўлди.

Саҳна нутқининг асосида драматик нутқ турганлиги учун ҳам дастлаб муаллиф олдиға сўзнинг аниқ, ўткир ва кўп қиррали бўлиши учун бир қанча талаблар қўйилади. “Саҳна сўзи ифодали, жонли ва ҳатти-ҳаракатли бўлиши шарт. Актёр саҳнада яратаётган образининг асосий мақсади сари курашиб боради. Унинг қаҳрамони саҳнада иштирок этувчи бошқа персонажлар билан бирга яшайди.

Актёр саҳнада гапираётганида партнёрнинг онгига таъсир қилиш учун ўта мантиқли нутққа эга бўлмоғи керак. Сўз ҳатти-ҳаракатини пухта ўзлаштиришда эса саҳна нутқи қонун-қоидаларини мустаҳкам эгаллаган бўлмоғи зарур” [1].

“Саҳна нутқи” кафедрасининг доценти Махсума Ходжиматова 1966-йилнинг 26-сентябрида Тошкент вилояти Қибрай туманида туғилган. 1973-йилдан 1983-йилгача Тошкент вилояти Қибрай туманига қарашли Ҳамза номидаги 30-ўрта мактабда таълим олган.

Ҳамма таниқли санаъаткорлар, санъат таълими педагоглари, умуман таниқли инсонларнинг интервьюсида санъатга ёшлигимдан қизиққанман деган фикрни айтади. М.Ходжиматова ҳам болалигидан актриса бўлишни орзу қилган. “Бошланғич синфлигимда Шарофат Туробова деган устозим бўлар эди. “Катта бўлганингизда қандай касб эгаси бўлмоқчисиз” деган саволга ҳамма болалар тикувчи, бири ўқитувчи бўламан деб жавоб берган. Шунда учинчи синфда эдим. Навбат менга келганда “мен актриса бўламан “ деганман шунда синфдошларим росса кулишган. Бундай касб борлигини билмаган шекилли. Мен эса ўшанда хафа бўлиш ўрнига бундай ноёб касб борлигини ўзимдан бошқа ҳеч ким билмаслигидан хурсанд бўлганман” - деб эслайди.



Доцент, Махсума Ходжиматова

М.Ходжиматова кейинчалик мактабда бўладиган тадбирларда, шеърят кечаларида бошловчилик қилади. Адабиёт фани ўқитувчиси Эминова Озода опанинг рубоий, ғазалларни ўқишига маҳлиё бўлиб, шеърятга меҳр қўя бошлайди. Ундан кейин Тўлқин Насимовдан шеърятни ижрога қўйиб ўқиш, актёрлик маҳорати орқали етказиб беришни ўрганади. Адабиёт тўгарагида ҳам спектакллардан парчаларда қатнашган. “Келинлар қўзғолони” спектаклидаги Фармонбиби ролини ижро этган, синфдош қизлар билан мустақил равишда Махсума опа бошчилигида ҳар бир ролга унинг қизиқарли чиқиши учун янги топилмалар топишга ҳаракат қилган. “Ёш томошабинлар театри”, “Ёш гвардия” ҳозиги “Ўзбекистон драма театри” га синф раҳбари бошчилигида спектакллар томошаларига борган.

М.Ходжиматованинг сўзга эътибори айнан мактаб чоғидан бошланади. Бир куни мактабда актриса Доно Бобохонова қатнашган спектакл театр томонидан тақдим этилади. Спектакл якунида ижодий учрашув ташкил этилган.

Шунда актриса Доно Бобохонованинг “дадасииии” деган сўздан таъсирланиб, актрисага шундай савол беради. “ролингизда “дадасииии” деган сўз асарда бормиди, ёки ўзингиз бизни кулдириш учун шунақа гапирдингизми деганимда “бу аёл шунақа образда кизииииим шунга шунақа гапирдииииим” деб чўзиб гапирганларида “вой ўзингиз ҳам шунақа гапирар экансиз, шунинг учун ролингиз чиройли чикди” деганман” дейди.

Эски шаҳардаги Абдулла Қодирий боғида ўша пайтларда театр актёрлари боғнинг саҳнасида спектакл қўйишар эди. Шунда актёр Хайрулла Саъдиев саҳнада рол ижро қилганда у спектакл тугагандан кейин бувисидан саҳнанинг ортига олиб боришини сўрайди. Жуда кичкина қизча бўлишига қарамай у актёрларни яқиндан кўришни хохлайди ва бу орзусига эришади. Ўшанда Хайрулла Саъдиевни биринчи маротаба кўриб актриса бўлиш нияти тобора қатъийлашиб борар эди. Кун келиб мактабни битириб театр институтига киришга қарор қилади. Бу мақсадни эшитган она бунга қарши бўлади. Унга “Бизнинг уруғда бу йўлни танлаганлар бўлмаган, сен ҳам бир тузукроқ касбни эгаси бўлгин” деб қаршилиқ қилган. Она учун ўқитувчилик, тикувчилик, ҳамширалик тузукроқ касб дегани эди. М. Ходжиматова немис тилини яхши билгани учун ота-онаси унга чет тилларга ўқишга хужжат топширишини айтади. Аммо у орзусидаги санът институтига хужжатларини топширди. Ва 1-2 – турларидан мувофақиятли ўтиб 3- турига келганида эса имтиҳон раислари томонидан унинг хужжатларини онаси тилхат ёзиб олиб кетгани айтилди. “Ўқитувчилар орасида Турсунбой Исмоилов раис эдилар шекилли биз билан кўпроқ мулоқот қилган шу киши бўлдилар. “Қизим ота онангиз хохлашмаган эканлар” деганларида оёғим ўзимга бўйсинмагандай бутун танамни муз қолаб бир ёмон аҳволга тушдим.” - деб куз ёшини тухтата олмади.

Отаси ҳам жуда яхши қўшиқ айтар ва санътсевар инсон эди. У ҳам санъткор бўламан деганида отаси урушда вафот этиб фарзандларини ёлғиз катта қилаётган онаси “Сен кетсанг мен ёлғиз қоламан” деб кўз ёш қилган. Ва онасининг ёнида қолиб шаҳардаги “юлдуз ишлаб чиқариш бирлашмасининг ҳарбий цехида тақсимотчи бўлиб ишлаган. У “Ўшанда мени ҳам юр ўша ерда мени ёнимда ишлайсан - деб бичиш цехига ишга киритиб қўйганлар ва ўзлари мenden хабардор бўлиб турар эдилар”. Ёз ойларида отаси бошқа цехга ишга юборилади ва у бундан жуда хурсанд бўлади.



Сухандон Ўткир Сиддиқов ва доцент Шокир Юсупов билан қабул жараёнларидан



Ўзбекистон халқ артистлари Ёқуб Аҳмедов, Турғун Азизов

Негаки энди санъат институтига яна ҳужжатларимни топшираман ва буни ҳеч ким билмаслиги керак деган нияти бор эди. Шунда иш жойидан бир ҳафтага ўз ҳисобидан таътил олиб санъат институтига йўл олди ва барча имтиҳонлардан мувофақиятли ўтди.

1984 йили А.Н.Островский номидаги Тошкент театр ва рассомлик институти (ҳозирги ЎзДСМИ) “Драма театри ва кино актёрлиги” бўлимига ўқишга киради. Институтни муваффақиятли тугатгач, 1988 йил йўлланма билан А.Қаҳҳор номидаги Республика Сатира театрида иш фаолиятини бошлайди, кейинчалик 1991-йили Қибрай туманидаги академик лицейда драма тўғараги раҳбари сифатида ҳам иш олиб боради. 1992-йил институтнинг “Актёрлик маҳорати ва режиссура” кафедрасида катта лаборант вазифасида ишлаб, педагогик амалиёт билан астойдил шуғуллана бошлайди. Касбий йўналишини аниқ белгилаб олиш мақсадида 1997-йили соатбай асосида “Телевидение режиссёрлиги” кафедрасида ўқитувчи бўлиб фаолият олиб боради. 1998-йилдан бошлаб “Саҳна нутқи” кафедрасига ўқитувчи сифатида ишга қабул қилинади ҳамда малакали устоз профессор Лола Хаджаевадан сўз санъати, бадиий сўз маҳорати сирларини кунт билан ўргана бошлайди. Бу кафедрадаги фаолияти унинг келажакдаги муваффақиятларининг асоси ҳамда “Саҳна нутқи” фанининг жонкуяр ва фидойи устози бўлиб камол топишида тўғри танловлардан бири бўлди. “Саҳна нутқи” кафедрасидаги меҳнатлари туфайли 2005-йилнинг апрель ойидан катта ўқитувчи, 2011-йилнинг мартдан кафедра мудири, доцент ҳамда 2019-йилдан бошлаб профессор вазифасини бажарувчи лавозимларида ишлаган.

М.Ходжиматова Ўзбекистон телерадиокомпанияси “Ўзбекистон” канали орқали намойиш этилган А.Қаҳҳорнинг “Бемор” ҳикояси асосида “Минг бир жон” номли 2-қисмли телевизион фильми ҳамда Ўзбеккино миллий агентлиги “Ватан” киностудияси томонидан давлат буюртмаси асосида суратга олинган “Алданган аёл”, “Муқаддас бурч”, “Қора қузғун” фильмларида турли образларни яратди ва уларни овозлаштириш жараёнларида ҳам қатнашиб, ўзининг актёрлик маҳоратини тўла намоен қила олди. Театрлар билан ижодий ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбек Миллий академик драма театрига яқиндан ижодий ёрдам кўрсатиб, З.Солиева асари асосида саҳналаштирилган “Увайсий”, режиссёр В.Умаров бошчилигида Р.Муҳаммаджонов асари асосида саҳналаштирилган “Ойдин”, режиссёр Т.Азизов ҳамда муаллиф Х.Расул каби ижодкорлар билан ҳамкорликда “Тили асалим”, М. Абдуллаева билан “Дадажон демайман” спектаклларининг саҳналаштириши жараёнида нутқ бўйича маслаҳатчи бўлиб, педагогик фаолиятини амалий жараёнлар билан мустаҳкамлаб борди. 2007-йилда “Саҳна нутқи” (Нутқ техникаси) ўқув қўлланмаси, 2008-йилда ушбу ўқув қўлланма асосида “Нутқ техникаси ва ижрочилик маҳорати” деб номланган мультимедияни кенг китобхон оммасига тақдим қилди. М.Ходжиматова 2011-йилнинг биринчи ярим йиллигида “Саҳна нутқи” ўқув қўлланмасининг тўлдирилган нашри ҳамда шу йили “Саҳна нутқи хрестоматияси”ни институт Илмий кенгашига тақдим этиб, “Янги аср авлоди” нашриётида босмадан чиқарди.

М.Ходжиматова “Саҳна нутқи” (Нутқ техникаси) қўлланмасида “Саҳна нутқи” фанининг асосий бўлими ҳисобланган - артикуляция, талаффуз ҳамда овоз устида ишлаш борасидаги амалий машғулотларга тўхталиб, тавсиялар бериб ўтган. Ёқимли ва жарангдор овозларнинг пайдо бўлишида артикуляция ва талаффуз меъёрларига эришиш, тиниқ ва соф талаффузни таъминлашда нутқ органларидаги табиий ва нотабиий камчиликлардан холи бўлиш борасидаги машғулотлари талабаларнинг мустақил ўз устида ишлашларида катта ёрдам беради. Шу боис ҳам М.Ходжиматованинг “Нутқ техникаси ва ижрочилик маҳорати” мультимедияси кенг китобхон учун бу соҳани илмий ва амалий ўзлаштиришда таянч манба бўлиб хизмат қилади. 2012-йили “Саҳна нутқи” ўқув қўлланмаси ҳамда “Нутқ техникаси ва ижрочилик маҳорати” мультимедияси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан “Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти” номинациясида 1-ўрин билан тақдирланган. 2019-йили актёрлик ва режиссёрлик таълим йўналиши талабалари учун “Саҳна нутқи” ўқув қўлланмаси Институт кенгаши томонидан чоп этиш учун тавсия қилинган ва нашр этилган.

Педагогик фаолияти давомида бакалаврият бўлимлари учун “Саҳна нутқи” фанидан ўқув ва ишчи дастурлари, ўқув-услубий мажмуалар яратилиши ҳамда кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан ўқув адабиётларининг яратилишида ҳам илмий, ҳам амалий кўмак бериб келмоқда. Янги ахборот технологияларини қўллаш ҳамда янги авлод адабиётларини яратиш учун бир қанча лойиҳалар устида иш олиб борган. Таълим сифатини ошириш, жонли сўз санъатининг қудратли, таъсирчан, ифодавий имкониятларини такомиллаштиришга жиддий эътибор қаратиб, ўз ишига изланувчанлик билан ёндашганлиги туфайли кафедра профессор-ўқитувчилари ва талабалар орасида ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлган.

Институтдаги фаолияти мобайнида у интизомли, изланувчан, масъулиятли педагог сифатида ўзини кўрсата олди. М.Ходжиматованинг ишга жуда катта иштиёқ ва талабчанлик билан ёндошуви кафедранинг келгусидаги режали ишларининг самарали ташкил этилиши, ўзаро ҳамфикрликда иш олиб боришида ўрнатилган бўла олди. 2012-йили институтнинг ташкил этилиши ҳамда “Саҳна нутқи” кафедрасининг иш режаларида тубдан ўзгартиришлар қилиниши кафедра мудири ҳамда педагог сифатида машаққатли меҳнат ва тинимсиз ижод қилишни талаб этарди. Раҳбарият томонидан юклатилган ҳар бир вазифаларга астойдил, масъулият билан ёндошар, ишларни вақтида бажарилишини назорат қилар, таълим сифатини ривожлантиришнинг чора-тадбирларини ишлаб чиқар, “Саҳна нутқи” кафедрасининг равнақи учун фидойилик билан ишлаш лозимлигида намуна бўларди. М.Ходжиматованинг шу кунгача Халқаро ва Республика матбуотида, санъат таълими, театр, кино, телевидение ва сўз санъати ижрочилигига оид 50 дан ортиқ илмий мақолалари эълон қилинган. Шунингдек, Республика миқёсида ўтказиладиган илмий-амалий конференция ва семинар-тренинглarda ҳам ўз маърузалари билан иштирок этиб келмоқда. М.Ходжиматованинг илмий изланишларга бўлган интилишини “Ўзбекистон дубляж санъати: шаклланиш ва ривожланиш жараёнлари” деб номланган илмий-тадқиқот иши юзасидан олиб бораётган фаол ҳаракатида ҳам кўриш мумкин. 2011-2017 йиллари кафедра мудири лавозимида “Саҳна нутқи” кафедраси қошида “Бадий ўқиш санъати” маънавий-маърифий тўғараги кенгайтирилган шаклда қайта тузилиб, иш фаолияти самарали йўлга қўйилди, 2014-йили профессор в.б Г.Холиқулова ҳамкорлигида А-1-007 “Саҳна асарларида қаҳрамон характери талқин қилишда замонавий коммуникатив технологиялардан фойдаланиш услубияти” мавзусидаги амалий грант лойиҳаси асосида тайёрланган “Саҳна нутқи масалалари” номли Республика илмий-амалий конференциясининг юқори савияда ўтказилиши ҳамда Ўзбекистон давлат хореография академиясида Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2021 йил июнь – 2023 йил май ойларига мўлжалланган С 202003161 рақамли “Хореография санъати орқали имконияти чекланган болаларнинг жамиятдаги фаоллигини оширишга қаратилган мультимедиа маҳсулотини яратиш” мавзусидаги грант лойиҳасида жамоатчилик асосида ишлаши, 2015-йилдан бошлаб “Обод юртнинг оташин сўзи” деб номланган бадий ўқиш кўрик-танловининг ташкил этилишидаги фаоллиги институт раҳбарияти ва кафедра профессор-ўқитувчиларининг орасида ҳурмат қозонишига сабаб бўлди. Маънавий-маърифий ҳамда тарбиявий ишлар борасида ҳам ташаббус кўрсатиб келмоқда. Хусусан, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси телеканаллари, радио дастурлари орқали маънавий тарғиботчиси сифатида чиқишлар қилиб, ижодий мулоқотлар ўтказиб келмоқда. Айниқса, “Зулфияхоним қизлари” Республика кўрик-танлови Тошкент шаҳар босқичи ҳайъат аъзоси сифатида қатнашиши, ижодкор олима қизларни қўллаб-қувватлашдаги фаоллиги таҳсинга сазовордир. Янги ахборот технологияларини қўллаш ҳамда янги авлод адабиётларини яратиш учун бир қанча лойиҳалар устида иш олиб борди. Таълим сифатини ошириш, жонли сўз санъатининг қудрати, таъсирчан ифодавий имкониятларини такомиллаштиришга жиддий эътибор қаратиб, ўз ишига изланувчанлик билан ёндашганлиги туфайли институт, кафедра профессор-ўқитувчилари ва талабаларнинг эҳтиромига эришди.

М.Ходжиматова талабчан, масъулиятли, оилапарвар, ташаббускор ташкилотчи раҳбар бўлиши билан биргаликда касбига садоқатли, заҳматкаш ва фидойи педагог сифатида шогирдларига намунали устоздир.

ИҚТИБОСЛАР

1. Ходжиматова М. Саҳна нутқи – Тошкент: Янги аср авлоди, 2007 йил.
2. Ходжиматова М. Саҳна нутқи – Тошкент: “Lesson-press” нашриёти. Т. 2021.
3. Ходжиматова М. Саҳна нутқи – Тошкент: “Наврўз” нашриёти 2019
4. Жуманова Д. Саҳна нутқи (Янги тарих) – Тошкент: “Наврўз” нашриёти 2020



SAHNA NUTQI FANINI RIVOJLANTIRISHDA USTOZLAR MEROSINI O'RGANISHNING DOLZARB MASALALARI

(Ilmiy-amaliy seminar materiallari to'plami)

XOMIDOV Isfandiyor Kamoliddin o'g'li

O'zbekiston davlat san'at va madaniyat instituti o'qituvchisi

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10843295>

SAHNA NUTQI TEXNIKASINI TAKOMILLASHTIRISHDA GO'ZAL XALIKULOVA'NING IZLANISHLARI VA UNI AMALIYOTGA TADBIQ ETILISHI

ANNOTATSIYA

Mazkur maqola O'zbekiston davlat san'at va madaniyat instituti professori Go'zal Xalikulovaning "Sahna nutqi" fani doirasida olib borgan tadqiqotlari, zamonaviy teatr san'atida aktyorning nutqi ustida ishlash texnikalari hamda o'ziga xos metodikasiga bag'ishlanadi. Bundan tashqari, pedagog sifatida nutqiy kamchiliklarni aniqlash va bartaraf etish yo'llari, talaba imkoniyatidan kelib chiqib individual yondashuv uslublari haqida so'z boradi.

Kalit so'zlar: ilmiy tadqiqot, aktyor nutqi, nutqiy kamchilik, individual yondashuv, teatr, sahna nutqi, pedagogika, sahna nutqi texnikasi, metodika, talaffuz, trening, texnik mashq.

ИССЛЕДОВАНИЕ ГУЗАЛ ХАЛИКУЛОВОЙ ПО СОВЕРШЕНСТВОВАНИЮ ТЕХНИКИ РЕЧИ И ЕЁ ПРИМЕНЕНИЮ НА ПРАКТИКЕ

АННОТАЦИЯ

Данная статья посвящена исследованиям Гузали Холикуловой, профессора Государственной институт искусств и культуры Узбекистана, в области «Сценическая речь», приемов работы над актерской речью в современном театральном искусстве и его уникальной методике. Кроме того, рассказывается в качестве педагога как найти способа выявления и устранения речевых дефектов, методах индивидуального подхода с учетом способностей студента.

Ключевые слова: научное исследование, речь актёра, речевые дефекты, индивидуальный подход, театр, сценическая речь, педагогика, техника речи, методика, произношение, тренинг, технические упражнения.

GOZAL XOLIKULOVA'S RESEARCH ON IMPROVING THE TECHNIQUE OF STAGE SPEECH AND ITS APPLICATIONS IN PRACTICE

ANNOTATION

This article is dedicated to the research of Guzal Kholikulova, professor of the Institute of State Art and Culture of Uzbekistan, in the field of "Stage speech", the techniques of working on the actor's speech in modern theater art and his unique methodology. In addition, as a pedagogue, there will be talk about ways to identify and eliminate speech defects, individual approach methods based on the student's ability.

Key words: scientific research, actor speech, speech defects, individual approach, theatre, stage speech, pedagogy, stage speech technique, method, pronunciation, training, technique exercises.

Kirish. Teatr san'ati qadimdan xalqning o'y-fikrlari, quvonchu-tashvishlarini ro'y-rost ko'rsatib berish orqali tomoshabinni axloqiy va ma'naviy tarbiyalash xususiyati bilan jamiyat rivojida muhim o'rin tutgan. Bugungi kunda ham uning mavqei yuqori bo'lib, sohani chuqur o'rganish va tadqiq qilish asosiy vazifalardan biridir.

Teatrda sahnalashtiriladigan har bir spektaklda aktyorning ijrosi rejissor belgilagan g'oya va shart-sharoit bilan bog'liq. Uning ruhiy-jismoniy xatti-harakat qilishi, sahna nutqi qoidalariga amal qilgan holda xarakter yaratishi nutq texnikasini mukammal o'zlashtirishi bilan belgilanadi. Bu jarayonlarning o'ziga xos xususiyatlarini o'rganish maqsadida ko'plab teatr nazariyotchilari va amaliyotchilari tinimsiz izlanishlar olib borishgan. Sahna nutqi texnikasi haqida gap ketar ekan, ushbu predmetning fan bo'lib shakllanishida o'zining ulkan hissasini qo'shgan ulug' ustozlar metodikasini o'rganib va uni an'anaviy tarzda davom ettirib kelayotgan san'atshunoslik fanlari nomzodi, sahna nutqi mutaxassisi Go'zal Xalikulovaning izlanishlari hamda amaliyotga tadbiq etgan metodik mashqlari nafaqat institut talabalari, balki boshqa soha vakillarining ham nutq mahoratini oshirishga xizmat qilib kelmoqda.

Asosiy qism. 1971-yil 27-mayda Toshkent viloyatining Piskent tumani Said qishlog'ida ziyoli oilasida dunyoga kelgan G.Xalikulova 1988-yildan teatr san'ati bilan hayotini bog'ladi. Shu yili N.A.Ostrovskiy nomidagi Toshkent teatr va rassomchilik institutining "Drama teatri va kino aktyori" bo'limiga o'qishga qabul qilinadi va dotsentlar Rustam Usmonov, Shoira Hamidova, katta o'qituvchi Avteton Murodovlar kabi tajribali ustozlar qo'lida tahsil oladi. Hali talabalik chog'idayoq, 1990-1991-yillarda Rossiya Federatsiyasining Sankt-Peterburg shahrida o'tkazilgan V.Yaxontov nomidagi Butunittifoq badiiy o'qish tanlovida ikki marotaba ishtirok etib, faxriy yorliq va diplomlarga sazovor bo'lgan. G.Xalikulovani 4-kursda Hamza Hakimzoda Niyoziyning asarlari asosida sahnalashtirilgan "Hamzanoma" diplom spektaklida ko'rgan O'zbekiston san'at arbobi, mahoratli rejissor Bahodir Yo'ldoshev o'sha paytda faoliyat yuritayotgan Abror Hidoyatov nomidagi o'zbek drama teatriga olib ketadi. U vaqtlarda bitiruvchi kurs talabalarining diplom spektakliga respublika teatrlaridan rejissorlar kelib, o'zining teatriga bo'lajak aktyorlarni tanlab ketar edi.



*San'atshunoslik fanlari nomzodi,
professor v.b Go'zal Xalikulova*

Hali o'qish tugamasdan teatrda ish boshlagan yosh iste'dodli talaba Bahodir Yo'ldoshev tomonidan sahnalashtirilayotgan "Ma'mura kampir" spektaklida epizodik rolni repetitsiya qilish uchun darsdan so'ng teatrga qatnay boshlagan. Afsuski, bu quvonch uzoqqa cho'zilmagan. Bor yo'g'i besh oygina teatrdan ishlash nasib qilgan. Institutda yosh o'qituvchilar qo'l bilan sanoqli bo'lganligi bois institut rektori, san'atshunoslik fanlari doktori, professor Toshpo'lat Tursunov "Institut pedagoglarini yoshartirish kerak, laureat qizni institutda olib qolamiz" degan taklifni "Sahna nutqi" kafedrasida mudiri, san'atshunoslik fanlari nomzodi, dotsent Inoyatilla Po'latovga aytgan. Shundan keyin G.Xalikulovani I.Po'latov sahna nutqi assistent-o'qituvchisi lavozimiga ishga qabul qilgan. 1992-yili o'qishni tamomlagach, "Sahna nutqi" kafedrasida pedagog sifatida ish boshlagan va shu kungacha bo'lajak aktyor va rejissorlarga "Sahna nutqi" fanidan saboq berib keladi.

Olima 1998-2001-yillarda O'zbekiston Badiiy akademiyasi San'atshunoslik ilmiy-tadqiqot institutining "Teatr va xoreografiya" bo'limida aspirant sifatida ilmiy ish olib borgan va 2004-yili "O'zbek tarixiy dramalari talqinida sahna nutqi masalalari" mavzusidagi nomzodlik dissertatsiyasini himoya qilgan (*san'atshunoslik fanlari doktori, professor, O'zbekistonda xizmat ko'rsatgan fan arbobi M.H.Qodirov rahbarligida*).

Hozirda “O‘zbek teatri taraqqiyotida sahna nutqi” mavzusidagi doktorlik ishi ustida izlanmoqda. San’atshunoslik fanlari nomzodi Go‘zal Xalikulova “Sahna nutqi mahoratini egallashda uslub va vositalar”, “Sahna nutqi” nomli o‘quv-uslubiy qo‘llanmalar, “Sahna nutqi (tarixiy dramalar talqinida)” nomli o‘quv qo‘llanma yaratgan va mazkur o‘quv qo‘llanmasi uchun 2011-yili “Yilning eng yaxshi o‘quv adabiyoti muallifi-2011” respublika tanlovida g‘olib bo‘lgan. 2012-2014-yillarda “Sahna asarlaridagi qahramon xarakterini talqin qilishda zamonaviy kommunikativ texnologiyalardan foydalanish uslubiyati” nomli xalqaro grant loyihaga rahbarlik qilgan va “Sahna asarlaridagi qahramon xarakterini talqin qilishda zamonaviy kommunikativ texnologiyalardan foydalanish uslubiyati” nomli monografiya chop etgan. 2019-yili Nazira Aliyevaning “San’at – mening hayotim” nomli monografiyasini qayta nashrga tayyorlab chop etgan. 2023-yili pedagog kadrlarni tayyorlashda muhim hisoblangan magistratura yo‘nalishi uchun “Sahna nutqi fanini o‘qitish metodikasi” nomli darslik va shu nomdagi o‘quv qo‘llanmasini, rahbar kadrlarning malakasini oshirishda qimmatli “Oliy ta’lim muassasasi pedagog-rahbarlari kompetentligini takomillashtirishning metodologik asoslari” [1] nomli monografiyalar yaratgan.

Spektakllarda rollar o‘ynagan, konsert-tadbirlarda boshlovchilik qilgan, monolog, g‘azal va she’riy asarlarni radio-televideniya ijro qilib charxlangan ijodkor Go‘zal Erkinovna sahna nutqi metodikasini o‘rganish orqali uning tarixiy ildizlarini ilmiy tadqiq etishga bel bog‘ladi.

Olima san’atshunoslik sohasida sahna nutqini ilmiy tadqiq etar ekan, bu borada yaratgan kitoblarida quyidagilarni muhim hisoblaydi:

- O‘zbek teatrida sahna nutqi an’analarini o‘rganish;

- Mannon Uyg‘ur maktabi

va aktyorlaridan tortib, bugungi kunda ijod qilayotgan sahna ustalarining tajribasini tahlil etish;

- obraz yaratishda til va nutqning ahamiyatini aniqlash;
- sahnada o‘zbek adabiy tili meyorlariga amal qilish darajasini belgilash;
- ijroda so‘z harakati, nutqiy xarakteristika va tub ma’noning ochilishi kabi jihatlarni tekshirish.

Bo‘ljak aktyor va rejissor kadrlarni yetishtirishda esa pedagog sifatida quyidagilarga jiddiy e’tibor qaratadi:

- talabning psixologik-fiziologik holati, ijodiy imkoniyatlari, nutqiy o‘ziga xosliklarini aniqlash;

- talabning dunyoqarashi bilan tanishish;

- talabning xotira kuchi (quvvai hofiza), tasavvuri va fikrlashida mantiqiylik, izchillikni tekshirish;

- ovoz tembri, talaffuzdagi jarangdorlik va yoqimlilikning ta’sir kuchini oshirish;

- nutqiy kamchiliklarni topish hamda bartaraf etish yo‘llarini ishlab chiqish;

- talabalarda yakka va guruh bo‘lib ishlay olish ko‘nikmasini shakllantirish;

- har bir talabaga individual yondashgan holda faqat uning o‘zigagina mos sahna nutqi texnikasiga oid mashqlar tavsiya etish;

- so‘z ustida ishlaganda adabiy til meyorlariga qat’iy amal qilish;

- talabaga to‘g‘ri repertuar tanlay olishni va uni ijroda badiiy so‘z darajasiga yetkazishni o‘rgatish.



O‘zbekiston davlat san’at va madaniyat instituti rektori Baxtiyor Sayfullayev bilan

Talaba nutqini takomillashtirishda yangi metodikalar. Zamonaviy ta'lim tizimi sahna nutqi pedagogidan bo'lajak aktyorlarni tarbiyalashga samarali xizmat qiluvchi, innovatsion yondashuvlar asosida yangi texnik mashqlarni joriy qilishni talab etadi. Yuqorida keltirilgan "Sahna asarlaridagi qahramon xarakterini talqin qilishda zamonaviy kommunikativ texnologiyalardan foydalanish uslubiyati" nomli kitobni o'rganar ekanmiz, professor G.Xalikulovning sahna nutqi faniga YOG mashqlarini kiritishi talabalarning ijodiy qobiliyatini yanada tezroq va foydaliroq o'sishiga xizmat qilishiga guvoh bo'lamiz. Bu kitobda keltirilgan mashqlar yosh pedagoglar uchun tayyor dasturul amal vazifasini o'taydi. Tadqiqotchi tavsiya etayotgan metodik mashqlarini 12 yil davomida aktyorlar tayyorlash ustaxonalarida sinovdan o'tkazadi va amaliyotga tadbiiq etadi.

Tavsiya etilgan bu YOG mashqlari 2015-yildan buyon darslarda keng qo'llaniladi. Bu mashqlar talabanning artikulyatsiyasi, diksiyasi, nafasi, ovozi ustida kompleks tarzda ishlashga xizmat qiladi. Bir vaqtning o'zida texnik mashqlar uyg'unlashib, ijroga turtki bo'ladi. Albatta bu mashqlarni bajarishda talaba qiziqish bilan birgalikda gavdasini tarbiya qiladi. Bulardan ayrimlarini keltirib o'tish mumkin.

Gavda erkinligini ta'minlovchi mashqlar [2, B.50-51].

1. Dastlabki holat – oyoqlar yelka kengligida. Gavda erkinligi tekshiriladi. Buloqdan hovuchlab olgan suv boshdan quyib yuboriladi. Ishdan charchagan gavda muzday suvdan maza qilganligi seziladi. Nafas olinadi va qo'llar ham yelka kengligida yuqoriga qaratib ko'tarilgan holda tik turiladi. Bunda gavdada erkinlik seziladi, nafas chiqariladi.

2. Birinchi holatni buzmaganda holda engashiladi. Xuddi hayotga endigina kelgandek his etiladi. Nafas olinadi, nafas chiqariladi.

3. Dastlabki holat – oyoqlar yelka kengligidan ziyodroq kenglikda, qo'llar ikki yonga tortilgan. Nafas olganda o'ng qo'l yarim doira shaklida tepadan chap qo'l tomon harakatlantiriladi. Gavda yon tomonga engashadi. Mashq aksincha yana davom etadi. Bunda ham o'zni xuddi so'ngan oydek tasavvur qilish mumkin.

4. Dastlabki holat – oyoqlar yelka kengligida, qo'llar xuddi kamon otayotgandek. Ana shu holatda kamoni ipi tortilganda nafas olinadi. Kamon tortilgan tomondagi oyoq-tizza bukiladi. Dastlabki holatga qaytganda nafas chiqariladi. Qo'l va barmoqlar erkin. Mashq aksincha davom ettiriladi.

5. Muvozanatni saqlay olish mashqining dastlabki holati – o'ng oyoq orqaga bukiladi va chap qo'l bilan ushlanadi. O'ng qo'l oldinga tortiladi, nafas olinadi. Dastlabki holatga qaytganda nafas chiqariladi. Mashq aksincha qaytariladi. Bu mashqda bironta holat tasavvur qilinmasa-da, psixofizik harakatni amalga oshirilishi juda foydalidir. (Bu holatda beshgacha sanab, to'rt marta o'zgaradigan holatda mashq qila olgan talabalar ham bo'lgan. Bu ularning irodasini ham tarbiyalaydi.)

6. Agar chiroyli qomat ijrochiga albatta kerak, degan maqsad bo'lsa, navbatdagi mashqni to'g'ri bajarish zarur. Qo'llar tarang qilib ko'tarilib birlashtiriladi, bosh ikki qo'l orasida siqilib qoladi. Oyoqlar uchiga ko'tarilganda nafas olinadi. Orqaga qaytgach nafas chiqariladi.

Artikulyatsion mashqlarni kompleks jamlab ishlatish maqsadli deb hisoblagan tadqiqotchi mashqlarni u lab, bu jag', bu til uchun deb ajratmaydi. Nutq organlarining bir vaqtdagi umumiy harakatiga ahamiyat beradi. Masalan: esnash mashqlarining bir necha holatlarini A, E, O unlilari bilan aytishni hamda ovozsiz aytishni taklif etadi.

Pastki jag', til va lablar, burun bo'shlig'i birlashib "GMMM...GNNN, LMMM...RMMM, VMMM...VNNN" tovushlarini o'ta yengil talaffuz etishni taklif qiladi.

Aks sado mashqida ichki va tashqi zona nutq organlari bir vaqtda ishtirok eta olishi uchun rezonator tovushlari M.N, IEAOO'UI, MI.ME.MA, NI.NE.NA, IMM.ANN.ONN.UMM.UNN.; amma, omma, onna, umma kabi jamlangan birikmalardan foydalanishni taklif etgani bilan yaqqol ko'zga tashlanadi.

Asta sekinlik bilan YOG mashqlari asosida aktyor gavdasining bosh, bo'yin, ko'krak, qo'l, oyoq holatlarini ichki nigoh bilan kuzatish orqali yuz, lab, jag', til erkinligiga erishish yo'llarini tadqiq etadi.

Yuzning peshona qismini massaj, yuz nuqtalarini barmoqlar bilan yengil bosib o'tish, gavdaning yelka, ko'krak, umurtqa, oyoq va qo'llar erkin holatini ta'minlash uchun nafas mashqlarining ahamiyatini tushuntirib o'tadi.

1. Yuz muskullarni bo'shating, ko'zlarni yuming, tez-tez nafas oling, nafasni rostlab, to'xtab yana davom etish.

2. Bo'yin mushaklarini bo'shatish.

3. Yelka muskullarini bo'shatish.

4. Qorin muskullarini bo'shatib, har birida tez-tez nafas olishdan boshlab, beixtiyoriy ravishga erishish yo'llarini taklif etadi [3, B.103].

Tadqiqotchi G.Xalikulova artikulyatsiya uchun nutq organlari faqat lab, jag', tilgina emas, butun tana mushaklari erkinlashuvi ekanligini ta'kidlaydi. Erkin fikrlarga, erkin gavda va tana bilan erishishni mukammal ijobiy natijalar manbasi deb keltiradi. Bu bilan artikulyatsion qismni mazmun mohiyati, zaruriyat va ahamiyat doirasini yanada kengaytiradi. Butun tana, badan, yuz, jag', til, lablar o'z erkinlik holatini topa olishiga erishish orqali diksiya qismiga o'tib ishlash kabi muammolarni hal etadi. Natijada, texnikaning keyingi bosqichlarida ish olib borish yengilroq va samaraliroq kechishiga yordamlashadi. Ayniqsa, badan gigiyenasi bo'yicha tomoq chayqash, og'iz bo'shlig'i, tishlar va lablar oralig'ini tozalashni ham mashqlar darajasida foydalanishni taklif etishi bilan talaba-aktyor nutq organlarining faoliyati faqat ish sahna uchun emas, hayotiy jarayonlarda, oddiy kundalik ish tartibimiz jarayonida ham tarbiyalanib, mustahkamlanib, o'zlashtirib borishlikni anglatadi. Masalan, iliq suv bilan tomoqni g'arg'ara qilayotib, UUUU, AAAA, OOOO... tovushlari bilan chayqash mashqi fikrimizga isbotdir.

“Ilonlar oroli” mashqi [4, B.95] Talaba-aktyorlar uch guruhga bo'linadilar va kirill alifbosidagi “p” harfi shaklini egallaydilar. Pedagog tomonidan uchta guruh uch turdagi ilonlar galasi ekanligi tushuntiriladi. Masalan:

1-guruh: “Kapcha”;

2-guruh: “Gabon”;

3-guruh: “Jararak”.

Bu guruh ilonlari Afrika qit'asida yashashi, xarakteri, o'ziga xosligi talabalarga tushuntiriladi. Maqsadlar aniqlanadi. Maqsad – o'ch olish. “S” tovushini ishlatish bilan vazifani amalga oshirish, ya'ni dushmani yengish. Voqea Janubiy Afrika cho'llarida sodir bo'lmoqda.

Talabalar faraz qiladilar. Etyud ilonlarning uxlab yotishidan boshlanadi. O'rtaga narsa uloqtirib, ularga halaqit berildi. Ilonlar sekin uyg'onadilar. “S” tovushini talaffuz qilgan holda sekinlik bilan bosh ko'tarib, qo'llari bilan ilonning boshi holatini egallab, eshilib bir-birlariga qaraydilar. Navbatma-navbat o'zlarini quyidagi so'zlar talaffuzi bilan tanishtiradilar. “Kap-chaaa!”, “Ga-booonn”, “Ja-ra-raaa”. Bunda ovozga va nafas yordamida kuchli talaffuzga alohida e'tibor beriladi.

Har bir aktyor o'ziga xos xarakter topadi. Chayqalganda ham, gapirganda ham har xil xarakterlarni ifodalovchi intonatsiyalardan foydalanadi. Aktyor diapazonini kengaytirishga harakat qiladi. Cho'lda ilonlar janggi boshlanadi, bularni surnay yoki nay ovozi bosishi mumkin. Shuning uchun bunday ovozdan foydalaniladi. Ilonlar yana dastlabki holatga qaytadilar.



O'zbekiston Respublikasi san'at arbobi Bahodir Yo'ldoshev, O'zbekistonda xizmat ko'rsatgan yoshlar murabbiysi, dotsent Isoqtoy Jumanov, dotsent Maxsuma Xodjimatovalar bilan

Bu mashqda bir vaqtning o'zida aktyorning nutqidagi defektlar yo'qoladi, ovoz imkoniyatlari kengayadi, tasavvur, voqeaga munosabat bildirish olish, asosiysi xarakter yaratish qobiliyati oshadi. Bunday misollarni ko'plab keltirish mumkin.

Xulosa va takliflar. Ijroda ruhiy-jismoniy uyg'unlikka erishish qonuniyatlari buyuk reformator K.S.Stanislavskiy tomonidan ishlab chiqilgan va dunyo aktyorlik maktablarining ko'pchiligi shu sistemada ishlab kelmoqda, jumladan, o'zbek teatri maktabi ham. Aktyorning obraz ustida ishlashi g'oyat muhim va murakkab jarayon hisoblanib, xarakter yaratishda bosh omil – qahramon tilini aniqlash va nutqiy o'ziga xoslikni topishdir. Ijodkor bularga sahna nutqini o'rganish orqali erishadi.

San'atshunoslik fanlari nomzodi Go'zal Xalikulovanning ilmiy merosini o'rganish yosh sahna nutqi tadqiqotchilariga o'ziga xos maktab vazifasini o'taydi. Professor Go'zal Xalikulova tadbiq etgan metodikalar esa zamonaviy sahna nutqi pedagogikasida dasturul amaldir.

Sahna nutqi texnikasini takomillashtirishda quyidagilarga ahamiyat berish zarur ekan:

1. Xato qilmaslik (talaba bilan texnika ustida ishlaganda uning individual imkoniyatlariga mos kelmagan mashqlarni tavsiya qilish, buning oqibatida talabaning nutq apparatiga shikast yetkazish havfi bor).

2. Ehtiyotkorlik (texnik mashqlar bajarish jarayonida ustozlar tavsiya etgan mashqlarning ketma-ketligi va qoidasini buzmaganda bajarish, aks holda, mashqning noto'g'ri bajarilishi oqibatida nutq apparati yoki tana a'zolarining meyoriy faoliyati buziladi).

Soha rivoji yo'lida quyidagilarni taklif qilmoqchimiz:

1. Sahna nutqini tadqiq etish borasida professor Go'zal Xalikulova kabi zabardast olimlarimizning ilmiy meroslarini o'rganish.

2. Sahnaviy asarning janr xususiyatidan kelib chiqib nutqiy xarakter yaratish tizimini joriy qilish.

3. Yosh tadqiqotchilar uchun dolzarb masalalar yuzasidan ilmiy mavzular bazasini yaratish.

4. Sahna nutqi texnikasini egallashda samarali trening-mashg'ulotlar ishlab chiqish.

ИҚТИБОСЛАР

1. Xalikulova G. Sahna nutqi (tarixiy dramalar talqinida). – Toshkent: Karloo, 2008. 124 bet.
Xalikulova G. Sahna asarlaridagi qahramon xarakterini talqin qilishda zamonaviy kommunikativ texnologiyalardan foydalanish uslubiyati. – Toshkent: Fan va texnologiya, 2015. 152 bet.
Xalikulova G. Sahna nutqi fanini o‘qitish metodikasi. – Toshkent: Donishmand ziyosi, 2023. 216 bet.
Xalikulova G. Oliy ta’lim muassasasi pedagog-rahbarlari kompetentligini takomillashtirishning metodologik asoslari. – Toshkent: Donishmand ziyosi, 2023. 80 bet.
2. Xalikulova G. Sahna asarlaridagi qahramon xarakterini talqin qilishda zamonaviy kommunikativ texnologiyalardan foydalanish uslubiyati. – Toshkent: Fan va texnologiya, 2015. 50-51-betlar (152 bet)
3. Qodirov R. “Madaniyat va san’at fidokori” Go‘zal Xalikulova ning pedagogik faoliyati va ilmiy izlanishlari. “Xalqaro madaniyat va san’at menejmenti: muammo va yechimlar” mavzuyidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallar to‘plami (II to‘plam). – Toshkent: Donishmand ziyosi, 2023. 103-bet. (280 bet)
4. Xalikulova G. Sahna asarlaridagi qahramon xarakterini talqin qilishda zamonaviy kommunikativ texnologiyalardan foydalanish uslubiyati. – Toshkent: Fan va texnologiya, 2015. 95-bet (152 bet)



SAHNA NUTQI FANINI RIVOJLANTIRISHDA USTOZLAR MEROSINI O'RGANISHNING DOLZARB MASALALARI

(Ilmiy-amaliy seminar materiallari to'plami)

ИБРАГИМОВА Умида Наврўзовна

*Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
катта ўқитувчиси*

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10843393>

МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ЎЗБЕК САХНА НУТҚИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТИДАГИ ТУБ БУРИЛИШ ҲАҚИДА (ГЎЗАЛ ХАЛИКУЛОВАНИНГ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТИ МИСОЛИДА)

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада “Сахна нутқи” кафедрасида узок йиллар сахна нутқининг спецификасини ўрганган олима, бугунги кунда эса талабаларга сабоқ бериб келаётган устоз Гўзал Халикулованинг илмий-ижодий ва педагогик фаолиятига тўхталиб ўтилади.

Калит сўзлар: театр, актёр, нутқ, сахна, илм, сўз, устоз, сабоқ, ижод, талаффуз, нутқ техникаси, копток, арқон.

О ПОВОРОТЕ В ИССЛЕДОВАНИИ УЗБЕКСКОЙ СЦЕНИЧЕСКОЙ РЕЧИ В ПЕРИОД НЕЗАВИСИМОСТИ УЗБЕКИСТАНА (НА ПРИМЕРЕ НАУЧНОГО ИССЛЕДОВАНИЯ ХАЛИКУЛОВОЙ ГУЗАЛ)

АННОТАЦИЯ

В данной статье будет рассмотрена научно-творческая и педагогическая деятельность Гузал халикуловой-ученой, которая долгие годы изучала специфику сценической речи на кафедре “сценическая речь”, а сегодня преподает студентам.

Ключевые слова: театр, актер, речь, сцена, наука, слово, учитель, урок, творчество, произношение, техника речи, мяч, веревка.

ABOUT THE FUNDAMENTAL TURN IN THE RESEARCH OF UZBEK STAGE SPEECH OF THE INDEPENDENCE PERIOD (ON THE EXAMPLE OF THE SCIENTIFIC STUDY OF THE B GUZAL HALIKULOVA)

ANNOTATION

This article will focus on the scientific and creative and pedagogical activity of Master beauty Halikulova, who has studied the specifics of stage speech for many years at the Department of “Stage speech”, and today teaches students lessons.

Keywords: theater, actor, speech, stage, science, word, teacher, lesson, creativity, pronunciation, speech technique, ball, rope.

Кириш. Бугунги кунда “Саҳна нутқи” фанининг нуфузи, салоҳияти, имкониятларини янада мустаҳкамлаб янги марраларга олиб чиқиш йўлидаги ҳаракатлар ва бу йўлда профессор-ўқитувчилари фаолиятини такомиллаштиришга эҳтиёж ортиб бормоқда. Бу йўлда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг “Саҳна нутқи” кафедрасига асос солган устозларнинг беназир илмий-амалий, назарий ва ижодий изланишларини эътибор, ишонч, ҳурмат билан қараган ҳолда уни чуқур ўрганиш лозим. Шу билан бирга бугунги авлодга уларнинг анъаналарни етказиш муҳим ҳисобланади.

Ота-она сенга ҳаёт берса, устоз бу ҳаётда сенга қандай яшашни ўргатади. Уларнинг сенга берган сабоғи, илми, билими орқали ҳаётинг да муҳим ўринни эгаллай бошлайди.

Санъатшунослик фанлари номзоди, профессор Гўзал Холиқулова 1971-йил 27-май куни Тошкент вилояти, Паркент туманида яшовчи зиёлилар оиласида туғилган. 1987-йили М.Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институтининг (ҳозирги ЎзДСМИ) “Драма театри ва кино актёри” бўлимига ўқишга кириб, малакали ва тажрибали устозлари Рустам Усманов, Афтед Мурадовалардан сабоқ олади. 1992-йили институтни муваффақиятли тамомлайди ва шу йилдан бошлаб “Саҳна нутқи” кафедрасида ассистент-стажёр, ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент лавозимларида ишлади, шу қаторда жамоатчилик асосида декан муовуни, “Аспирантура ва магистратура” бўлими бошлиғи ҳамда “Илмий ишлар ва инновация бўйича проректор” лавозимларида узоқ йиллар ишлаган.



*Санъатшунослик фанлари номзоди, профессор
в.б Гўзал Холиқулова*

Г.Холиқулова малакали мутахассис “Саҳна нутқи”, “Нотиқлик санъати”, “Нутқ маданияти” фанларининг етук педагоги сифатида, шунингдек ёшлар маънавий дунёқараши ва истиқлолга садоқат руҳида тарбиялашдаги салмоқли ҳиссалари билан соҳа мутахассислари ва жамоатчилик орасида ҳурмат-эътибор қозонган.

У 1990-1991 йилларда Россия давлатининг Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилган В.Яхонтов номидаги анъанавий “Бадий ўқиш” кўрик-танловида миллий адабиётимизнинг юксак намуналари билан иштирок этиб, ўзбек бадий ўқиш санъатини тарғиб қилиб келган ва икки марта танлов совриндори бўлган. 1998-2001 йилларда Ўзбекистон Бадий академияси Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтининг “Театр ва хореография” бўлими аспиранти сифатида илмий иш олиб борган ва 2004-йилда “Ўзбек тарихий драмалари талқинида саҳна нутқи масалалари” мавзусида (санъатшунослик фанлари доктори, профессор М.Ҳ.Қодиров раҳбарлигида) номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиб, санъатшунослик фанлари номзоди илмий даражасини олган.

Г.Холиқулова олима аёл сифатида кўпчиликка намуна бўла оладиган инсон. Уларни биринчи бор учратганимда куч ғайратга тўла, гўзал, талабчан, меҳрибон инсон кўз олдимда гавдаланган. Илм йўли шавқатсиз йўл, ҳеч кимни аямайди - дейишганида чўчидим. “Сизни илмий ишимга раҳбар қилиб олмоқчиман” - деганим ҳалиям кечагидек эсимда “Хонамга киринг, сиз билан суҳбатлашамиз” деган эдилар табассум билан.

Уша сухбатдан сўнг нафақат илм ўрганишни оиланинг муҳимлиги, фарзанд тарбияси, аёлнинг жамиятда тутган ўрни хақида қарашларим ўзгарди.

Г.Халикулова бир куни менга савол бердилар. “Илм йўлида ёнғоқ бўлиш керакми ёки товукми?” бир қарашда оддий кўринган бу савол инсонни ўйлашга мажбур қилади. Жавоб жуда қизиқ, агар ёнғоқни танласанг уни ичини билолмайсан, ташқаридан қараганда чиройли аммо ичи пуч бўлиши мумкин. Агар товук бўлсанг, сен қидирасан, меҳнат қиласан, яхши нарсани қидирасан ва албатта топасан. Устознинг бу фикри фаласафий фиклашга мажбур қилади. Илмда ҳалол бўлиш кераклиги, сендаги илмни ҳеч ким тортиб ололмаслигини тушуниб етасан.

Асосий қисм ва методологияси.

Саҳна нутқи мактабини яратган устозларнинг давомчиси сифатида 2009-йилда Г.Халикуловага ассистент ўқитувчи сифатида “Драматик театр ва кино актёрлиги” курсида иш бошладик. Саҳна нутқи фанини пухта эгаллаш учун унинг техникасини мукамал ўрганиш зарур ҳисобланади. Техника устида ишлашда Г.Холикулованинг алоҳида методик йўли мавжуд. Устоз менга техника қисмини ишлашни топширар эдилар. Чунки саҳна нутқи маҳоратини эгаллашда нутқ техникасини мукамал билиб олиш ва унга амал қилиш лозим. Г.Холикулованинг “Яхши дикция бу сўзлар талаффузидаги аниқлик, ҳар бир унли ва ундош товушларнинг меъёрий талаффуз этилишидир. Табиийки, нутқда камчиликлар учрайди, бундай нутқий камчиликларни, мунтазам машқлардан фойдаланган ҳолда уни бартараф этиш мумкин”- деган фикридан келиб чиқиб, талабаларга машқларни беришдан олдин унинг нутқидаги камчиликларни аниқлаб олиб кейин ўша камчиликни бартараф этишга ёрдам берадиган машқларни олардим.

Устоздан нутқ техникасида яна бир муҳим жихатларидан бири фанга керакли муҳим деталлар арқон, теннес коптоги, гиламча, ҳалқадан фойдаланиб машқларни ишлашни ўргандим. Бундан ташқари йог динамик машқлар Цзян-Фей, аруз жанрининг таҳлили ва талқинини эринмасдан ўргатдилар.

Г.Холикулова дарсни актёрлар ва режиссёрлар учун муҳим деталлардан бири табуреткада тўғри ўтиришдан бошлар эди. Талаба табуретканинг учдан бир қисмида ўтирмас экан, гавдани ташлаб юбориши, тўғри нафас ололмаслиги ва бунинг натижасида овознинг жаранги йўқолиши мумкинлигини айтиб ўтарди. Табуретка асосан талабанинг қоматини тўғри тутиб туришига ёрдам беради. Табуретка машқлари орқали, диққат, хотира тарбияланади.

Устознинг талаффуз устида ишлаганда копток ва арқонлардан фойдаланиб ишлаши мен учун ҳозиргача катта услуб бўлиб келмоқда Чунки копток билан ишлаганда машқлар комплекс равишда амалга оширилади. Олдин талаба унли ва ундош товушлар орқали талаффузни ўзлаштиради, кейин сўзларга ўтади.

Г.Холикулова “копток танлаганда айнан теннес коптокчасидан фойдаланиш, ўйлаган натижага эришишга ёрдам беради. Чунки теннис коптоги, волейбол, баскетбол тўпларига қараганда енгил, ижрочиға ноқулайлик туғдирмайди, яхши сакрайди” - дейди. Буни ўз курсларимдан қўллаб кўрганимдан сўнг натижасини кўра бошладим.



*Гўзал Халикулова конференцияда
мъруза ўқияпти*

Копток машқлари талабани гавдасини тўғри тутиб туришига, овозни йўналишига, равон ва тоза талаффузга эга бўлишига ва талабанинг диққатини тарбиялашга ёрдам беради. Копток билан ишлаганда диққат бир жойга йиғилмаса натижа яхши чиқмайди. Бунинг учун педагог талаба билан албатта диққия устида эринмасдан, ҳар бир машқ устида битталаб тўхталиб ишлаши зарур. Копток билан ишлаганда ҳар бир машқларни санъаткорона бажарилиши керак.



Халқаро конференцияда ҳамкасблари билан

Арқон билан ишлашганда талаба эркин ишлаши лозим. Машқ давомида нафас ва овоз уйғун ҳолда ишлаши керак акс ҳолда тўғри олинмаган нафасда машқ бажариш чарчоқни, овозни хасталигини келтириб чиқаради. Арқон нафасни чиниқтиради, ритмик ҳолатни ушлаб туради, овоз жарангдорлигини оширади.

Машқларда талабанинг жисмоний гавдаси, артикуляцияси ва энг муҳими овози комплекс равишда ишлаши керак. Агар овоз мақсадсиз ишласа, фикрнинг маҳсули бўлмаса нотабиийлик вужудга келади. Мақсад тўғри амалга оширилиши учун актёрнинг диққати яхши ишлаши керак. Талаба диққатни тарбиялашда эса, диққатни жамлашнинг 5 усули ёрдам беради. Улар ҳид билиш, там билиш, кўриш, эшитиш ва ҳис қилишдир. Мана шу бешта сезги органларини тўғри бажариш ижрочи талабага мувоффақият олиб келади. Устоз “тулки” машқида диққатдан фойдаланадилар. Талабаларга фақатгина сахна нутқи ўтмасдан актёрлик маҳорати элементларини ҳам уйғунликда ўргатар эди.

Бу машқлар амалий, якка ва мустақил машғулотларда мустаҳкамланиб асосий урғу ижрога, бадий ўқишнинг муҳим омилларидан бири бўлган таҳлил ва талқин, сўз таъсирчанлигини ошириш, персонаж ва образ нутқий характерларини чуқур ўзлаштириш жараёнини эгаллашни, ўқитиш услубларининг муҳим ва асосий омилларига қаратилади.

Бугунги кунда устоз тарбиялаётган мутахассисларга назар солинса, сўз санъатида ибрат бўладиган қатор масалаларни кўриш мумкин. Унда санъат таълимининг ўзига хос талаблари, ўқитишнинг замонавий усуллари, синовдан ўтган назарий-амалий кўникмалар соҳанинг асосий мазмунини ташкил этади.

Гўзал Холикулованинг кўп йиллар давомида кўрсатган рейтинг назоратлари кўриги ўзининг бетакрорлиги, мазмундорлиги, янгиликка интилиши, ижодий услубий ёндошиши, педагогик салоҳияти, тажрибаси, санъат ва маданият таълимига бўлган эътибор, таълим тизимидаги тубдан такомиллаштирилаётган янгича услубларга эътибор қаратилганлиги билан жозибали.

Тилнинг хатти-ҳаракатлиги олий мақсад, етакчи хатти-ҳаракат, тўқнашув, фактга баҳо бериш, характер, воқеалар кетма-кетлиги, сўз хатти-ҳаракати каби масалалар билан узвий боғлиқдир. Қаҳрамон сўз билан хатти-ҳаракат қилади. Асарда содир бўладиган ҳамма воқеалар ўз мақсадларини сўз билан ифодалайди. Бу сўз оддий сўз бўлмасдан, балки қаҳрамоннинг лирик ва фожеавий кайфиятларини ифодаладиган, туб маънога эга бўлган сўздир.

Устознинг яна бир таклифлари сабаб “Дийдор” театрига ташрифим, устоздан ўрганганларимни ана шу жойда мустаҳкамлашимга имкон берди. Чунки буюк режиссёр Баходир Йўлдошев билан 5 йил давомида бирга, улардан маслаҳат олиб ишлаш насиб этди.

Хулоса. Гўзал Эркиновна томонидан яратилган ўқув қўлланмалар, сахна нутқи фанининг долзарб муаммолари ва уларнинг ечимларига қаратилган юзлаб мақолалари, қолаверса “Сахна нутқи” фанининг “нутқ техникаси” ва “сўз устида ишлаш” қисмлари бакалаврият таълим йўналиши, театр санъати учун дастурул амал бўлиб келмоқда.

Устознинг ўзбек театр санъати ва сахна нутқининг долзарб муаммоларига бағишланган 100 га яқин илмий мақола ва тезислар, актёрлик ва режиссёрлик йўналишлари учун 10 дан ортиқ ўқув дастур, “Сахна нутқи маҳоратини эгаллашда услуб ва воситалар”, “Сахна нутқи” номли ўқув-услубий қўлланма, 2008 йили “Сахна нутқи” (тарихий драмалар талқинида) номли ўқув қўлланма ва 2015-йили “Сахна асарларидаги қаҳрамон характери талқин қилишда замонавий коммуникатив технологиялардан фойдаланиш услубияти” монографияси, 2023 йилда магистрлар учун “Олий таълим муассасалари педагог раҳбарлари компетентлигини ривожлантиришнинг методологик асослари” монографияси ҳамда “Сахна нутқи фанини ўқитиш методикаси” дарслигини яратди.

Бугунги кунда бош мақсад ўзбек сахна нутқи фани олдида турган вазифаларга ечим топишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Зеро театр, кино, радио, телевидение, эстрада санъати йўналишлари талабаларининг нутқий имкониятларини тарбиялашга, уларни такомиллашган тизимларда ўқитишнинг янгича ёндошув ва услубларини ёритишда тажрибали профессор-ўқитувчиларимиз томонидан яратилаётган “Сахна нутқи” фанининг назарий, амалий асосларини чуқур таҳлил қилиб уни сўз санъатининг, сахна нутқи мактабининг етакчи йўлига айлантириш Гўзал Эркиновнанинг доимий мақсади эканлигини англаймиз.

ИҚТИБОСЛАР

1. Халикулова Г. Саҳна асарларидаги қаҳрамон характери талқин қилишда замонавий коммуникатив технологиялардан фойдаланиш услубияти. Монография. 2015 йил.
2. Халикулова Г. Олий таълим муассасалари педагог раҳбарлари компетентлигини ривожлантиришнинг методологик асослари. Монография. 2023 йил.
3. Халикулова Г. Саҳна нутқи фанини ўқитиш методикаси. Дарслик. 2023 йил.
4. Холиқулова Г. Саҳна нутқи (тарихий драмалар мисолида). – Тошкент: 2007 йил 8-бет.

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI MADANIYAT VAZIRLIGI
O‘ZBEKISTON DAVLAT SAN’AT VA MADANIYAT INSTITUTI**

**SAHNA NUTQI FANINI RIVOJLANTIRISHDA
USTOZLAR MEROSINI O‘RGANISHNING DOLZARB
MASALALARI**

(ilmiy-amaliy seminar materiallari to‘plami)

TOSHKENT - 2024